



**KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA
BANDLIK VAZIRLIGI XODIMLARINING
MALAKASINI OSHIRISH MARKAZI**

№ 1 (1), 2024

INSON KAPITALI VA MEHNATNI MUHOFAZA QILISH

**ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL**

TOSHKENT – 2024

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI**

**KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI
XODIMLARINING MALAKASINI OSHIRISH MARKAZI**

№ 1 (1), 2024

**"INSON KAPITALI VA MEHNATNI MUHOFAZA QILISH"
ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL**

**"ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ И ОХРАНА ТРУДА"
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЭЛЕКТРОННЫЙ
ЖУРНАЛ**

**"HUMAN CAPITAL AND OCCUPATIONAL SAFETY"
SCIENTIFIC AND PRACTICAL ELECTRONIC
JOURNAL**

TOSHKENT – 2024

Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining malakasini oshirish markazi
"Inson kapitali va mehnatni muhofaza qilish" ilmiy-amaliy elektron jurnal

Bosh muharrir:
Raxmonov Abdusalil Xomitovich
Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining malakasini oshirish markazi direktori

Bosh muharrir o'rinbosari:
Nurmamatova Rahima Rahmanovna
Texnika fanlari doktori (DSc), dotsent - Mehnatni muhofaza qilish kafedrası mudiri.

Mas'ul kotib:
To'xtaboev Xayrulla Nosirovich
S.f.f.d., (PhD) - Bandlik va inson resurslarini boshqarish kafedrası mudiri.

Texnik muharrir:
Amirqulov Zuhridin Nuriddin o'g'li
Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining malakasini oshirish markazi kengashi kotibi, katta o'qituvchi

TAHRIRIYAT HAY'ATI RAISI:

Abduraxmanov Qalandar Xadjayevich – O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi va qator xalqaro fanlar akademiyalarining akademigi, iqtisod fanlari doktori, professor. Toshkentdagi G.V.Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot universiteti filiali direktori. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi kafedrası professori.

TAHRIRIYAT HAY'ATI A'ZOLARI:

B.T.Ibragimov – texnika fanlari doktori (DSc), professor

B.H.Umurzaqov – iqtisod fanlari doktori, professor

A.A.Baxodirov – texnika fanlari doktori (DSc), professor

I.U.Madjidov – texnika fanlari doktori, professor

O.M.Yo'ldosheva – texnika fanlari doktori, professor

B.T.Xasanov – texnika fanlari doktori, professor

Sh.E.Kurbanbayev – texnika fanlari doktori, professor

Q.M.Murtazayev – texnika fanlari doktori (DSc), dotsent

B.N.Toshev – yuridik fanlari doktori, professor

Y.B.Nazarov – yuridik fanlari doktori, professor

O.A.Djurayev – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

M.R.Doschanov – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

F.N.Nurqulov – texnika fanlari doktori (DSc) professor

M.M.Xolmuxamedov – pedagogika fanlari doktori., professor

O.R.Yuldashev – texnika fanlari nomzodi, professor

O.D.Raximov – texnika fanlari nomzodi, professor

X.L.Pulatov – kimyo fanlari doktori., professor

A.X.Abdullaev – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

K.M.Mirzaaxmedov – siyosiy fanlar doktori (DSc), dotsent

G.B.Abdieva – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

R.Rajabbaev – fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent

U.B.Kadirov – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

R.A.Absalomov – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Ch.R.Xo'janov – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2023-yil 19-iyulda 104355-son bilan ro'yxatga olingan.

Jurnalda maqolalar o'zbek, rus va ingliz tillarida chop etiladi va yiliga to'rt marotaba nashr etiladi.

© Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining malakasini oshirish markazi, 2024
 © "Inson kapitali va mehnatni muhofaza qilish" ilmiy-amaliy elektron jurnal, 2024

РЕСПУБЛИКАМИЗДА МЕХНАТ ҚОНУНЛАРИНИНГ БУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

А.А.Абдукаримов, Ш.А.Мавлянов

(Ўзбекистон Республикаси Камбагалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги),

А.Х.Рахмонов, т.ф.д., доцент Р.Р.Нурмаматова

*(Камбагалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг
малакасини ошириш маркази)*

Аннотация. Ушбу мақолада республикамызда қабул қилинган меҳнат қонунларининг бузилиш ҳолатлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросидаги муаммолари таҳлил қилинган. Республикамызда 2023 йил ва 2024 йилнинг 1-ярми бўйича иқтисодий фаолият турларида меҳнат муносабатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаларида меҳнат қонунчилигининг бузилишлари ўрганилган ва сабаблари аниқланган. Йил ўтган сайин меҳнат фаолияти жараёнида хавфларнинг камаймаслиги, ҳанузгача меҳнат муҳофазаси соҳасининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бу эса, соҳани янада такомиллаштириш ва илмий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилади.

Калит сўзлар: меҳнат қонунлари, меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, бахтсиз ҳодисалар, давлат меҳнат инспекцияси.

Аннотация. В данной статье анализируются случаи нарушения трудового законодательства, принятого в нашей республике, а также проблемы реализации нормативных правовых документов. Изучены нарушения трудового законодательства в сфере трудовых отношений и охраны труда в хозяйственной деятельности за 2023 год и первое полугодие 2024 года в нашей республике, установлены их причины. Отсутствие снижения рисков в процессе трудовой деятельности по-прежнему остается одной из актуальных проблем в сфере охраны труда. Это требует дальнейшего совершенствования отрасли и проведения научных исследований.


Ключевые слова: трудовое законодательство, трудовые отношения, охрана труда, несчастные случаи, государственная инспекция труда.

Abstract. This article analyzes cases of violations of labor legislation adopted in our republic and issues related to the implementation of regulatory legal documents. It examines violations of labor legislation in the fields of labor relations and labor protection in economic activities during 2023 and the first half of 2024 in our republic, identifying their causes. The lack of risk reduction in the work process remains one of the pressing problems in the field of labor protection. This necessitates further improvement in the field and the conduct of scientific research.

Key words: labor legislation, labor relations, labor protection, accidents, state labor inspection.

Республикамызда сўнги йилларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига фаолият хавфсизлигини таъминловчи энг муҳим, долзарб соҳалардан бири сифатида эътибор қаратилаяпти. Жаҳонда ҳар йили меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг бузилиши оқибатида 2 миллион 300 мингдан ортиқ киши иш фаолияти давомида ҳалок бўлиши, 8 миллиондан ортиқ киши меҳнатда майиб бўлиши аниқланади. Худди шундай меҳнат қонунчилигининг бузилиши натижасида жароҳат олишлар, бахтсиз ҳодисалар содир бўлиш кўрсаткичи республикамызда меҳнат фаолиятини ҳам четлаб ўтмаган. Бундай нохуш ҳодисаларни камайтириш мақсадида меҳнат муҳофазаси бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалда фойдаланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат Кодекси 2022 йил 28 октябрда ЎРҚ-798-сонли Қонун билан қабул қилинди ва 2023 йил 1 апрелдан кучга кирди. Меҳнат қонунчилигини янги таҳрирда қабул қилишдан мақсад, республикамызда қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига мувофиқ ҳолда жорий этишдир. Шунингдек, ҳар бир соҳада фаолият олиб бораётган ишчи-ҳодимлар ва меҳнат ресурсларининг хавфсизлигини таъминлаш, соғлигини сақлаб қолиш ва иш унумдорлигини оширишдир. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар тенг ҳуқуқли меҳнат муносабатларини назарда тутати. Бироқ, ҳанузгача ҳамма соҳада меҳнат қонунчилиги бузилишларига йўл қўйилаётгани, меҳнат муҳофазаси меъёрий ҳужжатларининг амалда таъминланиши юзасидан лоқайдликлар кузатилаётгани аниқланди.



1-расм. Республикамызда 2023 йил ва 2024 йилнинг 1-ярмида аниқланган меҳнат қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари статистикаси.

Меҳнат муносабатларини тартибга солишда иштирок этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш, меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иш жараёнига мослиги, асосий хавфларни ўрганиш ва хавфсизликни таъминлаш масалаларида Давлат меҳнат инспекция ходимлари муҳим ўрин эгаллайди. Давлат меҳнат инспекция ходимлари томонидан меҳнат муносабатларини тартиб солиш, соҳадаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, иш берувчиларга янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун моҳиятини тўлақонли тушунтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилади. Давлат меҳнат инспекция ходимларининг текшириш ва ўрганишлари натижасида 2023йил ва 2024 йилнинг 1-ярмида аниқланган меҳнат қонунчилигининг бузилиш статистикаси 1-расмда келтирилган. 1-расмда кўрсатилган меҳнат қонунчилиги бузилиш ҳолатлари иқтисодий фаолият турлари бўйича аниқланиб, текширилган ўрганишлар ҳолати фоизлар улушида ҳисобланганда, 1-жадвалда кўрсатилган натижалар келиб чиқди.

1-жадвал

Республикамизда иқтисодий фаолият турларида аниқланган меҳнат қонунларининг бузилиш ҳолатлари (2023 йил ва 2024 йилнинг 1-ярми)

Т/р	Йиллар	Иқтисодий фаолият турларида меҳнат қонунчилиги бузилиши					
		Мактабгача ва мактаб таълими	Соғлиқни сақлаш тизими	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Олий таълим	Бошқа иқтисодий соҳалар (саноат, нефт-газ, савдо, қимё, алоқа, банк ва б.)
1.	2023	7 208 44,9%	1 312 8,2%	849 4,8%	776 5,3%	478 3%	5 415 33,8%
2.	2024 йил 1-ярми	11558 27%	1 766 8%	820 4%	719 3%	791 4%	5 782 28%

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2023 йилга нисбатан ҳам 2024 йилнинг 1-ярмида меҳнат қонунлари бузилиш ҳолатлари кўпайган. Айниқса, бунда мактабгача ва мактаб таълими билан боғлиқ соҳалар етакчи ўринда турибди. Бунга сабаб, мактабгача ва мактаб таълими билан боғлиқ соҳаларда меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазасига риоя этмаслик, меҳнат қонунчилигини билмаслик, меҳнат хавфсизлигини таъминлашга эътиборсизлик, қолаверса, меҳнат муҳандиси лавозимининг амалда мавжуд эмаслигидир. Аниқланган меҳнат қонунлари бузилишини меҳнат муносабатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бўлиб ўрганилганда, 2-жадвалда кўрсатилганидек натижалар келиб чиқди.

Республикамизда меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазаси бўйича
аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари
(2023 йил ва 2024 йилнинг 1-ярми)

Т/р	Йиллар	Меҳнат муносабатлари бузилиши, %							Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича			
		Меҳнат таътиллари	Иш ҳақини тўламаслик	Бўш иш ўринларини яшириш	Меҳнат шартномаларини нотўғри расмийлаштириш	Электрон меҳнат шартномалар тузмаслик	Ишдан ноқонуний бўшатиш	Бошқа йўналишлар	Бахтсиз ҳодиса	Ўлим ҳолати	Оқибати оғир бахтсиз ҳодиса	Гуруҳли бахтсиз ҳодиса
1.	2023	18,5%	16,3%	9,6%	8,9%	4,4%	2,7%	39,6%	844	221	678	53
2.	2024	19%	17%	9%	7%	4%	3%	41%	374	109	288	14

Жадвалдан кўринадикки, меҳнат муносабатлари бўйича меҳнат таътилига ходимни ўз вақтида чиқармаслик, таътил пуллари тўлашни кечиктириш, иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик, вақанцияда турган бўш иш ўринларини яшириш, меҳнат шартномаларини нотўғри расмийлаштириш, электрон меҳнат шартномаларини тузмаслик, ноқонуний ишдан бўшатиш ва шу каби ҳолатлар аниқланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва улар оқибатида ўлим ҳолати, оқибати оғир бўлган бахтсиз ҳодисалар, гуруҳли бахтсиз ҳодисалар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил этилди.

Мазкур аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича Давлат меҳнат инспекцияси томонидан ижроси мажбурий бўлган 2023 йилда 5 998 та, 2024 йил 1-ярмида 3 442 та ёзма кўрсатма берилган, юқори турувчи ташкилотларга 2023 йилда 240 та, 2024 йил 1-ярмида 90 та тақдимномалар юборилган ва айбдор мансабдор шахсларга нисбатан 2023 йилда 8 451 та ва 2024 йил 1-ярмида 4 335 та маъмурий жарима солиш бўйича қарорлар қабул қилинган.

Бундай бахтсиз ҳодисаларнинг сабаблари меҳнат муносабатларининг тартибга солинмагани, меҳнат қонунларига риоя этмаслик ва соҳада назоратнинг йўқлиги, ходимларнинг билим, малака, тажрибаси етарли эмаслиги, янги иш ўринларини ўзлаштириш учун вақтнинг етишмаслиги ёки билим ва қизиқишнинг камлиги, меҳнат шароитлари билан таъминланмагани ва ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларига ўқитилмаслиги оқибатидир.

Йил ўтган сайин меҳнат фаолияти жараёнида хавфларнинг камаймаслиги, ҳанузгача меҳнат муҳофазаси соҳасининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бу эса, соҳани янада такомиллаштириш ва илмий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилади. Меҳнат муносабатлари қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилишига йўл қўйилиши ёки бошқарув назорати узвийлиги эътиборсиз қолдирилиши оқибатида, иқтисодиёт тармоқларининг барча турларида содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар сони ошиши кузатилди.

Республикада меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазаси қонунларининг бузилиши таҳлиллардан кўриниб турибдики, асосий даромад манбаи бўлган иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳаларида меҳнат қонунлари бузилиши натижасида содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар даромад олишга салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларига катта миқдорда моддий зарар кўрсатиши, ишчи-ҳодимларнинг турмуш тарзи ва ҳаёти ёмонлашуви, иш муҳитининг бузилиши ва энг муҳими меҳнат қонунларининг амалдаги ижроси таъминланмаётгани оқибатида ишга нисбатан совуққонлик ва ишончнинг камайишига олиб келиши исботланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 2022 йил 28 октябрь.
2. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2016 йил 22 сентябрь. ЎРҚ–410–сон –УРЛ: <https://www.lex.uz/acts/-3031427>.
3. www.stat.uz.
4. www.my.gov.uz.
5. <https://t.me/mehnatvazirligi>.



XORIJIY MAMALAKATLARDA MEHNAT QONUNCHILIGIDA MEHNATNI MUHOFAZA QILISHNING AHAMIYATI

A.X.Raxmonov, *m.ф.д., доцент* R.R.Nurmamatova
(Kambagʻallikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining
malakasini oshirish markazi),
B.X.Juraev (Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti)

Annotatsiya. Ushbu maqolada xorijiy mamalakatlarda, xususan, Yevropa Ittifoqi, Rossiya va MDH davlatlari va Amerika Qoʻshma Shtatlaridagi mehnat qonunchiligi ilmiy tahlil qilingan. AQShda Mehnatni muhofaza qilish va sogʻliqni saqlash boshqarmasining Occupational Safety and Health Administration (OSHA) amal qilinsa, Rossiyada amaldagi Mehnat Kodeksi 2001-yil 30-dekabrda qabul qilingan. Rossiya va boshqa MDH davlatlarida baxtsiz hodisalar Yevropa Ittifoqidagi kabi toʻrtinchi kundan emas, mehnatga layoqatsizlikning birinchi kunidan boshlab hisoblanadi. Rivojlangan mamalakatlarda mehnat qonunchiligi davlat va nodavlat korxonalarida birdek talab qilinadi.

Kalit soʻzlar: mehnatni muhofaza qilish, mehnat qonunchiligi, Occupational Safety and Health Administration (OSHA), texnik qoʻllanmasi (OTM), mehnat shartnomasi, mehnat kodeksi, ijtimoiy taʼminot huquqi.

Аннотация. В данной статье представлен научный анализ трудового законодательства зарубежных стран, в частности Европейского Союза, России и стран СНГ, а также Соединенных Штатов Америки. В США соблюдают требования Управления по охране труда (OSHA), тогда как действующий Трудовой кодекс в России был принят 30 декабря 2001 года. В России и других странах СНГ несчастные случаи фиксируются с первого дня нетрудоспособности, в отличие от Евросоюза, где они фиксируются с четвертого дня. В развитых странах трудовое законодательство распространяется как на государственные, так и на негосударственные предприятия.

Ключевые слова: охрана труда, трудовое право, Управление по охране труда (OSHA), техническое руководство (OTM), трудовой договор, Трудовой кодекс, право социального обеспечения.

Abstract. This article presents a scientific analysis of the labor legislation of foreign countries, including the European Union, Russia and the CIS countries, and the United States of America. In the United States, the requirements of the Occupational Safety and Health Administration (OSHA) are followed, while the current Labor Code in Russia was adopted on December 30, 2001. In Russia and other CIS countries, accidents are counted from the first day of incapacity for work, unlike in the European Union, where they are counted from the fourth day. In developed countries, labor laws apply to both state-owned and private enterprises.

Key words: labor protection, labor law, Occupational Safety and Health Administration (OSHA), technical manual (TM), employment contract, Labor Code, social security law.

Xalqaro maydonda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etishda va mehnat xavfsizligini boshqarishda muammolarni hal qilish uchun Xalqaro mehnat tashkiloti (XMT) tuzilgan. XMTning mehnatni muhofaza qilish sohasidagi asosiy vazifasi mehnat sharoitlari sifatini har tomonlama yaxshilash, ishlab chiqarish jarohatlari va kasbiy kasalliklar oldini olish, ish joylarida ergonomik tamoyillarni qo'llash, ish vaqti bo'yicha kelishuv olib borish, mehnatni mazmuni va uni tashkil etilishini takomillashtirishdan iborat. Rivojlangan mamlakatlarda va xorijiy yirik korxonalarda mehnatni muhofaza qilishni boshqarish, tizimda xavfsiz mehnat sharoitlarini tashkil etish va ishlab chiqarish muhitida mehnat jarayonini yaxshilash va xodimlar mehnatini moddiy rag'batlantirish shakllari tahlil qilindi. Biroq, barcha ijobiy natijalarga qaramay, butun dunyo bo'ylab mehnat qilayotgan xodimlarning sog'ligini saqlash va mehnatni muhofaza qilish sohasida ilmiy-texnikaviy taraqqiyot rivojlanishi, ishlab chiqarish o'sishi, zararli va xavfli moddalardan foydalanish va zamonaviy texnologiyalar yetarlicha muammolarni keltirib chiqarmoqda. Ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lgan jarohatlanishlar va kasb kasalliklari inson salomatligi bilan bog'liq bo'lgan iqtisodiy-ijtimoiy muammolardan biridir. Chunki ular bevosita yoki bilvosita "inson-ishlab chiqarish" tizimida sodir bo'ladigan nohush hodisalardir. Inson bu tizimda sub'ekt sifatida ijtimoiy tizimdagi bir element bo'lsa, ishlab chiqarish esa, iqtisodiy tizimdagi asosiy elementlardan biridir. Shu sabab, ishlab chiqarishda jarohatlanishlar va kasb kasalliklari ko'payishi iqtisodiy ob'ektlarni nochorlikka olib kelish riski oshishi tufayli, xalqaro maydonda mehnatni muhofaza qilish sohasi ko'proq iqtisodiy tomondan baholanadi.

Barcha mamlakatlarda mehnatni muhofaza qilishga iqtisodiy jihatdan jiddiy e'tibor qaratildi va bu sohada sifat va miqdoriy baholarni aniqlash uchun ko'plab tadqiqotlar olib borilmoqda. Ushbu tadqiqotlar natijasida eng rivojlangan mamlakatlar (AQSh, Yevropa ittifoqi, Rossiya)da ishlab chiqarish bilan bog'liq jarohatlar va kasalliklar umumiy ijtimoiy xarajatlarini hisoblab chiqildi. Bu yalpi ichki mahsulot (YaIM)ning kamida 3 foizini tashkil qilishi aniqlandi.

Vaqtinchalik mehnat qobiliyatini yo'qotish va nogironlik bilan kasallanishni kamaytirish katta iqtisodiy ahamiyatga ega. Hisoblashlarga ko'ra, o'rtacha vaqtincha mehnatga qobiliyatsizlikni atigi 1 kunga qisqartirish milliy iqtisodiyotda 44 million ish kunidan ko'proq ishlab chiqarishni va 155 ming shartli yillik ishchilarni tejash imkonini beradi. Aksariyat sanoati rivojlangan mamlakatlarda mehnatni muhofaza qilishni boshqarish va xodimlar sog'ligini saqlash tizimi mavjud. Yevropa mamlakatlarining statistik ma'lumotlarga ko'ra, 2022 yilda baxtsiz hodisalar soni o'rtacha 5500 mingga yaqin, jami, jarohatlar soni 4900 mingga yetgan. Shu bilan birga, bu Xalqaro mehnat tashkiloti tomonidan qo'llanilgan ko'rsatkichga mos keladi. Lekin, Yevropa Ittifoqi qonunchiligiga muvofiq uch kundan ortiq mehnat qobiliyatini yo'qotilsa, baxtsiz hodisa sifatida qabul qilinadi. Bunday holatda kichik jarohatlanishlar hisobga kirmaydi.

Yevropa Ittifoqida 2022 yildagi ma'lumotga asosan uch kundan ortiq mehnat qobiliyatini yo'qotganlik bilan bog'liq baxtsiz hodisalar o'rtacha darajasi ming xodimga 4,2 % ni tashkil etdi. Yevropada mehnatni muhofaza qilishni rag'batlantirish masalalarida muhim yo'nalishlar mavjud – bu ma'muriy xodimlar va korxona

xodimlarini inson omilidan faol foydalanishga undashdir. Ishlab chiqarish va ma'naviy muhitni yaxshilash, mehnat sharoitlari va o'z vazifalariga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lish ish haqi oshishi bilan rag'batlantiriladi, amalda ko'rsatilishicha, ishdagi aniqlik nafaqat shikastlanish ehtimolini kamaytirishga, balki mehnat unumdorligi va sifatli mahsulot ishlab chiqishga olib keladi.

Shvesiyada mehnat sharoitlari to'g'risidagi qonun asosida korxonalarda mehnat muhofazasi va sanoat xavfsizligi bo'limlari tashkil etilgan. Norvegiya, Niderlandiya, Buyuk Britaniya va boshqa Yevropa mamakatlarida ham shunga o'xshash qonunlar mavjud. Fransiyada korxonalarda jarohatlar va kasallik xarajatlari asosida sug'urta ta'riflar tizimi belgilangan, shuningdek, jarohatlarning oldini olish uchun boshqa imtiyozlar ham mavjud. Ular uchta asosiy yo'nalishda ishlaydi: birinchidan, jarohatlanish va ishlab chiqarish bilan bog'liq kasalliklar, ikkinchidan, ishga kelish va qaytayotganda jarohatlanishlarning oldini olish bo'yicha jiddiy choralar ko'rgan korxonalar uchun soliq miqdorlarini (chegirmani) kamaytirish; ushbu korxonalarga xos bo'lgan istisno risklar xarajatlarini qoplash uchun sug'urta mukofotlarini oshirish; uchinchidan, kichik va o'rta korxonalarga qaratilgan shartnoma majburiyatlari siyosatini amalga oshirishdan iborat. Rossiya va boshqa MDH davlatlarida baxtsiz hodisalar Yevropa Ittifoqidagi kabi to'rtinchi kundan emas, mehnatga layoqatsizlikning birinchi kunidan boshlab hisoblanadi. Shu sababli, Yevropa Ittifoqi ma'lumotlari va MDH davlatlari statistika qo'mitasi tomonidan taqdim etilgan jarohatlar to'g'risidagi rasmiy hisobot bo'yicha raqamlarni taqqoslaganda, Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida ishlab chiqarish madaniyati va mehnatni muhofaza qilish darajasi yuqori bo'lishiga qaramay, MDH davlatlarida jumladan, mamlakatimizdagi jarohatlar darajasi Yevropadagiga nisbatan bir necha baravar past ekanligini ta'kidlash joiz. MDH davlatlarida mehnatni muhofaza qilish tizimini boshqarish bir-biriga o'xshash, sobiq Ittifoqdagi mehnat muhofazasi tizimini boshqarish nazariyasi asoschilari S.A.Belyakov, A.I.Zabudskiy, E.Yu.Bayanovlar tomonidan ishlab chiqilgan. Mehnat kodeksi va boshqa qonunchilik hujjatlari negizida MDH davlatlari o'zlarining qonun va qonunosti hujjatlarini ishlab chiqqanlar va bugungi kunda uni takomillashtirmoqda. Hozirgi kunda, respublikamizda ham "Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida"gi Qonun, Mehnat kodeksi¹ning yangi tahriri ishlab chiqildi [2,7]. Shu nuqtai nazardan, bu mamlakatlarda mehnat muhofazasi tizimini boshqarishning huquqiy-tashkiliy-texnik va boshqa reglamentlari biri biriga o'xshashdir.

Jahonda XX-asrda mehnatni muhofaza qilish sohasining huquqiy-me'yoriy hujjatlariga asos solingan qonunlar qabul qilingan bo'lib, bugungi kunda ushbu qonunlar takomillashtirilib, amalda qo'llanilib kelinayapti. Rivojlangan mamlakatlarning ko'pchiligida amaldagi Konstitutsiya mehnat muhofazasi qonunlari asosida shakllantirilib kelinmoqda.

Rossiya Federatsiyasida amaldagi Mehnat Kodeksi 2001-yil 30-dekabrda qabul qilingan bo'lib, N 197-FZ son bilan ruyxatga olingan. Rossiyada mehnat qonunchiligi mehnat kodeksi asosida amalga oshiriladi. Ushbu kodeks davlat va nodavlat sohalar uchun ham amal qilinadi. Mehnat huquqi Rossiya qonunchiligining mustaqil sohasi

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 2022 йил 28 октябр. – URL: lex.uz/uz/docs/6257288.

bo'lib, konstitutsiyaviy, fuqarolik, ma'muriy, ijtimoiy huquqni ta'minlash kabi boshqa tarmoqlar bilan chambarchas bog'liq. Россияда Konstitutsiyaviy huquq - mehnat huquqining asosidir. U mehnat qilish, dam olish huquqini va kasb tanlash erkinligini belgilaydi. Mehnat huquqi normalari Konstitutsiya normalariga zid kelmasligi kerak. Biroq, konstitutsiyaviy normalarning konkretlashuvini mehnat huquqi normalarida topish mumkin. Mehnat munosabatlari fuqarolik munosabatlari bilan chambarchas bog'liq, chunki munosabatlarning ikkala turi ham tomonlar o'rtasidagi shartnomaviy kelishuvlar asosida yuzaga keladi va bir-biriga muvofiq kelishi talab etiladi. Ammo, ular shartnoma mavzusida farqlanadi.

Mehnat shartnomasi – b u xodimning mehnat funksiyasiga muvofiq mehnat jarayonining o'zi va ichki mehnat qoidalariga bo'ysunishidir. Fuqarolik munosabatlarining predmeti - mehnatning moddiy natijasi hisoblanadi. Mehnat huquqi bilan davlat va xodimlar munosabatlarni tartibga solishning tegishli sohasi ma'muriy huquq orqali amalga oshadi. Ular o'z faoliyati davomida tashkiliy funktsiyalarni bajaradilar yoki xodimlarning bajarilishini ta'minlaydilar. Shuning uchun xodimning faoliyati ma'muriy huquq bilan tartibga solinadi. Xodimning organ (menejer, buxgalteriya bo'limi va boshqalar) bilan munosabatlari ularning ishiga nisbatan (ratsion, to'lov va boshqalar) boshqaruvda ishtirok etmaydi. Shuning uchun mehnat qonunchiligi normalariga taalluqlidir va ular bilan tartibga solinadi.

Mehnat va ma'muriy huquq o'rtasidagi munosabatlar, birinchidan, ayrim ma'muriy qonunlarning huquqbuzarliklar va bu borada vakolatli organlar tomonidan qabul qilingan choralar va qarorlar mehnat munosabatlarini o'zgartirish va tugatish uchun asos bo'lishi mumkin; ikkinchidan, ba'zilar mehnat munosabatlari sub'ektlarining noqonuniy xatti-harakatlari yoki harakatsizligi va boshqa bevosita bog'liq munosabatlarning salbiy oqibatlari nazarda tutilmagan. Faqat Rossiya Federatsiyasi Mehnat kodeksida va Ma'muriy huquqbuzarliklar to'g'risidagi kodeksida ham mehnat huquqi ijtimoiy ta'minot qonuniga ham tegishli hisoblanadi. Mehnat huquqi va qonun o'rtasidagi birlik va farqlarning o'ziga xos xususiyatlari ko'p jihatdan ijtimoiy ta'minot huquqining mehnat qonunchiligidan "aylanish" tarixi bilan izohlanadi. Ijtimoiy ta'minot huquqi – nogiron va muhtoj fuqarolarni, bolali oilalarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash huquqidir. Mehnat va ijtimoiy ta'minot qonuni huquqiy munosabatlarning ob'ektlari va sub'ektlari bilan farqlanadi. Mehnat munosabatlarining ob'ekti - mehnat jarayoniga ko'ra, ijtimoiy ta'minot - moddiy manfaatlar (pensiya, nafaqa, imtiyozlar, kompensatsiyalar). Ijtimoiy ta'minot huquqi huquqiy munosabatlarning paydo bo'lishining shartnoma tartibi va kombinasiya usuli bilan tavsiflanmaydi, balki munosabatlarni markazlashtirilgan yoki mahalliy shaklda tartibga soladi. Ijtimoiy ta'minot turlari va pensiya, nafaqalar miqdori tomonlarning kelishuvi bilan o'zgartirilishi va belgilanishi mumkin emas, chunki ijtimoiy ta'minot faqat qonun hujjatlari asosida amalga oshiriladi hamda qonunga muvofiq o'zgartiriladi. Biroq, tez-tez ijtimoiy qo'llab-quvvatlash choralari olish huquqi va ijtimoiy ta'minot turlari fuqaroning mehnatga qo'shga hissasiga, mavjud ish tajribasiga bog'liq bo'ladi.

Amerika Qo'shma Shtatlarda 1971-yil 28-aprelda "Mehnat xavfsizligi va xodimlar salomatligi to'g'risida"gi qonun kuchga kirdi, bu davlat va tijorat tashkilotlariga tegishli bo'lgan mehnat xavfsizligi va xodimlar sog'lig'i sohasidagi

asosiy federal qonundir. AQSh Mehnat Departamentining bir qismi bo'lgan Mehnatni muhofaza qilish va sog'liqni saqlash boshqarmasining **Occupational Safety and Health Administration (OSHA)** asosiy vazifasi xavfsizlik standartlarini ishlab chiqish va ish beruvchilarni tekshirish, shuningdek, kasbiy ta'lim, axborot va tushuntirish ishlarini olib borishdan iboratdir. OshAda ishlab chiqilgan mehnat muhofazasi bo'yicha me'yoriy hujjatlarga davlat va nodavlat sektorlarga ham birdek amal qiladi. Xususan, uy ishchilari, yakka tartibdagi tadbirkorlar, oilaviy fermerlar yoki konchilik sohasini ajratmaydi, hamma birdek amal qilishi majburiy bo'lib, qonun ustuvorligi ta'minlangan. Sanoat tarmoqlari (shaxtalar, shaxtalar, karerlar) uchun tarmoq mehnatni muhofaza qilish bo'limlari mavjud.

OSHA xavfsizlik va sog'liq standartlari Qo'shma Shtatlardagi barcha ish beruvchilar uchun majburiydir. Qizig'i shundaki, keyingi vaqtda, sanoat va kasaba uyushmalarining o'zlari OShAni sudga berishmoqda, chunki ular xavfli moddalar bilan ishlashning ayrim turlari uchun xavfsizlik standartlarini ishlab chiqmaganlar yoki ularni o'nlab yillar davomida foydalanib, yangidan takomillashtirmaganlikda ayblashmoqda. AQShda mehnatni muhofaza qilish bo'yicha birorta ham me'yoriy hujjat shoshilinch ravishda chiqarilmaydi, shuning uchun standartlardagi qarama-qarshiliklar va kamaytmalar soni nolga teng. Har bir qoida ish beruvchi ham, xodim ham aniq tushunishi uchun yozilgan. AQShda mehnatni muhofaza qilish talablarini buzganlik uchun jarimalar OSHA, "Mehnat xavfsizligi va xodimlar salomatligi to'g'risida"gi qonunga binoan, ish beruvchilarni mehnat xavfsizligi va sog'lig'i talablarini buzganliklari uchun ma'muriy javobgarlikka tortadi. Agar qonun buzilish ishchining xavfsizligi bilan bevosita bog'liq bo'lsa, lekin o'lim yoki nogironlikka olib kelmasa, kichik qoidabuzarlik uchun jarima 1000 dollargacha bo'lishi mumkin. Agar o'lim yoki nogironlik ehtimoli katta bo'lsa, qoidabuzarlik jiddiy hisoblanadi va 7000 dollargacha jarimaga tortiladi. Agar ish beruvchi xavfsizlik standartlarini buzish xodimlarning o'limiga yoki nogironligiga olib kelishini ongli ravishda bilsa va buning uchun hech qanday choralar ko'rmagan bo'lsa, bunday holda, qonunning qasddan buzilish hisoblanib, OSHA har bir qasddan qoidabuzarlik uchun 70 ming dollargacha jarima soladi. AQShda mehnatni muhofaza qilish bo'yicha 3 ta асосий омил mavjud:

Ishonch telefonidir. OSHA 24 soatlik ishonch telefoni ishlaydi. Bu erda har kim yordam so'rashi mumkin, shu jumladan mehnatni muhofaza qilish bilan bevosita bog'liq bo'lmagan maslahatlar oladi. Masalan, uysiz odam ushbu liniyaga qo'ng'iroq qilishi mumkin va OSHA xodimlari yordamni rad etmasdan, masalani tegishli ijtimoiy ta'minot agentligiga yuboradilar. Ishonch telefoniga kelgan har bir qo'ng'iroq va elektron pochta qayd qilinadi va rejadan tashqari tekshiruv predmetiga aylanadi.

Mehnatni muhofaza qilish bo'yicha trening. Faqat OSHA tomonidan akkreditatsiya qilingan (sertifikatlangan) mehnatni muhofaza qilish bo'yicha o'quv markazlari mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassislar uchun treninglar o'tkazishi mumkin. Ularнинг бўлимлари AQShning yirik universitetlaridagi atigi 20 ta institutda joylashgan. Mehnatni muhofaza qilish bo'yicha kasbiy qayta tayyorlashdan foydalanilmaydi. OSHA texnik qo'llanmasi (OTM) OSHA yo'riqnomasi TED 01-00-015га асосланган. OSHA Texnik qo'llanmasi (OTM) OSHA ning Muvofiqlik xavfsizligi va xodimlar sog'lig'i bo'yicha ishchilarga (CShOs) ish joyidagi

xavflar va nazoratlar haqida texnik ma'lumotlarni taqdim etadi. Ushbu ma'lumot ishchi erkaklar va ayollar uchun xavfsiz va sog'lom mehnat sharoitlarini ta'minlash bo'yicha OShAning tashviqot va targ'ibot faoliyatini qo'llab-quvvatlaydi. Amerikaning hozirgi kunda mavjud tadqiqot nashrlari, OShA standartlari va konsensus standartlariga asoslangan. OShA Texnik qo'llanmasi (OTM) sog'liqni saqlash va xavfsizlik bo'yicha boshqa mutaxassislar, ish beruvchilar va ish joyidagi xavfsizlik va salomatlik bo'yicha samarali dasturni ishlab chiqish yoki amalga oshirish bilan shug'ullanadigan har bir kishi tomonidan foydalanish uchun ochiqdir. Texnik qo'llanmasi (OTM) OShA standartlari o'rnini bosmaydi va agentlikning muvofiqlik siyosatini o'rnatish uchun ishlatilmaydi. Qo'llanmadagi materiallar va mehnatni muhofaza qilish to'g'risidagi qonun talablari va u erda e'lon qilingan standartlar va qoidalar o'rtasida har qanday nomuvofiqlik yuzaga kelsa, biri ikkinchisini nazorat qiladi.

Amerika Qo'shma Shtatlari va Rossiya Federatsiyasidagi mehnat muhofazasi bo'yicha qonunlarning tahlil shuni ko'rsatdiki, ikkala mamlakatda ham mehnat qonunchiligi davlat va nodavlat korxonalarida birdek talab qilinadi. Ushbu mamlakatlardagi Konstitutsiyaning asosini mehnat qonunchiligi tashkil etadi. Mehnat sharoitlarini ta'minlamagan ish beruvchilarga ma'muriy jazo qo'llanilib, xodimlarga xavfsiz mehnat jarayonini ta'minlash bo'yicha texnik talablar joriy etilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1."Rossiya Federatsiyasida mehnat xavfsizligi asoslari to'g'risida" 1999-yil 17-iyuldagi 181-FZ Federal qonuni (so'nggi tahriri)
- 2.Трудовой Кодекс Российской Федерации, 197-FZ 30 декабря 2001 года 197-ФЗ.
- 3.Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1997 йил 6 июн. № 286.– УРЛ: [хттпс://lex.uz/doss/-545128](http://lex.uz/doss/-545128).
- 4.Мехнат муҳофазаси бўйича ёъриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 январда 870–сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. <https://www.lex.uz/ru/doss/-815998>.
- 5.Калинин А.В. Состояние охраны труда на предприятиях в мире// Вопросы инновационной экономики. – 2011- № 5(5)– с. 37– 42.
- 6.Нурмаматова Р.Р. Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқаришнинг портлаб-ёниш хавфини камайтиришнинг назарий ва экспериментал асосларини тадқиқ қилиш // Монография. ЎзР ФФВ Академиясининг 06.12.2021 йилдаги 5-сонли баённомаси. – Т.: – 2021. – Б.150.



ОБЪЕКТЛАРНИНГ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

Т.ф.д., профессор И.У.Маджидов

(М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети),

доцент Ў.Т.Музафаров, т.ф.ф.д. (PhD) М.Р.Досчанов

(Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги)

Аннотация. Ушбу мақолада йирик савдо комплексларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ўрганилиб, тадқиқот объекти сифатида танланган Меганпланет савдо-кўргилочар мажмуасида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: ёнгин хавфсизлиги, савдо-кўргилочар мажмуаси, савдо комплекси, Меганпланет.

Аннотация. В данной статье рассмотрены теоретические основы пожарной безопасности в крупных торговых комплексах, а также освещены вопросы пожарной безопасности в торгово-выставочном комплексе «Меганпланет», который был выбран в качестве объекта исследования.

Ключевые слова: пожарная безопасность, торгово-выставочный комплекс, торговый комплекс «Меганпланет».

Abstract. This article examines the theoretical foundations of fire safety in large shopping complexes, and highlights the issues of fire safety in the Megaplanet trade and exhibition complex, which was chosen as a research object.

Key words: fire safety, trade-exhibition complex, trade complex, Megaplanet.

Маълумки, савдо-кўнгилочар масканлари ёнгин хавфи юқори бўлган объектлар қаторига киради ва бу турдаги объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масаласига комплекс ёндашув талаб этилади. Бунда асосий эътибор, объектнинг тезкор-тактик тавсифи билан биргаликда, иситиш таъминоти, шамоллатиш ва совутиш таъминоти, ёнгинни автоматик тарзда ўчириш ва хабарлаш қурилмалари, радиоалоқа орқали хабарлаш мосламаси, ички ва ташқи ёнгин ўчириш сув таъминоти, электр таъминоти, фавқулодда вазиятлар вақтида махсус хизматлар билан ҳамкорликдаги ҳаракатлар, содир бўлган ёнгинни тез ва талофатларсиз бартараф этиш масалаларига қаратилиши лозим. Амалиётда бундай объектларда содир бўлган ёнгинларни бартараф этишда ўзига хос мураккаблиklar юзага келганлиги маълум. Мисол учун, 2021 йил 27 ноябрда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани А.Дониш кўчасида жойлашган “Мега планет” МЧЖ савдо мажмуасининг тўртинчи қаватида умумий овқатланиш жойи (избушка кафеси)да содир бўлган ёнгин бунга мисол бўлади. Ёнгин содир бўлган манзилда Юнусобод туманини ёнгиндан муҳофаза қилувчи 18-Ёнгин қутқарув қисми ва 17-Ёнгин қутқарув қисми жанговар экипажлари ва битта автонаровони ҳамда Олмазор туманини

ёнғиндан муҳофаза қилувчи 1-Ёнғин қутқарув қисмидан иккита жанговор бўлинмалари томонидан ёнғин ўчириш ишлари амалга оширилган. Мазкур объектда содир бўлган ёнғин майдони ва етказилган моддий зарар миқдори унча юқори бўлмасада, бироқ ёнғинни бартараф этишда ёнғин ўчирувлари учун ўзига хос қийинчиликлар юзага келган. Шунинг учун, одамлар оммавий йиғиладиган бу туркумдаги объектларни лойиҳалаш ва қуришдан бошлаб, фаолият юритиши жараёнида албатта ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий амал қилиниши назорат қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Қуйида биз тадқиқот объекти сифатида танланган “Мега планет” савдо марказида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларини комплекс ёндашувлар асосида кўриб чиқамиз.

“Мега планет” савдо маркази биноси 2010 йил ташкил этилган бўлиб, 5-қаватдан иборат, ер сатҳидан 7 метр пастда 2 та ертўла қавати, ер сатҳидан баландлиги 25 метр, 132 та савдо, 3 та кино заллари, 1 та ўйин зали, 1 та ресторан, 3 та қаҳвахона, бинонинг ертўла қаватларида омборхона, электр ва асосан автомобиллар турар жойи мавжуд. Биринчи қаватда озиқ-овқат, кийим-кечак 2-қаватда парфюмерия кийим-кечак дўконлари, 3-қаватда болалар учун ўйинлар, қаҳвахона каби хоналар мавжуд. 4-5 қаватларда 282-156-68 ўринга мўлжалланган кинозал, 3 та кичик кино зали, 1 та кафе жойлашган.

Мегапланет савдо маркази биносининг умумий ер майдони 4461.6 м² бўлиб, бино ўлчамлари 66х67.5х25 метрдан иборат. Бино ригеллар ёрдамида бир-бирига боғлам металл каркасдан иборат бўлиб, монолит темир бетон ва ғиштдан қурилган, қаватлар ора тўсиқ темир-бетон плиталар, ғишт, сендивич билан ёпилиб, устки қисмлари алюкапон материали ва ойналар билан қопланган бўлиб, бино 2-даражали ёнғинга чидамли этиб лойиҳалаштирилган.

Бино қаватлари ўртасида эскалатор зинаси мавжуд бўлиб, икки томонлама фуқароларни қабул қилиш ва бошқа турдаги хизмат ҳамда ёрдамчи хоналари жойлашган. Бино биринчи қаватида бир-биридан алоҳида савдо дўконлари ташкил этилган. Ёнғин ва фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда авария-қутқарув ишларида бинодан инсонларни қутқариш учун бевосита биринчи қаватнинг турли жойларидан ташқарига чиқиш учун 4 та асосий эшиклар ўрнатилган. Бино қаватлараро бир-бирини боғлаб турувчи 4 та зинапоё ва ишчи-ходимлар ташувчи лифтлар билан таъминланган.

Жабҳа ҳудудидан энг яқин бўлган ёнғин ўчириш қисмигача оралиқ масофа 4 километрни ташкил этиб, ёнғин ўчириш автомобилсининг етиб бориши вақти 5 дақиқани ташкил қилади. Бинонинг ҳар бир қаватларидан инсонларни қутқариш учун махсус қутқарув тархлари ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича умумий йўриқнома ишлаб чиқилиб, ҳар бир хона ва қаватларга кўринадиган жойларга осиб қўйилган. Савдо маркази ҳудудида жиноятчилик ва/ёки террористик ҳаракатлар билан боғлиқ бахтсиз ҳолатлар содир этилса, барча ишчи ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бинонинг ертўла қаватига йиғилиши учун махсус жойлар ажратилган.

Бошқа объектлар қатори ушбу савдо мажмуасида ҳам ёнғин хавфсизлигини самарали таъминлаш учун объектнинг муҳандислик-коммуникация тармоқларини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Объектнинг ички ёнгин ўчириш сув тармоқлари. Бинонинг ертўласида 2 та К-65-50-160. Q-35 м³/соат, Нқ-32 м электр двигатели 5,5 кВтли ички ёнгинга қарши сув мосламаларига тегишли сув миқдорини кучайтирувчи-насослар билан таъминланган бўлиб, уларни масофадан ва автоматик равишда ҳар бир ички ёнгин ўчириш жўмаклари олдида жойлашган кнопкалар орқали бошқарилади. Ички сув таъминотини таъминлаш учун шаҳар сув тармоғидан d-200 мм.ли 2 та сув қувурлари орқали насосларга уланган. Бинода ички ёнгин ўчириш жўмаклари d-51 мм.ли, енг узунлиги 20 метр ва қўл дастаги билан таъминланган. Ёнгин ўчириш учун сув сарфи 2 х 2,5 л/с ни ташкил этади. Савдо комплекси ҳудуди бўйича жами 49 та ички ёнгин ўчириш сув жўмаклари ўрнатилган. *Ташқи ёнгин ўчириш сув таъминоти.* Бино атрофида 4 дона ёнгин ўчириш гидранти бўлиб, Ахмад Дониш кўчасида d-400 мм.ли 3 дона ёнгин ўчириш гидранти 60-150-200 метр, ва Янги шаҳар кўчасида d-200 мм.ли 1 дона ёнгин ўчириш гидранти 150 метр масофада жойлашган.

Электр таъминоти. Электр манбаа ишончлилик даражаси 1-тоифали бўлиб, икки томонлама 3 та юқори кучланишли трансформатор ўрнатилган. Бинонинг барча электр ёритиш кучланиш манбалари ушбу трансформаторлардан қувватланади. Электр юқори кучланишли трансформаторлар ва дизель генератор асосий бино ташқарсида жойлашган бўлиб, электр манбаа ўчиб қолганда автоматик равишда ишловчи 1 та дизель генератор ўрнатилган. Дизель генератор ёқилғиси 2 соатда 1 тоннали ҳажмдаги металл сиғимда ертўладаги махсус хонада сақланади. Бинонинг электр тақсимооти кучланиш 220 В ва 380 Вни ташкил этади. Кучли ток узатиш тизими насосларга, шамоллатиш ва совутгич мосламаларига, ошхоналар, компьютер ҳамда технологик ускуналарни электр қуввати билан таъминлашда фойдаланилади.

Иситиш таъминоти. Бинонинг иситиш тармоғи алоҳида ташқарида газли “Эсофлам” русумли иситиш печи мавжуд бўлиб барча бинони иссиқлик билан таъминлаш қувватига эга. Бундан ташқари, бинода иқлимий ҳароратни бир маромда ушлаш орқали қулай шароит яратиш мақсадида қўшимча “Фенкойл” русумли иситиш мосламаси ўрнатилган. “Фенкойл” мосламаси 1-қаватда 39 та, 2-қаватда 79 та, 3-қаватда 55 та, 4-қаватда 7 та, 5-қаватда 24 та савдо дўконлар, заллар, ошхона, ҳолларда ҳароратни бир маромда бўлишини таъминлайди. *Шамоллатиш ва совутиш таъминоти.* Бинода ҳавонинг оптимал ҳолатда бўлишини таъминлаш мақсадида биттадан тўрттагача қаватларда шамоллатиш ва совутиш мосламаси ўрнатилган. Шамоллатиш мосламалари ҳаво сўрувчи-келувчи бўлиб, улар табиий ҳамда механик усулда бошқарилади. Хоналардаги совутиш мосламаларини бошқариш автоматик ҳолда амалга оширилиб, уларни назорат қилиш учун махсус пультлар ўрнатилган. Шунингдек, ёнгин содир бўлганда шамоллатиш тизимлари орқали ёнгинни тарқалишини олдини олиш мақсадида тўсиқлар ташкил этилган. Асосий сўрувчи ва ҳаво алмаштирувчи қувур йўллари қопламалари ёнгинга чидамлилиқ даражаси 0,5 соат қилиб ишланган.

Ёнгинга қарши шамоллатиш таъминоти. Бинони ёнгинга химоя қилиш мақсадида йўлаклар тутун сўрувчи, зинапоялар ва лифт шахталари ҳаво босими

бериш мосламаси билан таъминланган бўлиб, унинг бошқарув тизими ёнғин хавфсизлиги постига ўрнатилган. Тутундан химоя қилиш-суриш мосламаси автоматик равишда бошқарилади. Ёнғин содир бўлганда бинодаги шамоллатиш-совутиш мосламалари автоматик равишда ўчади ва тутун сўриш мосламаси ишга тушади. *Радиоалоқа орқали хабарлаш мосламаси.* Бинода замонавий ёнғиндан огоҳлантирувчи ва фавқулодда ходисалардан огоҳлантириш мақсадида товуш орқали огоҳлантириш мосламаси жиҳозланган бўлиб, унинг бошқарув пульти радиоузел хонасида жойлашган. Ёнғин содир бўлганда хабарлаш мосламаси автоматик равишда “Хабарлаш” мосламасига ёзиб қўйилган нутқни эълон қилади. Шунингдек, ёнғин содир бўлганда ёнғин хавфсизлиги пости хонасидан туриб микрофон орқали бошқариш ҳамда фавқулодда ходисаларда ишчи-ходимлар томонидан қандай ҳаракатланиш кераклиги ҳақида маълумотларни етказди. *Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва хабарлаш қурилмалари.* Бино спринклер русумли замонавий ёнғин ҳақида хабарловчи махсус автоматик мосламалар билан жиҳозланган. Назорат-қабул қилиш пульти 1-қаватда жойлашган ёнғин хавфсизлиги постига ўрнатилган. Бинода хоналарнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда оптик тутунли хабарловчи “БОЛИД”, иссиқликдан хабарловчи “ЖЕДЛА”, тутундан хабарловчи “АРДЕА Ж”, қўлда ёнғиндан хабарловчи “МСР-535” турли жами 1024 та ёнғиндан хабарловчи мосламалар ўрнатилган. Бинонинг ички автоматик ёнғин ўчириш насосларига d-200 мм.ли 2 та қувур уланган. Бино ичида ёнғин ўчириш учун “Спринклер” мосламалари ва ички ёнғин ўчириш жўмраклари ўрнатилган бўлиб, ёнғин ўчириш учун сув сарфи йиғиндиси 16 л/с ташкил этади. *Махсус хизматлар билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари.* “Мега планет” савдо маркази биносига 2-чақирик бўйича биринчи бўлиб, етиб келган ёнғин ўчириш раҳбарининг чақирик тасдиғи бўйича Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Тезкор бошқарув маркази диспетчери томонидан ёнғинларни ва фавқулодда вазиятларни ҳамкорликда бартараф этиш йўриқномасига асосан қуйидаги хизматлар билан ҳамкорлик олиб борилади, яъни:

- шаҳар “Сувсоз” трести марказий диспетчерига тўғридан-тўғри телефон алоқа орқали ёки Юнусобод “Сувсоз” трести марказий диспетчери орқали;
- шаҳар электр тармоқлари марказий диспетчерига тўғридан-тўғри телефон алоқа орқали ёки Юнусобод электр тармоқлари орқали;
- Юнусобод газ тармоқлари бошқармаси марказий диспетчерига тўғридан-тўғри маълум қилади.

Тезкор авария хизматлари хабар бўйича белгиланган манзилга келишлари ва Ёнғин-қутқарув хизматининг ёнғин ўчириш раҳбарига етиб келганликлари тўғрисида маълумот беради. Ўз ўрнида вазиятдан келиб чиққан ҳолда ёнғин ўчириш раҳбари ҳар бир хизмат раҳбарига тегишли чоралар қўрилиши бўйича кўрсатма беради ҳамда ушбу хизматлар раҳбарлари ёнғин ёки фавқулодда вазият бартараф этилиб бўлгунча қадар шу жойда ҳамкорликда ишларни ташкил қилади. Ҳамкор хизматлар фақат ёнғин ўчириш раҳбарининг рухсати билан ўз ўз хизмат жойларига қайтишлари мумкин.

Тадқиқот жараёнида савдо марказининг 4-қаватида содир бўлган ёнғинни бартараф этиш усуллари кўриб чиқамиз. Масалан, ёнғин содир бўлган вақтдан сўнг, марказ 4-қавати тутун билан тўлади, ҳарорат кўтарилади, кўп миқдорда тутун ва газлар ажралиши мумкин. Ёнғин ва тутуннинг тезда тарқалиши тўшама плиталар орасидаги чоклар, қувурларни ўтказиш жойидаги тирқишлар, қопламалар ва бошқа тешиklar орқали юз бериши мумкин. Ёнғин муҳими, ҳаридорлар орасида саросималик, ваҳима ва шовқун-сурон бўлишини олдини олиш муҳим ҳисобланади.

Шу ўринда, савдо маркази мисолида содир бўлган шартли ёнғинни бартараф этишнинг икки хил усулини кўриб чиқамиз, яъни биринчи навбатда бинонинг 4-қаватида содир бўлган ёнғинни бартараф этиш учун талаб этиладиган куч ва воситаларни ҳисобини аниқлаймиз.

1. Ёнғин содир бўлган вақтдан бошлаб ёнғинга биринчи ёнғин ўчириш воситаларини киритгунга қадар ўтган вақтни аниқлаймиз:

$$\tau_{\text{эркин ёниш}} = \tau_{\text{хабаргача}} + \tau_{\text{йиғилиш}} + \tau_{\text{бориш}} + \tau_{\text{к.в.ё}} = 8 + 1 + 6 + 2 = 17 \text{ дақиқа.}$$

Бунда: $\tau_{\text{хабаргача}}$ – ёнғин ҳақида хабар қабул қилгунга қадар ёниш вақти. Бу кўрсаткич ўртача 8-12 дақиқани ташкил қилади; $\tau_{\text{йиғилиш}}$ – ташвиш сигнали бўйича жанговар ҳисобдаги шахсий таркибнинг йиғилиш вақти, 1 дақиқа деб қабул қилинади; $\tau_{\text{бориш}}$ – ёнғин хавфсизлиги қисми жойлашган жойдан ёнғин содир бўлган жойгача бўлган масофани босиб ўтиш учун кетган вақт. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\tau_{\text{бориш}} = 60 \times L_{\text{масофа}} / V_{\text{бориш}} = 60 \times 4.5 / 45 = 6 \text{ дақиқа}$$

бу ерда: $V_{\text{бориш}}$ – ёнғин ўчириш автомобилларининг ўртача ҳаракатланиш тезлиги (қаттиқ қопламали катта йўллар учун 45 км/с ва мураккаб жойлашган йўллар учун 25 км/соат); $L_{\text{масофа}}$ – ёнғин хавфсизлиги қисмидан ёнғин содир бўлган жойгача бўлган масофа; $\tau_{\text{к.в.ё}}$ – куч ва воситаларнинг ёйилишга сарфланадиган вақт. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\tau_{\text{к.в.ё}} = 0,035 \times L_{\text{сув}} \quad 0,035 \times 60 = 2 \text{ дақиқа}$$

бу ерда: 0,035 – сони куч ва воситаларнинг ёйилиши вақтида 1 метр масофани босиб ўтиш учун сарфланган вақт (тажриба ва таҳлиллар натижаси олинган вақт); $L_{\text{сув}}$ – ёнғин ўчириш автомобилларини сув манбасига ўрнатилган жойдан учтармоққача бўлган масофа, 60 метр.

2. Ёнғиннинг эркин тарқалиш вақтида босиб ўтган масофасини аниқлаймиз:

$$\text{а) } P = 0,5 \times v_{\text{ч.т.т.}} \times \tau_1, \quad \text{агар, } \tau_{\text{эрк.ёниш}} < 10 \text{ дақиқа;}$$

$$\text{б) } P = 0,5 \times v_{\text{ч.т.т.}} \times \tau_1 + v_{\text{ч.т.т.}} \times \tau_2, \quad \text{агар, } \tau_{\text{эрк.ёниш}} > 10 \text{ дақиқа;}$$

бунда, 0,5 – ёнғиннинг эркин тарқалиши биринчи 10 дақиқада, меъёрдагидан 2 марта кам бўлишини ҳисобга оладиган коэффитсиент; $v_{\text{ч.т.т.}}$ – ёнғиннинг чизикли тарқалиш тезлиги (м/дақиқа); τ_1 – ёнғин бошланишидан биринчи 10 дақиқадаги вақт; τ_2 – ёнғиннинг эркин тарқалиш вақти, лекин бунда ёнғиннинг бошланиш жараёнидаги биринчи 10 дақиқа ҳисобга олинмайди.

$$\tau_2 = \tau_{\text{эрк.ёниш}} - \tau_1 = 17 - 10 = 7 \text{ дақиқа}$$

$$P = 0,5 \times v_{\text{ч.т.т.}} \times \tau_1 + v_{\text{ч.т.т.}} \times \tau_2 = 0,5 \times 2 \times 10 + 2 \times 7 = 12 \text{ метр}$$

3. Ёнфин майдони ва унинг тарқалиш шаклини аниқлаймиз.

Ёнфин майдони ва унинг тарқалиш шаклини аниқлашда биринчи навбатда, ёнфин содир бўлган жой ёки бинонинг контури чизилади ва ёнфин содир бўлган нуқтадан бошлаб, унинг босиб ўтган масофаси чизилиб унга асосланган ҳолда ёнфиннинг шакли ва майдони аниқланади.

Ёнфин бинонинг қарама – қарши деворларига етган бўлса ёнфин тўртбурчак шаклида тарқалади.

$$C_{\text{майдон}} = n \times P \times a = 1 \times 15 \times 12 = 180 \text{ м}^2$$

бунда, n – ёнфиннинг тарқалиш йўналиши 1 томонга; P – ёнфиннинг эркин тарқалиш вақтида босиб ўтган масофаси 12 метр; a – хонанинг эни 15 метр

4. Қуршаб олиш шароитида ёнфинни ўчириш майдонини аниқлаймиз.

Ёнфин контури туширилган чизмадан оловнинг тарқалишини тўхтатиш мақсадида ёнфин ўчириш йўналишини (фронтни) топамиз ва чизмада ёнфин ўчириш майдонини белгилаймиз (қўл дастакларининг ўчириш чуқурлигини инобатга олган ҳолда).

Ёнфин бинонинг қарама қарши деворларига етиб борган ва икки томонга тарқалаётган бўлса, у ҳолда

$$C_{\text{ўчириш майдони}} = n \times a \times X_{\text{ўчириш чуқурлиги}} = 1 \times 5 \times 15 = 75 \text{ м}^2$$

5. Ёнфинни қуршаб олиш шароитида ўчириш учун (локализацияси) талаб қилинадиган сув сарфини аниқлаймиз.

$$K_{\text{талаб}} = C_{\text{ўчириш майдони}} \times Ж_{\text{талаб қил}} = 180 \times 0,1 = 18 \text{ л/с}$$

бунда: $Ж_{\text{талаб қил}}$ – талаб қилинган, ёнфинга сув бериш жадаллиги, 0,1 (л/с×м²), ёнфин ўчириш раҳбарининг маълумотномаси.

6. Ёнфинни ўчириш учун (локализация) талаб қилинадиган дастаклар сонини аниқлаймиз.

$$N_{\text{талаб.дастак}} = K_{\text{талаб}} / K_{\text{дастак}} = 18 / 3.7 = 4.8 \approx 5 \text{ та ҚД-50}$$

бунда, $K_{\text{дастак}}$ – битта дастак сарфлайдиган сув миқдори, ҚД 50 – 3.7 л/с.

7. Ёнгиндан ҳимоя қилиш учун талаб қилинадиган дастаклар сонини аниқлаймиз.

Ёнгиндан ҳимоя қилиш учун талаб қилинадиган дастаклар сони ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнфинларни ўчирилишини ташкил этиш тартиби Низоми кўрсатмалари ва тактик шароитларга қараб белгиланади.

2 та ҚД-50 дастаги бинонинг кўтарувчи конструкцияларини ҳимоя қилиш учун (ички томондан);

8. Ёнфинни ўчириш ва ҳимоя учун сарфланадиган умумий сув сарфини аниқлаймиз.

$$K_{\text{умум}} = N_{\text{талаб.дастак}} \times K_{\text{даст}} + N_{\text{ҳимоя.даст}} \times K_{\text{даст}} = 5 \times 3.7 + 2 \times 3,7 = 25.9 \text{ л/с}$$

9. Сув билан таъминланганликни аниқлаймиз.

Соддалаштирилган услубда, сув қувурларининг ёнфинга сув етказиб бериш қобилиятини текширамиз

$$Q_{\text{ҳалқа қувур}} = (V_{\text{сув}} \times D_{\text{тармоқ}})^2 = (1,6 \times 16)^2 = 655.36 \text{ л/с}$$

бунда, $Q_{\text{ҳалқа қувур}}$ – ҳалқали сув қувури тизимидан сув чиқиш миқдори, л/с; $V_{\text{сув}}$ — қувур бўйича сувнинг ҳаракатланиш тезлиги, 1,6 м/с; $D_{\text{тармоқ}}$ – сув

кувурининг диаметри, 400 мм га тенг, дюймда ўлчанади, (1 дюйм 25 мм га тенг), демак $400 / 25 = 16$ га тенг.

демак, $K_{\text{кувур}} \geq K_{\text{умум}}$, ёнгинни ўчиришга сув етарлидир;

10. Шахсий таркибнинг сонини аниқлаймиз:

$$N_{\text{шт}} = N_{\text{шт}}^{\text{ўч}} \times N_{\text{одам}}^{\text{ГТХХ}} + N_{\text{одам}}^{\text{ХИМОЯ}} \times N_{\text{одам}} + N_{\text{ЭНГ}} \text{ назорати} + N_{\text{алоқа}} + N_{\text{ГТХХ}}^{\text{нўж}} =$$

$$= (5 \times 3) + (2 \times 3) + 2 + 2 + 3 = 28 \text{ нафар ёнгин ўчирувчи}$$

бунда: $N_{\text{одам}}$ – дастак билан ишлаётган ш/т сони; $N_{\text{ЭНГ}}$ назорат – энгларни назорат қилувчи ш/т, жанговар ёйилиш вақтида энгларни йўналиш сонига қараб белгиланади; $N_{\text{алоқачилар}}$ – алоқачилар сони.


11. Автосистернада келадиган ўт ўчириш бўлинмалар сонини аниқлаймиз.

$$N_{\text{ЭК}} \text{ АС} = N_{\text{шт.т}} / N_{\text{шт.т.ЭК}}^{\text{АС}} = 28 / 4 = 7 \text{ та экипаж АС}$$

бунда, $N_{\text{шт.т.ЭК}}^{\text{АС}}$ – Автосистернадаги ш/т сони,

Хулоса: Савдо марказининг 4-қаватида содир бўлган ёнгинни бартараф этишда куч ва воситалар 2-чакириқ бўйича жалб этилиши зарур.

Иккинчи ёнгин ўчириш усули. Савдо маркази ертўласида содир бўлган ёнгинни бартараф этиш ва жалб этиладиган куч-воситалар ҳисобини кўриб чиқамиз. Савдо марказининг ертўласида ёнгин содир бўлганда, марказ ертўласи тутун билан тўлади, ҳарорат кўтарилади, кўп миқдорда тутун ва газлар ажралиб чиқади. Ёнгин ва тутуннинг тезда тарқалиши тўшама плиталар орасидаги чоклар, қувурларни ўтказиш жойидаги тирқишлар, қопламалар ва бошқа тешиklar орқали юз бериши мумкин. Савдо марказининг ертўласида содир бўлган ёнгинни бартараф этиш учун куч ва воситалар ҳисобини аниқлаймиз.



1-расм. Савдо марказининг 4-қаватида содир бўлган ёнгинни бартараф этиш чизмаси (1-усул)

1. Ёнгин содир бўлган вақтдан бошлаб ёнгинга биринчи ёнгин ўчириш воситаларини киритгунга қадар ўтган вақтни аниқлаймиз:

$$\tau_{\text{эркин ёниш}} = \tau_{\text{хабаргача}} + \tau_{\text{йиғилиш}} + \tau_{\text{бориш}} + \tau_{\text{к.в.ё}} = 8 + 1 + 6 + 2 = 17 \text{ дақиқа.}$$

Бунда: $\tau_{\text{хабаргача}}$ – ёнгин ҳақида хабар қабул қилгунга қадар ёниш вақти. Бу кўрсаткич ўртача 8-12 дақиқани ташкил қилади; $\tau_{\text{йиғилиш}}$ – ташвиш сигнали

бўйича жанговар ҳисобдаги шахсий таркибнинг йиғилиш вақти, 1 дақиқа деб қабул қилинади; $\tau_{\text{бориш}}$ – ёнғин хавфсизлиги қисми жойлашган жойдан ёнғин содир бўлган жойгача бўлган масофани босиб ўтиш учун кетган вақт. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\tau_{\text{бориш}} = 60 \times L_{\text{масофа}} / V_{\text{бориш}} = 60 \times 4.5 / 45 = 6 \text{ дақиқа}$$

Бу ерда: $V_{\text{бориш}}$ – ёнғин ўчириш автомобилларининг ўртача ҳаракатланиш тезлиги (қаттиқ қопламали катта йўллар учун 45 км/с ва мураккаб жойлашган йўллар учун 25 км/соат); $L_{\text{масофа}}$ – ёнғин хавфсизлиги қисмидан ёнғин содир бўлган жойгача бўлган масофа; $\tau_{\text{к.в.ё}}$ – куч ва воситаларнинг ёйилишга сарфланган вақт. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\tau_{\text{к.в.ё}} = 0,035 \times L_{\text{сув}} = 0,035 \times 60 = 2 \text{ дақиқа}$$

Бу ерда: 0,035 – сони куч ва воситаларнинг ёйилиши вақтида 1 метр масофани босиб ўтиш учун сарфланган вақт (тажриба ва таҳлиллар натижаси олинган вақт); $L_{\text{сув}}$ – ёнғин ўчириш автомобилларини сув манбасига ўрнатилган жойдан учтармоққача бўлган масофа, 60 метр.

2. Ёнғиннинг эркин тарқалиш вақтида босиб ўтган масофасини аниқлаймиз:

$$\text{а) } P = 0,5 \times v_{\text{ч.т.т.}} \times \tau_1, \quad \text{агар, } \tau_{\text{эрк.ёниш}} < 10 \text{ дақиқа;}$$

$$\text{б) } P = 0,5 \times v_{\text{ч.т.т.}} \times \tau_1 + v_{\text{ч.т.т.}} \times \tau_2, \quad \text{агар, } \tau_{\text{эрк.ёниш}} > 10 \text{ дақиқа;}$$

бунда, 0,5–ёнғиннинг эркин тарқалиши биринчи 10 дақиқада, меъёрдагидан 2 марта кам бўлинишини ҳисобга оладиган коэффитсиент; $v_{\text{ч.т.т.}}$ – ёнғиннинг чизикли тарқалиш тезлиги (м/дақиқа); τ_1 – ёнғин бошланишидан биринчи 10 дақиқадаги вақт; τ_2 – ёнғиннинг эркин тарқалиш вақти, лекин бунда ёнғиннинг бошланиш жараёнидаги биринчи 10 дақиқа ҳисобга олинмайди.

$$\tau_2 = \tau_{\text{эрк.ёниш}} - \tau_1 = 17 - 10 = 7 \text{ дақиқа}$$

$$P = 0,5 \times v_{\text{ч.т.т.}} \times \tau_1 + v_{\text{ч.т.т.}} \times \tau_2 = 0,5 \times 2 \times 10 + 2 \times 7 = 12 \text{ метр}$$

3. Ёнғин майдони ва унинг тарқалиш шаклини аниқлаймиз. Ёнғин майдони ва унинг тарқалиш шаклини аниқлашда биринчи навбатда, ёнғин содир бўлган жой ёки бинонинг контури чизилади ва ёнғин содир бўлган нуқтадан бошлаб, унинг босиб ўтган масофаси чизилиб унга асосланган ҳолда ёнғиннинг шакли ва майдони аниқланади.

Ёнғин бинонинг қарама – қарши деворларига етган бўлса ёнғин тўртбурчак шаклида тарқалади.

$$S_{\text{майдон}} = n \times P \times б = 1 \times 9 \times 12 = 108 \text{ м}^2$$

бунда, n – ёнғиннинг тарқалиш йўналиши 1 томонга; P – ёнғиннинг эркин тарқалиш вақтида босиб ўтган масофаси 12 метр; $б$ – хонанинг узунлиги 9 метр

4. Қуршаб олиш шароитида ёнғинни ўчириш майдонини аниқлаймиз. Ёнғин контури туширилган чизмадан оловнинг тарқалишини тўхтатиш мақсадида ёнғин ўчириш йўналишини (фронтни) топамиз ва чизмада ёнғин ўчириш майдонини белгилаймиз (қўл дастакларининг ўчириш чуқурлигини инобатга олган ҳолда). Ёнғин бинонинг қарама қарши деворларига етиб борган ва икки томонга тарқалаётган бўлса, у ҳолда

$$S_{\text{ўчириш майдони}} = n \times a \times x_{\text{ўчириш чуқурлиги}} = 1 \times 5 \times 9 = 45 \text{ м}^2$$

5. Ёнғинни қуршаб олиш шароитида ўчириш учун (локализацияси) талаб қилинадиган сув сарфини аниқлаймиз.

$$Q_{\text{талаб}} = C_{\text{ўчириш майдони}} \times J_{\text{талаб қил}} = 108 \times 0,1 = 10,8 \text{ л/с}$$

бунда: $J_{\text{талаб қил}}$ – талаб қилинган, ёнғинга сув бериш жадаллиги, 0,1 (л/с×м²), ёнғин ўчириш раҳбарининг маълумотномаси.

6. Ёнғинни ўчириш учун (локализация) талаб қилинадиган дастаклар сонини аниқлаймиз.

$$N_{\text{талаб.дастак}} = Q_{\text{талаб}} / q_{\text{дастак}} = 10,8 / 3,7 = 2,91 \approx 3 \text{ та ҚД-50}$$

бунда, $q_{\text{дастак}}$ – битта дастак сарфлайдиган сув миқдори, ҚД 50 – 3,7 л/с.

7. Ёнғиндан ҳимоя қилиш учун талаб қилинадиган дастаклар сонини аниқлаймиз. Ёнғиндан ҳимоя қилиш учун талаб қилинадиган дастаклар сони ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларни ўчирилишини ташкил этиш тартиби Низоми кўрсатмалари ва тактик шароитларга қараб белгиланади. 2 та ҚД-50 дастаги бинонинг кўтарувчи конструкцияларини ҳимоя қилиш учун (ички томондан);

8. Ёнғинни ўчириш ва ҳимоя учун сарфланадиган умумий сув сарфини аниқлаймиз.

$$Q_{\text{умум}} = N_{\text{талаб.дастак}} \times q_{\text{даст}} + N_{\text{ҳимоя.даст}} \times q_{\text{даст}} = 3 \times 3,7 + 2 \times 3,7 = 18,5 \text{ л/с}$$

9. Сув билан таъминланганликни аниқлаймиз. Соддалаштирилган услубда, сув қувурларининг ёнғинга сув етказиб бериш қобилиятини текширамыз

$$Q_{\text{ҳалқа}}^{\text{қувур}} = (V_{\text{сув}} \times D_{\text{тармоқ}})^2 = (1,6 \times 16)^2 = 655,36 \text{ л/с}$$

бунда, $Q_{\text{қувур}}^{\text{ҳалқа}}$ – ҳалқали сув қувури тизимидан сув чиқиш миқдори, л/с; $V_{\text{сув}}$ — қувур бўйича сувнинг ҳаракатланиш тезлиги, 1,6 м/с; $D_{\text{тармоқ}}$ – сув қувурининг диаметри, 400 мм га тенг, дюймда ўлчанади, (1 дюйм 25 мм га тенг), демак $400 / 25 = 16$ га тенг.

демак, $Q_{\text{қувур}} \geq Q_{\text{умум}}$, ёнғинни ўчиришга сув етарлидир;

10. Шахсий таркибнинг сонини аниқлаймиз:

$$N_{\text{шт}} = N_{\text{дастак}}^{\text{ўч}} \times n_{\text{одам}}^{\text{ГТХХ}} + N_{\text{дастак}}^{\text{ҳимоя}} \times n_{\text{одам}} + N_{\text{енг назорати}} + N_{\text{алоқа}} + n_{\text{ўж}}^{\text{ГТХХ}} = \\ = (3 \times 4) + (2 \times 4) + 2 + 2 + 3 = 27 \text{ нафар ёнғин ўчирувчи}$$


бунда: $n_{\text{одам}}$ – дастак билан ишлаётган ш/т сони; $N_{\text{енг назорат}}$ – енглари назорат қилувчи ш/т, жанговар ёйилиш вақтида енглари йўналиш сонига қараб белгиланади; $N_{\text{алоқачилар}}$ – алоқачилар сони.

11. Автосистернада келадиган ўт ўчириш бўлинмалар сонини аниқлаймиз.

$$N_{\text{ЭК АС}} = N_{\text{ш.т}} / n_{\text{ш.т.ЭК}}^{\text{АС}} = 27 / 4 = 6,75 \approx 7 \text{ та экипаж АС}$$

бунда, $n_{\text{ш.т.ЭК}}^{\text{АС}}$ – Автосистернадаги ш/т сони.

Хулоса: Савдо марказининг ертўласида содир бўлган ёнғинни бартараф этишда куч ва воситалар 2-чақирик бўйича жалб этилиши зарур.



2-расм. “Мега планет” савдо марказининг 1-қават ертўласида содир бўлган ёнгинни ўчириш чизмаси (2-усул)

Бундан кўриниб турибдики, содир бўлган ёнғинларнинг тез ва қисқа муддатда самарали бартараф этилиши, ёнғин жойига етиб борган ёнғин ўчириш раҳбари йўналишни тўғри танланиши, ўз вақтида қарор қабул қилиши ва ишни сифатли ташкил этиши ёнғинни катта майдонларга тарқалиб кетишининг олдини олади. Биз кўриб чиққан юқоридаги иккита усулда ҳам хулоса шуки, савдо марказининг ертўласида содир бўлган ёнғинни бартараф этишда куч ва воситалар 2-чақириқ бўйича жалб этилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Ҳ.Қўлдошев, Э.Э.Собиров, С.С.Султонов. Ёнгин ўчириш тактикаси // Дарслик. Тошкент. 2017 й.
2. В.В.Теребнев. Справочник руководителя тушения пожара // 2004 й.
3. А.Ҳ.Қўлдошев, Ў.Т.Музафаров, М.Б.Мусаходжаев. Ёнгин ўчириш техникаси // Дарслик. Тошкент. 2018 й.
4. А.Ҳ.Қўлдошев. Ёнгин хавфсизлиги асослари // Ўқув қўлланма. Тошкент. 2018 й.



БОЗОРЛАРДА СОДИР БЎЛГАН ЁНГИНЛАР ТАҲЛИЛИ

*Т.ф.ф.д. (PhD) М.Р.Досчанов, доцент Ў.Т.Музафаров
(Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги),
т.ф.д., профессор И.У.Маджидов
(М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)*

Аннотация. Ушбу мақолада бозор ва савдо комплексларида содир бўлган йирик ёнгинлар ва уларнинг оқибатлари таҳлил қилинган. Бундай масканларда сўнгги йилларда содир бўлган ёнгинлардан келиб чиқиб, давлат ёнгин назорати йўналишида норматив базани янада такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: ёнгин, бозор, савдо комплекси, давлат ёнгин назорати.

Аннотация. В данной статье анализируются крупные пожары на рынках и в торговых комплексах и их последствия. На основании пожаров, произошедших в таких местах за последние годы, освещены вопросы дальнейшего совершенствования нормативной базы в направлении государственного противопожарного контроля.


Ключевые слова: пожар, рынок, торговый комплекс, государственный пожарный надзор.

Abstract. This article analyzes major fires that occurred in markets and shopping complexes and their consequences. Based on the fires that have occurred in such places in recent years, the issues of further improvement of the regulatory framework in the direction of state fire control have been highlighted.

Key words: fire, market, trading complex, state fire control.

Сўнгги йилларда аҳоли ҳаёти ва соғлиғи, давлат мулки, жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган яхлит ёнгин хавфсизлиги тизими шакллантирилди. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни “Фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар профилактикаси куни” этиб белгиланиб, бу борада Фавқулодда вазиятлар вазирлигига бир қатор вазифалар юклатилди. Бироқ, соҳада олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар билан бир қаторда, минг афсуски, аҳолининг маиший ҳаётида ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ёнгинлар билан боғлиқ нохуш ҳодисалар рўй бермоқда. Жумладан, республикада ўтган 2022 йилда 10 260 та ёнгин ҳодисаси юз берган бўлиб, унда 284 нафар фуқаро жабрланган, шундан 107 таси вафот этган, жисмоний ва юридик шахслар мулкига етказилган зарар ҳажми 214,6 млрд сўмни ташкил этган. Содир бўлаётган ёнгинлар орасида айниқса, бозор ва савдо комплексларида ва тадбиркорлик субъектларига қарашли объектлардаги йирик ёнгинлар ташвишли ҳисобланмоқда. Бугунги кунда республикада жами 549 та бозорлар (1-расм) ва 235 та савдо комплекслари (2-расм) фаолият юритмоқда.

Ушбу объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида Фавкулудда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби томонидан туну-кун профилактик-огоҳлантирув тадбирлари ташкил этилмоқда.




1-расм. Республика ҳудудидаги бозорлар сони (вилоятлар кесимида)



2-расм. Республика ҳудудидаги савдо мажмуалари сони (вилоятлар кесимида)

Энг ачинарлиси, сўнгги вақтларда юртимизда шов-шувли, жамоатчиликнинг эътиборини тортган катта моддий зиён келтирган, фожиа билан тугаган ёнғинлар содир бўлаётганлиги барчани бирдек ташвишга солмоқда. Мисол учун, 2023 йил июнь ойидаги Қўқон шаҳрининг "Ризқ барака" ва "Истиқлол" бозорларида, июлдаги Хива шаҳрининг буюм бозоридаги ёнғинлар барчани огоҳликка чақирган бўлса, 29 июлда Фарғона шаҳридаги "Караоке" барида 6 нафар фуқароларнинг ўлимига, бир-неча кишининг соғлиғига зиён етишига олиб келган ёнғинни мисол қилиш мумкин.

Таҳлилларга эътибор берадиган бўлсак, бозорлар, савдо комплекслари ва савдо дўконларида 2022-2023 йиллар давомида жами 187 та ёнғинлар (вилоятлар кесимидаги таҳлили – 3-расмда) содир бўлган. Ёнғинларда инсонларнинг ҳалок бўлиши билан боғлиқ ҳодислар кузатилмаган, бироқ 1 нафар инсон тан жароҳати олган. Ёнғинлардан келтирилган моддий зарар миқдори эса 30 млрд 923 млн 368 минг 733 сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бормоқда.



3-расм. Бозор ва савдо комплексларида содир бўлган ёнғинлар таҳлили (вилоятлар кесимида)

Бозорлар ва савдо комплексларида сўнгги 5 йилда (2018-2023 й.й.) содир бўлган ўзига хос ёнғинлар ҳақида тафсилотларига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу ёнғинлар нафақат кўламининг кенглиги балки, катта миқдордаги моддий зарар келтиргани билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Қуйида йиллар кесимида республиканинг турли ҳудудларида бозор ва савдо комплексларида содир бўлган йирик ёнғинлар сифатида қайд этилган ёнғинлар ҳақида айрим мисоллар келтирилган.

2017 йил 8 февраль куни Тошкент шаҳар Олмазор тумани "Уста Ширин" МЧЖга қарашли "Жомий" қурилиш материаллари бозорида умумий 80 кв.м майдонда савдо расталари, 5 август куни Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар Бунёдкор кўчасида жойлашган жами 16 та савдо дўконларининг умумий 404 кв.м майдони, 23 сентябрь куни Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳрида 9 та савдо дўконларининг умумий 280 кв.м майдони, 27 сентябрь куни Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, "Qiziltepa savdo kompleksi" МЧЖнинг умумий 400 кв.м майдонда "Акфа" алюмин профиллардан қурилган савдо дўконлари ҳамда товар моддий бойликлари ёнғиндан зарарланган.

2018 йил 12 июль куни Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, "Баҳор трейдинг эксклюзив" МЧЖга қарашли савдо комплексининг 1 500 кв.м

майдонида товар моддий бойликлар, савдо комплексининг ташқи қопламаси, чордоқ ва том қисми ёнғиндан зарарланган.

2019 йил 9 июнь куни Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, "Пичоқчи" МФЙ, "Марғилон умумий улгуржи савдо комплекси" МЧЖга қарашли озиқ-овқат савдо биноси (ёпиқ бозор)нинг 1 575 кв.м майдонидаги озиқ-овқат, парфюмерия маҳсулотлари ва хўжалик моллари ёнғиндан зарарланган.

2020 йил 16 январь куни Навоий шаҳар, М.Таробий кўчаси, "Navoiy savdo kompleksi" АЖга қарашли 3 қаватли савдо мажмуасида жами 82 кв.м. майдони, 5 февраль куни Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, "Ибодулла бобо" кичик хусусий корхонасига қарашли савдо мажмуасининг 600 кв.м майдони, 24 февраль куни Денов тумани, Бахористон МФЙ жойлашган икки қаватли савдо шаҳобчаларининг жами 630 кв.м майдони, 8 март куни Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Паркент Деҳқон бозори" МЧЖ ҳудудидаги 21 та савдо дўконлари 930 кв.м майдони, 17 ноябрь куни Андижон вилояти, Андижон тумани, Султонобод МФЙ, "Ёрбоши водий савдо" МЧЖга қарашли 24 та савдо дўконлари ва ошхонанинг 693 кв.м майдони ёнғиндан зарарланган.

2021 йилнинг 23 июнь куни Андижон вилояти, Пахтаобод тумани 3.Хабибий МФЙ, "Деҳқон озиқ овқат" МЧЖга қарашли 132-сонли савдо дўконнинг 40 кв.м майдони, 30 август куни Хоразм вилояти, Хива шаҳар "Гулшан-2" МФЙ, "Ғунча деҳқон бозори" МЧЖга қарашли савдо павильонининг 200 кв.м майдони, 31 август куни Самарқанд вилояти, Булунғур тумани, "Гулистон" МФЙ, "Булунғур савдо комплекс" МЧЖга қарашли 20 та савдо дўконлари 680 кв.м майдони, 24 декабрь куни Самарқанд вилояти, Ургут тумани, "Мирзақишлоқ" МФЙ, "Ургут савдо комплекси" МЧЖ ҳудудидаги 4 та савдо дўконларининг 100 кв.м майдони ёнғиндан зарарланган.

2022 йил 12 май куни Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, "Намуна" МФЙ, "Энтрогроплюс" МЧЖга қарашли 2 қаватли савдо дўконларининг 250 кв.м майдони, 5 июнь куни Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, "Саловат" МФЙ, "Мирбозор бозори" МЧЖнинг 16 та озиқ-овқат савдо дўконлари 240 кв.м майдони, 9 июнь куни Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, "Лойиш" МФЙ, "Оқдарё Деҳқон бозори" МЧЖ ҳудудидаги жами 200 кв.м майдони, 3 июль куни Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Дўстобод шаҳарчасида 2 қаватли савдо мажмуасининг 400 кв.м майдони ёнғиндан зарарланган.

2023 йил 7 январь куни Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, "Дегрезон" МФЙ, "Ғиждувон деҳқон бозори қурилиш" МЧЖга қарашли 2 қаватли савдо мажмуаси 960 кв.м майдони, 25 январь куни Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, "Гулбозор" МФЙ, "Эски жўва" деҳқон бозорига қарашли кўчат бозори ҳудудида 50 кв.м. майдони, 12 июнь куни Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Қўқон шаҳарда "Риск барака савдо комплекси" МЧЖ ва "Буюк ипак йўли" МЧЖ савдо комплекслари ҳудудига туташ қурилган 10 та аҳоли яшаш хонадонларининг тахминан 950 кв.м. майдони ёнғиндан зарарланган.

Юқорида йиллар кесимида республиканинг турли ҳудудларида бозор ва савдо комплексларида содир бўлган энг йирик ёнғинлар сифатида қайд этилган айрим мисоллар келтирилди.

Қуйидаги жадвалда тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бозор ва савдо комплексларида содир бўлган ёнғинларнинг йиллар кесимидаги таҳлили ва оқибатлари келтирилган.

1-жадвал.

2018-2022 йиллар ва 2023 йил мобайнида бозор ва савдо мажмуаларида содир бўлган ёнғинлар статистикаси

Худуд номи	Йил	Ёнғинлар сони	Ҳалок бўлган	Тан жароҳати	Моддий зарар
Андижон вилояти	2018	1	0	0	16320000
	2019	2	0	0	428865472
	2020	1	0	0	1634000000
	2021	2	0	0	70005152
жами:		6	0	0	2149190624
Бухоро вилояти	2023	1	0	0	6000000
жами:		1	0	0	6000000
Тошкент шаҳри	2018	6	1	0	0
	2019	4	0	0	1900000
	2020	5	0	0	5700000
	2021	1	0	0	0
	2022	3	0	0	10800000
жами:		19	1	0	18400000
Жиззах вилояти	2021	2	0	0	3230000
	2022	3	0	0	488512000
жами:		5	0	0	491742000
Қашқадарё вилояти	2018	1	0	0	340000000
	2021	4	0	0	16100000
	2022	1	0	0	63280000
	2023	2	0	0	440000000
жами:		8	0	0	859380000
Навоий вилояти	2019	1	0	0	30000
	2020	2	0	0	110400000
	2021	1	0	0	0
жами:		4	0	0	110430000
Наманган вилояти	2019	6	0	0	43350000
	2020	1	0	0	5600000
	2021	4	0	0	9221000
	2022	1	0	0	0
жами:		12	0	0	58171000
Қорақалпоғистон Республикаси	2018	1	0	0	56833000
	2019	2	0	0	171055000
	2020	1	0	0	0
	2022	1	0	0	65000
жами:		5	0	0	227953000
Самарқанд вилояти	2018	3	0	0	4760000
	2019	3	0	0	130000000
	2020	3	0	0	7160000
	2021	2	0	0	4806258
	2022	1	0	0	5000000000
	2023	1	0	0	0

жами:		13	0	0	5146726258
Сурхондарё вилояти	2019	2	0	0	16564000
	2020	1	0	0	0
	2021	1	0	0	0
	2022	3	0	0	85000
	2023	1	0	0	0
жами:		8	0	0	16649000
Сирдарё вилояти	2019	2	0	0	607500000
	2020	1	0	0	212000000
	2021	1	0	0	19659000
	2022	1	0	0	2010000000
жами:		5	0	0	2849159000
Тошкент вилояти	2018	1	0	0	190000000
	2019	2	0	0	37570000
	2021	1	0	0	0
	2022	2	0	0	950000000
жами:		6	0	0	1177570000
Фарғона вилояти	2018	2	0	0	550000
	2019	1	0	0	0
	2020	1	0	0	4200000
	2021	3	0	0	8150000
	2022	1	0	0	0
жами:		8	0	0	12900000
Хоразм вилояти	2018	1	0	0	180000
	2020	1	0	1	1000000
	2021	1	0	0	3102789870
	2022	2	0	0	1165000
	2023	1	0	0	501993618
жами:		6	0	1	3607128488
Республика бўйича жами	2018	16	1	0	608643000
	2019	25	0	0	1436834472
	2020	17	0	1	1980060000
	2021	23	0	0	3233961280
	2022	19	0	0	8523907000
	2023 й	6	0	0	947993618
Жами 5 йиллик		106	1	1	16732947370

Мазкур объектларда ёнғин билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг кескин ошиб бориши энг аввало ушбу объектларда ёнғинга қарши тадбирларнинг сифатли даражада амалга оширилмаганлиги ёки ташкилот раҳбарларининг бу масалага эътиборсизлиги каби омилларни санаб ўтиш мумкин. Ваҳоланки, республикамізда бозорлар ва савдо комплексларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғинга қарши тадбирларни амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, қатор талаблар белгиланган. Жумладан:

1) “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига кўра ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар тегишли шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса,

мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари ва улар ваколат берган шахслар зиммасига юклатилиши, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларнинг ваколатли шахслар зиммасига юклатилиши раҳбарларнинг зиммасидан масъулиятни соқит қилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, хусусий ва давлат уй-жой фондларининг тураржойлари ва бошқа биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар бу мулк ижара (аренда) шартномасида кўрсатилган бўлса, мулкдорлар ёки ижарага (арендага) олувчилар зиммасига юклатилиши белгиланган.

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сон қарорининг XI бобига кўра бозорларда ёнғин хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш тегишли равишда Давлат ёнғин назорати органлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, бозорларда ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига риоя қилинмаганда ва қонун бузилишлари мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бозор (бозордаги савдо объекти) фаолияти вақтинча тўхтатиб турилиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу объектларда авария ҳамда фавқулодда вазиятлар ҳолатларида ёнғинни ўчириш ва аҳолини хабардор қилиш воситалари бўлиши кераклиги қатъий белгилаб қўйилган.

3) Бозорлар ва савдо комплексларига қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарори билан тасдиқланган “Ёнғин хавфсизлиги қоидалари”нинг 27-бобига келтирилган.

Сўнгги вақтларда юртимизда бу турдаги объектларда содир бўлаётган йирик ёнғинлар таҳлилидан келиб чиқиб, ёнғинларни олдини олишга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш, соҳани ривожлантириш, республикада ёнғинлар билан боғлиқ вазиятни барқарорлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 4 августдаги 332-сон қарори билан ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Унга мувофиқ, 2024 йил 1 январдан бошлаб ёнғинларнинг олдини олиш соҳасига мутлақо янги механизмлар жорий қилинмоқда, яъни:

1) жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳолаш тартиби (ёнғин аудити);

2) ёнғин аудити Фавқулодда вазиятлар вазирлигида аккредитациядан ўтган ташкилотлар томонидан ўтказилади ва бино (иншоот)лари ёнғин хавфсизлиги талабларига тўлиқ мувофиқ бўлган жисмоний ва юридик шахсларга бир йил муддатга ёнғин аудити хулосаси берилади;

3) ёнғин аудити бўйича ижобий хулосасини олган, ёнғин ва бошқа хатарлардан ўзига тегишли бино ҳамда иншоотларни суғурталаган тадбиркорлик субъектлари бир йил давомида Давлат ёнғин назорати органлари томонидан текширилмайди.

Ушбу қарорнинг энг эътиборли жиҳати бу текширувлар тартибининг ўзгарганидир.

Янги тартибга кўра, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб Давлат ёнғин назорати органларига ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган объектларда бир йилда кўпи билан бир мартадан батафсил (дастлабки) текширув ва назорат текширувини ўтказишга, шунингдек, тезкор текширувлар ўтказишга рухсат берилди.

Ундан ташқари, бир вақтнинг ўзида 50 нафардан кўп одам тўпланадиган объектларда булар, бозорлар, савдо-кўнгилочар мажмуалари, умумий овқатланиш корхоналари ва шу кабиларда ҳар чоракда камида бир маротаба мониторинг ва профилактика тадбирларини ўтказиш учун Вазирлик Фавкулудда вазиятлар профилактикаси департаменти тасдиқлайдиган режа-графикнинг ўзи кифоя, уни ваколатли орган билан келишиш талаб этилмаслиги белгиланди. 2024 йил 1 январдан бошлаб ёнғиндан сақлаш соҳасига мажбурий суғурта тизими жорий этилмоқда. Ушбу институт ҳам муваффақиятли ишга тушиб кетса, кўп йиллардан буён тизимли муаммо бўлиб келган масалани ҳал этади, яъни, бозорлар ва савдо комплексларида юз берадиган ёнғинлардан келтирилган моддий зиённи тўлаб бериш масаласи ҳам тартибга солинади. Эндиликда, аҳоли гавжум бўладиган объектларда идоравий ёнғин назоратини ташкил этилишининг мажбурийлиги белгиланиб, ушбу институт тўғри йўлга қўйилган тақдирда, бу туркумдаги объектлар Давлат ёнғин назорати органларининг катта ҳажмдаги иш юкламасини ўзларига олган бўлади.

Хулоса ўрнида ҳар бир бозор ва савдо комплекслари ҳудудида қуйидаги ёнғин хавфсизлиги талаблари бажарилиши мақсадга мувофиқ. Жумладан:

Ёнғинларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, зарар миқдорини камайтириш ва инсонлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча бино ва савдо дўконлари ёнғинга қарши автоматика, ёнғин ҳақида хабар бериш мосламалари билан жиҳозланиши ва доимо соз ҳолда бўлиши ҳамда инсонларни хавфсиз эвакуация қилиш мақсадида ёнғин ҳақида овозли хабар бериш ҳамда эвакуацияни бошқариш мосламалари мавжудлиги ва доимо соз бўлиши лозим. Бозорлар ҳудудига ёнғин-қутқарув автомобиллари кириб-чиқиши учун кенглиги 5 m дан кам бўлмаган дарвозалар бўлиши, бозор ҳудудида эркин ҳаракатланиши ҳамда ҳар бир бино ва иншоотлар олдида етиб боришига шароит яратилганлиги ва йўллар савдо расталари билан тўсилмаслиги, ёнғинга қарши сув таъминоти тизими ва ҳудудида жойлашган ер ости гидрантларнинг созлиги, уларга ёнғин-қутқарув автомобилларини олиб борувчи йўллар тўсилмаслиги ва устига ҳар хил савдо расталари ва автомобиллар ўрнатилмаслиги керак.

Барча бозорлар ва савдо мажмуалари бирламчи ўт ўчириш воситалари ва ёнғинга қарши қалқон билан меъёр талаблари асосида таъминланган бўлиши, маъмурият буйруғи билан ёнғин хавфсизлигига жавобгар шахслар тайинланиши

ва ишчи-хизматчилардан иборат кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналари ташкил этилиши, ёнғин содир бўлганда одамларни ва моддий бойликларни эвакуация қилиш, биноларни ва ҳудудни тарқ этиш режалари (схемаси) ва ҳаракат қилиш тартиби ишлаб чиқилиши, бино ва савдо дўконлардаги кондиционер ва музлаткичларнинг қуввати ҳисобга олинган ҳолда электр симлар ва умумий электр қутисидаги ҳимоя автоматлари ҳисоб китоблар орқали тўғри танланган бўлиши лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2023 йил 4 августдаги 332-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида" 2020 йил 21 октябрдаги 649-сон қарори.

3. Ёнғинлар таҳлили китоби // ФВВ ДЁНТЭББ//2022 й.



УДК 614.84

ЁНҒИНЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Т.ф.ф.д. (PhD) М.Р.Досчанов, доцент Ў.Т.Музафаров
(Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги),
т.ф.д., профессор И.У.Маджидов
(М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)*

Аннотация. Ушбу мақолада республикада ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари, қабул қилинган янги қарорлар шарҳи келтирилган. Шунингдек, Давлат ёнғин назорати органлари томонидан республика ҳудудида жойлашган иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда уй-жой фондида ёнғинларнинг олдини олиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: ёнғин, давлат ёнғин назорати, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, уй-жой фонди.

Аннотация. В данной статье представлен обзор мер по повышению эффективности пожарной профилактики и государственного контроля в области пожарной безопасности, новых решений, принятых в нашей

республике. Также органами государственного противопожарного надзора были охвачены вопросы предотвращения пожаров в отраслях экономики, объектах социальной сферы и жилищного фонда, расположенных на территории республики.

Ключевые слова: пожар, государственный пожарный надзор, отрасли экономики, объекты социальной сферы, жилищный фонд.

Abstract. This article provides an overview of measures to improve the effectiveness of fire prevention and state control in the field of fire safety, new decisions adopted in our republic. Also, the issues of prevention of fires in the economic sectors, social sphere objects and housing fund located in the territory of the republic were covered by the State fire control bodies.

Key words: fire, state fire control, economic sectors, social sector facilities, housing fund.

Маълумки, сўнгги вақтларда юртимизда шов-шувли, жамоатчиликнинг эътиборини тортган катта моддий зиён келтирган, энг ачинарлиси фожиа билан тугаган ёнғинлар юз берди. Шу йил июнь ойидаги Кўкон шахрининг “Ризқ барака” ва “Истиклол” бозорларида, июлдаги Хива шахрининг буюм бозоридаги ёнғинлар барчамизни огоҳликка чақирган бўлса, 29 июлда Фарғона шаҳридаги “Караоке” барида 6 нафар фуқароларнинг ўлимига, бир-неча кишининг соғлиғига зиён етишига олиб келган ёнғин эса давлат ёнғин назорати бўйича қонунчиликда белгиланган механизмларнинг мукамал эмаслигини, уларни қайта кўриб чиқиш зарурати борлигини кўрсатди. Ушбу бахтсиз ҳодисанинг сабабларини текшириш ҳамда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус топшириқлари асосида иш бошлаган Ҳукумат комиссиясининг дастлабки хулосасига кўра, ҳодиса содир бўлган бино ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нормалар ва қоидаларга жавоб бермагани, хусусан бинода ҳаво айланиш тизими ва қўшимча чиқиш жойлари талаб даражасида бўлмагани эътироф этилган.

Комиссиясининг хулосасида давлат ёнғин назорати органларининг ваколатлари етарли эмаслиги оқибатида улар томонидан ёнғинларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмасдан қолаётганлиги катта зиён келтираётган ёнғинларнинг юз беришининг асосий сабаби этиб кўрсатилган.

Ҳукумат комиссиясининг хулосаси ва таклифлардан келиб чиқиб, аҳоли ҳаёти ва соғлиғини, жисмоний ва юридик шахслар мулкани ёнғин хавфидан асраш, ёнғинларнинг келиб чиқиш хавфи юқори бўлган, биринчи навбатда, аҳоли оммавий йиғиладиган объектларда ёнғинларнинг олдини олиш самарадорлигини тубдан ошириш ҳамда ушбу йўналишда таъсирчан назорат механизмларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 2 августдаги ПФ-125-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин

хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 04 августдаги 332-сон қарори қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сон Фармони 2-илоvasи 32-позициясига ўзгартириш киритилиб, давлат ёнғин назорати органларига тадбиркорлик субъектларига қарашли объектларда бир йилда бир мартадан батафсил текширув ва назорат текширувини ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалардан олинган маълумотлар асосида тезкор текширувлар ўтказиш ваколати берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-374-сон қарорига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, бундан буён, Давлат ёнғин назорати органлари томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширувлар хавфни таҳлил этмасдан туриб фақатгина Ваколатли органни хабардор этган ҳолда ўтказилиши, назорат текширувларни ўтказилиши, профилактика тадбирларини ўтказиш учун режа графикларни ваколатли орган билан келишиш ҳамда текширув ҳақида тадбиркорлик субъектини ўн кун олдин хабардор қилиш шарт эмаслиги, текширувларни профилактика тадбирларини ўтказмасдан амалга ошириш мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 4 августдаги 332-сон қарори билан ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитаси”га мувофиқ тегишли муддатларда Вазирлик томонидан 1 та йўл харита, 2 та Қонун ва 2 та Ҳукумат қарори лойиҳаси, 2 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, 1 та таклиф, 1 та чора-тадбирлар режаси тайёрланиши белгиланди. Қарор билан давлат ёнғин назорати органларининг асосий йўналишлари этиб:

1) аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ёнғиндан огоҳлигини ошириш, ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилишни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, шунингдек, самарали идоравий ёнғин назоратини таъминлаш;

2) ёнғинларнинг олдини олиш ва келиб чиқиш сабаблари ҳамда омилларини барвақт аниқлаш ва бартараф этиш, бу борада давлат назоратини янада кучайтириш орқали қонунчилик талабларини бузган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

3) ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши устидан тизимли мониторинг тизимини жорий этиш;

4) давлат ёнғин назорати органлари фаолиятига замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали юзага келиши мумкин бўлган ёнғинларнинг барвақт олдини олиш белгиланди.

Қарорга мувофиқ:

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда мунтазам равишда жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда “Ёнғиндан огоҳлик” умуммиллий кампанияси амалга оширилаётганлиги маълум.

Унинг доирасида:

1) таълим ташкилотларида ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин содир бўлган вазиятда ҳаракат қилиш бўйича батафсил услубий машғулотлар;

2) давлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотларда иш жойларида ёнғин хавфсизлиги бўйича ўқитиш ишлари;

3) ёнғин хавфсизлиги мавзусида семинарлар, маърузалар, маҳорат дарслари, танловлар ва тақдимотлар ўтказиш, аҳолини тарқатма материаллар билан таъминлашни ташкил этиш ишлари;

4) интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин содир бўлган вазиятда ҳаракат қилиш бўйича батафсил қўлланмалар тарқатилади, мавзу бўйича махсус саҳифалар ташкил этиш;

5) оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзудаги мақолалар, интервьюлар ва махсус кўрсатувлар йўлга қўйиш;

6) жамоат жойларида, таълим ташкилотларида, иш жойларида ва турар жой комплексларида ўт ўчириш бўйича амалий машғулотлар ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

2024 йилдан бошлаб “Ёнғиндан огоҳлик” умуммиллий кампанияси доирасида ҳар бир ҳудудда тадбиркорлик субъектлари ўртасида “Ёнғин хавфсизлиги аълочилиги” йиллик танлови ўтказилиши йўлга қўйилди.

2024 йил 1 январдан бошлаб ёнғинларнинг олдини олиш соҳасига мутлақо янги механизмлар жорий қилинди, яъни:

1) жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини мустақил баҳолаш тартиби (ёнғин аудити);

2) ёнғин аудити Фавқулодда вазиятлар вазирлигида аккредитациядан ўтган ташкилотлар томонидан ўтказилади ва бино (иншоот)лари ёнғин хавфсизлиги талабларига тўлиқ мувофиқ бўлган жисмоний ва юридик шахсларга бир йил муддатга ёнғин аудити хулосаси берилади;

3) ёнғин аудити бўйича ижобий хулосасини олган, ёнғин ва бошқа хатарлардан ўзига тегишли бино ҳамда иншоотларни суғурталаган тадбиркорлик субъектлари бир йил давомида Давлат ёнғин назорати органлари томонидан текширилмайди.

Ушбу қарорнинг энг эътиборли жиҳати бу текширувлар тартибининг ўзгарганидир. Янги тартибга кўра, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб Давлат

ёнфин назорати органларига ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган объектларда бир йилда кўпи билан бир мартадан батафсил (дастлабки) текширув ва назорат текширувини ўтказишга, шунингдек, тезкор текширувлар ўтказишга рухсат берилди.

Ундан ташқари, бир вақтнинг ўзида 50 нафардан кўп одам тўпланадиган объектларда, булар, бозорлар, савдо-кўнгилочар мажмуалари, умумий овқатланиш корхоналари ва шу кабиларда ҳар чоракда камида бир маротаба мониторинг ва профилактика тадбирларини ўтказиш учун Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фавқулодда вазиятлар профилактикаси департаменти тасдиқлайдиган режа-графикнинг ўзи кифоя, уни ваколатли орган билан келишиш талаб этилмайди.

Энг оғриқли нуқта ҳисобланган шаҳарсозлик соҳасида давлат ёнфин назорати масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 2023 йил 1 ноябрдан бошлаб, қуйидаги масалалар:

Давлат ёнфин назорати органларининг ижобий хулосасини олмасдан туриб, қурилиш учун ер участкаларини ажратиш, лойиҳа ҳужжатларни келишиш, қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш тақиқланди.

Ушбу масалаларда:

Давлат ёнфин назорати органлари томонидан хулоса бериш муддати етти кунга узайтириб берилди;

Бундан буён:

1) Давлат ёнфин назорати органларига келишиш учун лойиҳанинг барча қисмлари тақдим этилади;

2) Давлат ёнфин назорати органлари қурилиш объектларида барча турдаги текширувларни ўтказишга ҳақли бўлади.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу аҳоли гавжум бўладиган объектларда идоравий ёнфин назоратини ташкил этилишининг мажбурий тартибда белгиланганидир. Ушбу институт тўғри йўлга қўйилган тақдирда, бу туркумдаги объектларда Давлат ёнфин назорати органларининг катта ҳажмдаги иш юкласини ўзларига олиб, ёнфин хавфсизлигини таъминлашнинг вертикал тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2024 йил 1 январдан бошлаб ёнфиндан сақлаш соҳасига мажбурий суғурта тизими жорий этилди. Ушбу институт ҳам муваффақиятли ишга тушиб кетса, кўп йиллардан буён тизимли муаммо бўлиб келган масалани ҳал этади, яъни, бозорлар ва савдо комплексларида юз берадиган ёнфинлардан келтирилган моддий зиённи тўлаб бериш масаласи ҳам тартибга солинади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Давлат ёнфин назорати органлари томонидан республика ҳудудида жойлашган иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда уй-жой фондида ёнфинларнинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, аҳоли сони, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фонди сони йилдан йилга ўсишига қарамадан ҳозирги пайтда инспекторлар штат бирликлари сони кўп йиллардан буён ўзгаришсиз қолмоқда.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 23 декабрда тасдиқланган “2022 йил учун иш вақти меъёрининг давомийлиги”га мувофиқ бажарилган ҳисоб-китобларга кўра Давлат ёнғин назорати органлари томонидан календарь йил мобайнида бажариладиган иш вақтининг тахминий ҳажми 2 млн 833 минг 901 соатни ташкил этади. Бу вақт миқдори тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишларнинг аввалги тартиби ҳисобида олинган (бу тадбиркорлик субъектларини табақаланган ҳолда “хавфни таҳлил этиш” орқали текширилганда).

Ушбу вақтдан иборат ҳажмдаги ишни бажариш учун талаб этиладиган ходимлар сони $2\,833\,901 / 1\,954 = 1450$ тани ташкил этади.

Шу муносабат билан, Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш доирасида Вазирлик тизимида ташкилий штат тузилмаларининг ўзгариши муносабати билан бундан буён туман (шаҳар) даражасидаги профилактик тадбирларни кўп тармоқли комплекс равишда “Фавқулодда вазиятлардан ҳоли маҳалла” тамойили асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу тамойилга кўра туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимидаги барча шахсий таркиб, яъни, бўлим бошлиғи, унинг ўринбосари, катта инспекторлар, инспекторлар, етакчи инспекторлар, кичик инспекторлар ўзларига бириктирилган секторларда Фавқулодда вазиятлар вазирлигига профилактика соҳасида юклатилган барча функцияларни бажарадилар.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Давлат ёнғин назорати органлари томонидан рўйхатга олинган назоратдаги объектлар сони жами республика бўйича 307 минг 448 тани ташкил этади. Шундан, 38 минг 861 таси давлат бюджетидан молиялаштириладиган объектлар, 268 минг 587 таси эса тадбиркорлик субъектларидир. Бандлик вазирлиги томонидан тасдиқланадиган “йил учун иш вақти меъёрининг давомийлиги”га кўра йилда тахминан 298 иш куни давомида хизматда бўладиган 1 минг 450 нафар инспектор томонидан бир кунда иккитадан объект текширилган тақдирда, 307 минг 448 тасининг тўлиқ қамровини таъминлаш имкони бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 2 августдаги ПФ-125-сон фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сон фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 13 сентябрдаги 374-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 04 августдаги 332-сон қарори.



УДК 699.841

СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

т.ф.д., профессор И.У.Маджидов

(М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети),

доцент Ў.Т.Музафаров (Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги),

т.ф.н., профессор М.Н.Мусаев (Тошкент давлат техника университети),

т.ф.ф.д. (PhD) М.Р.Досчанов (Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги)

Аннотация. Ушбу мақолада сейсмология соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур соҳанинг давлат томонидан тартибга солиниши асослари, янги қурилишлар, ер танлаш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ишлари, қабул қилиш ва уларни фойдаланишга топшириш босқичларида, шунингдек, фойдаланишда бўлган бино ва иншоотлар, инструментал-техник текиширувларда сейсмология соҳаси бўйича эътибор берилиши лозим бўлган нормалар, якуний босқичда эса сейсмология соҳасини тартибга солиш борасидаги таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: сейсмология, бино, иншоот, сейсмик мустаҳкамлик, zilzila.

Аннотация. В данной статье рассмотрены нормативно-правовые документы в области сейсмологии, основы государственного регулирования этой сферы, нового строительства, выбора земель, разработки проектной документации, строительно-монтажных работ, приемки и ввода в эксплуатацию, а также зданий и сооружений в на заключительном этапе были разработаны эксплуатационные, инструментальные – нормативы, на которые следует обращать внимание в области сейсмологии при проведении технических осмотров, а также предложения по регулированию области сейсмологии.

Ключевые слова: сейсмология, здание, сооружение, сейсмическая прочность, землетрясение.

Abstract. This article discusses regulatory documents in the field of seismology, the basis of state regulation of this area, new construction, selection of land, development of design documentation, construction and installation work, acceptance and commissioning, as well as buildings and structures in the final stage were developed operational, instrumental - standards that should be paid attention to in the

field of seismology when conducting technical inspections, as well as proposals for regulating the field of seismology.

Key words: *seismology, building, structure, seismic resistance, earthquake.*

Мамлакатимизда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаларини ривожлантириш ҳамда соҳа ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш бўйича кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда бу соҳалардаги ислохотларни изчил давом эттириш, аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг янги усуллари жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ислохотларнинг аниқ манзиллилигини таъминлаш, соҳаларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биз ушбу тадқиқот иши жараёнида сейсмология соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур соҳанинг давлат томонидан тартибга солиниши асослари, янги қурилишлар, ер танлаш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ишлари, қабул қилиш ва уларни фойдаланишга топшириш босқичларида, шунингдек, фойдаланишда бўлган бино ва иншоотлар, инструментал-техник текширувларда сейсмология соҳаси бўйича эътибор берилиши лозим бўлган нормалар, якуний босқичда эса сейсмология соҳасини тартибга солиш борасидаги таклифлар ишлаб чиқилган.

Сейсмология соҳаси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида" 13.09.2021 йилдаги ЎРҚ-713 Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 30 майдаги ПФ-144-сон Фармони, "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон Қарори, "Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида" 2020 йил 5 февралдаги ПҚ-4586-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг "Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш тўғрисида" 2021 йил 30 июндаги 405-сон, "Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, унинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, республика ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида" 2018 йил 31 июлдаги 603-сон, "Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" 2020 йил 28 майдаги 343-сон, "Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида" 2020 йил 20 августдаги 496-сон ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Фанлар

Академиясининг уставини тасдиқлаш тўғрисида" 2017 йил 31 майдаги 331-сон Қарорлари асосида тартибга солинади.

Сейсмология соҳаси келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра давлат томонидан қуйидагича тартибга солинади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан:

а) Республика ва трансчегаравий ҳудудларда, шунингдек табиий ва техноген хавф юқори бўлган ҳудудларда сейсмологик ва сейсмометрик кузатувларни ташкил этади;

б) кучли zilzilalar юз бериши хавфи пайдо бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этишга доир зарур чоралар кўради;

в) сейсмо-прогностик мониторинг амалга оширилишини ташкил этади ва назорат қилади;

г) аҳолини ва давлат органларини кучли zilzilalar тўғрисида тезкор хабардор қилади;

д) бинолар ва иншоотлар ҳолатининг мониторингини электрон техник паспортлар асосида амалга оширади ҳамда сейсмик жиҳатдан заифлиги юқори бўлган бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни тегишли давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этади;

е) Фанлар академияси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳар йили 15 январга қадар электрон техник паспортлар асосида бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлар сейсмик заифлиги бўйича турларга ажратилганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўн беш кун муддатда – тегишлилиги бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларга ўзларига қарашли бино ва иншоотларни инструментал-техник текширувдан ўтказилиши тўғрисида огоҳлантириш хатини юборади.

2. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

а) Республика ҳудудида қурилаётган иморатларнинг сейсмик хавфсизлиги таъминланишда техник норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолайди ва назорат қилади;

б) сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бинолар ва иншоотларнинг, шунингдек кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига оладиган электрон техник паспортларни шакллантиради;

в) республикада қурилаётган иморатларнинг zilzilabardoшлигини таъминлаш, шунингдек, мавжудларининг zilzilabardoшлигини ошириш учун зарур чоралар кўради;

г) республикада қурилаётган объектлардаги лойиҳалар ва қурилиш сифатини сейсмик хавфсизлик бўйича меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш ва назорат қилиш, шаҳарлардаги мавжуд биноларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш, иншоотларнинг сейсмик хавфини камайтириш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқиш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

3. *Фанлар академияси:*

а) сейсмик хавфни турли масштабларда баҳолаш, сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш, зилзилаларни вақт кесимида прогноз қилиш, бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича услубиятларни ишлаб чиқади;

б) ҳудудларнинг сейсмик хавфи ва сейсмик хатарига доир ҳар хил масштабли хариталарини тузади;

в) сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлигини доимий назорат қилиш усуллари ишлаб чиқади ҳамда инструментал сейсмологик ва сейсмометрик кузатув маълумотлари асосида сув омборлари тўғонларининг динамик хоссаларини ўрганиб, уларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолайди;

г) ҳар йили 15 январга қадар – платформага киритилган электрон техник паспортлар асосида бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлар сейсмик заифлиги бўйича турларга ажратади ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига маълумот тақдим этади.

4. *Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва вазирликлар:*

а) бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлари сейсмик мустаҳкамлик бўйича инструментал-техник текширувдан ўтказилиши тўғрисида огоҳлантириш хатини олган барча вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар олти ой давомида сейсмик заиф ҳисобланган бино ва иншоотларини инструментал-техник текширувдан ўтказиш учун қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари, қурилиш соҳасидаги лойиҳалаш ташкилотлари, махсус лицензияга эга бўлган ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига мурожаат қилади ва шартнома асосида текширувдан ўтказади, шунингдек, бино ва иншоотнинг сейсмик ҳолатини мустаҳкамлаш чораларини кўради.

б) ўз тасарруфида бинолар ва иншоотлар бўлган давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар маълумотлар олинганидан кейин олти ой давомида сейсмик жиҳатдан заиф деб топилган бинолар ва иншоотларнинг инструментал-техник текшируви ўтказилишини таъминлаши ҳамда текширув натижаларига доир хулосалар асосида уларни мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриши шарт.

Янги қурилишлар бўйича *биринчидан* ер танлаш босқичида, қурилиши режалаштирилган иморат учун танланган ҳудуднинг сейсмик кўрсаткичи Ўзбекистон ҳудудининг майда масштабли сейсмик риск харитаси асосида аниқланади (*Фанлар академияси томонидан ишлаб чиқилган*). Шунингдек, ШНҚ 1.02.09-15 "Қурилиш учун муҳандислик геология изланишлари" шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида муҳандислик геология изланишлари олиб борилиб, тупроқнинг сейсмик кўрсаткичи бўйича синфи аниқланади. ҚМҚ 2.02.01-98 "Бино ва иншоотларнинг асослари" шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бўйича муҳандислик геология изланишларининг натижалари асосида асосий пойдеворнинг типлари аниқланади. Бу ишлар билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институтини ташкил этиш тўғрисида" 2006 йил 6 февралдаги 14-сон қарорига асосан Қурилиш учун муҳандислик геология изланишлари, қурилишда муҳандислик қидирувлари,

геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институтини "O'zGASHKLITI" ДУК томонидан амалга оширилади.

Иккинчидан, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш босқичида Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 23-моддасига асосан шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари зилзилага бардошлиги юзасидан мажбурий экспертизадан ўтказилади. Лойиҳа ҳужжатларининг сейсмик мустаҳкамлиги экспертизаси "Архитектор" ва "Конструктор" мутахассислари томонидан амалга оширилади. Экспертиза шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси махсус ваколатли давлат органи (Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги)нинг ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалари, бунга ваколатли бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалари, эксперт комиссиялари ва эксперт гуруҳлари, шунингдек, аккредитация қилинган юридик шахслар томонидан ўтказилади. Бугунги кунда 16 қаватгача бўлган биноларни лойиҳалаштиришда сейсмик мустаҳкамликка оид ечимлар ҚМҚ 2.01.03-19 "Сейсмик ҳудудларда қурилиш" қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида белгиланса, 16 қаватдан баланд биноларни лойиҳалаштириш – лойиҳалаш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган Махсус техник шартлар асосида белгиланади. Янги қурилиш объектларини лойиҳалаш босқичида зилзила, шамол, механик тебраниш, акселерограмм асосидаги сейсмик тебраниш ва бошқа механик таъсирларга чидамлилиги "ЛИРА" компьютер дастурий таъминоти ёрдамида моделлаштириш йўли билан ҳисоб-китоблар асосида текширилади. Лойиҳачи-конструктор ҳисоб-китоблар натижасига кўра "Ҳисобот" тайёрлайди ва у лойиҳа ҳужжатларининг "Конструктив ва ҳажмий-режавий" ечимлари қисмларини ишлаб чиқишга асос бўлади.

Шаҳарсозлик фаолияти объектларининг лойиҳа ҳужжатлари қуйидаги нормалар асосида экспертизадан ўтказилади:

- ҚМҚ 2.01.03-19 "Сейсмик ҳудудларда қурилиш";
- ШНҚ 2.01.20-16 "Сейсмик ҳудудларда транспорт иншоотлари қуриш";
- ШНҚ 2.06.11-04 "Сейсмик туманларда қурилиш. Гидротехника иншоотлари".

Учинчидан, қурилиш-монтаж ишлари босқичида техник назоратни амалга оширувчи шахс томонидан "Технадзор" иморат мустаҳкамлигини таъминловчи конструкцияларининг сифати бузиб очиш йўли билан лойиҳа ҳужжатларга мослиги текширилади ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати тўғрисидаги хулосалар тайёрланади. Ушбу хулосалар "Пудратчи", махсус лаборатория (аккредитацияга эга бўлган), техник назоратни амалга оширган шахс ва қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси вакиллари иштирокида имзоланади. Қурилишнинг бутун даврида пудрат ташкилоти томонидан шартнома асосида ёлланган махсус лаборатория томонидан ишлатилаётган цемент намуналари олиниб, лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги кузатиб борилади.

Шаҳарсозлик Кодекснинг 27-моддасига асосан қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси ўз ваколатлари доирасида:

а) бинолар ва иншоотларнинг зилзилабардошлигига таъсир қилувчи, шунингдек, фуқаро ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи конструктив қоидабузарликлар аниқланган ҳолларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туради ҳамда демонтаж ишлари амалга оширилишини талаб қилади;

б) шаҳарсозлик фаолияти объектларида бинолар ҳамда иншоотларнинг зилзилабардошлигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари, конструкциялари ҳамда буюмлари қўлланилганлиги аниқланган ҳолларда, қурилиш материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришни, реализация қилиш ҳамда қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли давлат органлари ва ташкилотларга тақдимномалар юборади.

в) қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга конструкцияларнинг айрим элементларини, узеллар ва деталларни очиш ва қайта ёпиб қўйиш, пойдеворлар остидаги тупрокни, қўлланилган қурилиш материалларини, конструкцияларини, буюмларини ҳамда муҳандислик коммуникацияларини синаш юзасидан топшириқлар беради, шунингдек, тегишли хулоса тайёрлаш учун экспертлар ва мутахассисларни жалб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 343-сон қарорига асосан, қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциялари зарурат бўлганда пудратчи ташкилотларга конструкцияларнинг алоҳида деталларини очиш, пойдевордаги ва қайта тўлдириладиган тупрокни текшириш ишларини топшириш юзасидан тегишли хулоса тайёрлаш учун аккредитацияга эга бўлган махсус лабораторияларни жалб қилиш бўйича кўрсатма беради ва улар томонидан қурилишда ишлатилган материаллар лойиҳа ҳужжатларига мослигини текширади.

Тўртинчидан, қабул қилиш ва уларни фойдаланишга топшириш босқичида қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш буюртмачи томонидан тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ тайёр бўлганда ва ижро ҳужжатлари, мувофиқлик декларацияси, бажарилган ишларнинг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати тўғрисидаги хулосалар мавжуд бўлганда амалга оширилади. Буюртмачи томонидан қурилиши тугалланган иморатлар конструкцияларининг тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси қошидаги аккредитацияга эга махсус лабораторияни жалб қилган ҳолда текширувдан ўтказилади. Текширув даврида бинонинг мустаҳкамлигини белгиловчи конструкциялар (цемент, металл маркалари, ғишт мустаҳкамлиги ва бошқ.) Склерометр КМ, Кашкарова, Физделя ва Шмидта болғалари ёрдамида ГОСТ 22690 талаблари асосида махсус приборлар ёрдамида текширилади.

Текширув якунига кўра натижалар лойиҳавий ечимлар билан солиштирилади ва мутахассислар томонидан лойиҳа ҳужжатларига мос ёки мос эмас мазмунида хулоса расмийлаштирилади.

Фойдаланишда бўлган бино ва иншоотлар эса республика ҳудудида амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжатларга асосан тартибга солинади ва фойдаланишда бўлган бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги давлат органларни томонидан қуйидаги тартибда назоратга олинади:

Фанлар академияси сейсмик хавфни турли миқёсда баҳолаш, ҳудудларни сейсмик районлаштириш, зилзилаларни муддатлар кесимида прогноз қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш, турли сейсмик хавфнинг инженер-геологик асосларини ва баҳолаш технологияларини яратиш

учун масъул ҳисобланади. Шунингдек, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 15 январга қадар – платформага киритилган электрон техник паспортлар асосида бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлар сейсмик заифлиги бўйича турларга ажратади ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига маълумот тақдим этади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бинолар ва иншоотлар ҳолатининг мониторингини электрон техник паспортлар асосида амалга оширади ҳамда сейсмик жиҳатдан заифлиги юқори бўлган бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотни тегишли давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этади. Фанлар академияси томонидан келиб тушган маълумотларни ўн беш кун муддатда – тегишлиги бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларга ўзларига қарашли бино ва иншоотларни инструментал-техник текширувдан ўтказилиши тўғрисида огоҳлантириш хатини юборади.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бинолар ва иншоотларнинг, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик жиҳатдан заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўз ичига оладиган электрон техник паспортларни шакллантиради. Республикада қурилаётган иморатларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, шунингдек, инструментал-техник текширувдан ўтказади ҳамда мавжудларининг зилзилабардошлигини ошириш учун зарур чоралар кўради.

Инструментал-техник текширувлар ШНК 1.04.01-21 "Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш ва мониторинг қилиш" шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ уч босқичда амалга оширилади:

- текширув ўтказишга тайёргарлик кўриш;
- дастлабки (визуал) текширув;
- батафсил (инструментал) текширув.

Текширув ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида иморатлар бўйича мавжуд маълумотларни тўплаш, қурилиш конструкцияларининг умумий ҳолатини аниқлаш батафсил текшириш учун иш тартиби ва ҳажмини аниқлаш (бундан кўзланган мақсад авария ҳолатини аниқлаш)дан иборат.

Дастлабки (визуал) текширув жараёнида объектнинг бутунлиги, қаватлар бўйича нуқсонли участкалари мавжудлиги, бинонинг умумий ҳолати ўрганилади. Текширилаётган иморатнинг ҳамда унинг алоҳида конструкцияларида характерли деформациялар мавжудлигига (сейсмик шовнинг ҳолати, вертикал оғишишлар, буралишлар, қийшайишлар, бузилишлар ва бошқалар) эътибор қаратилади. Авария ҳолатидаги участкалар аниқланган тақдирда шикастланиш даражаси, бунда қурилиш конструкциялари ва муҳандислик тармоқларининг техник ҳолатига дастлабки баҳо берилади. Визуал текширув мавжуд авариялар ва конструкцияларда нуқсонларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлашга имкон беради. Агарда визуал текширув натижалари масалани ҳал этишга етарли бўлмаса батафсил (инструментал) текширув ўтказилади ва текширувларни ўтказиш учун ишлар-дастури ишлаб чиқилади.

Батафсил (инструментал) текшируви жараёнида ушбу текширув объектнинг диагностикаси бўлиб, қурилиш конструкцияларининг техник ҳолатини баҳолаш учун якуний маълумот тўплашдан иборат.

Олинган маълумотлар иморатларнинг реконструкция қилишда, конструктив ечимларни танлаш учун асос бўлади. Иморатлардаги аниқланган нуқсонларга қараб комплекс ёки танлов асосида батафсил текширувлар ўтказилади. Батафсил (инструментал) текшируви ўлчов воситалари ва тегишли техник қурилмалар ёрдамида аккредитацияга эга махсус лабораториялар томонидан ўтказилади. Бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортида қурилиш майдонининг сейсмиклиги (*кадастр ҳужжатидан ёки сейсмик ҳудудлаштириш харитасидан олинади, 6, 7, 8, 9, 9**), бино ва/ёки иншоотнинг конструктив ечими (*ғиштли, темир-бетон каркасли, қўйма темир-бетон, йирик панелли, каркассиз (деворли), ҳажмий-блокли, комбинациялашган*), қаватлар сони, квартиралар ёки хоналар сони, квартира ёки хоналарнинг майдони, бино ва/ёки иншоотнинг габарит ўлчамлари, реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги (*конструкциялари мустаҳкам, конструкцияларда кучайтириш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилган, конструкцияларда кучайтириш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмаган*), бино ва/ёки иншоотнинг паспорт тўлдирилаётган кундаги ҳолати (*меъёрда, қониқарли, инструментал-техник текширувдан ўтказиш талаб этилади, мустаҳкамлаш талаб этилади, қониқарсиз, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида*) каби асосий кўрсаткичлар қайд этилиши лозим.

Якуний босқичда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва вазирликлар, бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлари сейсмик мустаҳкамлик бўйича инструментал-техник текширувдан ўтказилиши тўғрисида огоҳлантириш хатини олган барча вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар олти ой давомида сейсмик заиф ҳисобланган бино ва иншоотларини инструментал-техник текширувдан ўтказиш учун қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари, қурилиш соҳасидаги лойиҳалаш ташкилотлари, махсус лицензияга эга бўлган ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига мурожаат қилиши ва шартнома асосида текширувдан ўтказиши, шунингдек, бино ва иншоотнинг сейсмик ҳолатини мустаҳкамлаш чораларини кўриши лозим. Бугунги кунда сейсмология соҳаси олдида зилзилаларнинг вужудга келиш механизми ва табиатининг ҳамда зилзила даракчиларининг турли геодинамик жараёнларда намоён бўлишини тадқиқ қилиш механизмини такомиллаштириш, ҳудудларни макросейсмик балларда ва муҳандислик кўрсаткичларда сейсмик микроҳудудлаштириш бўйича онлайн-хариталарни ишлаб чиқиш, турли даражадаги тектоник ер ёрикларининг ўрта масштабдаги харитасини яратиш ва уларнинг сейсмик потенциалини баҳолаш, яқка тартибдаги уй-жойларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш, бино ва иншоотлар ҳамда сув омборлари тўғонларининг зилзилабардошлик даражасини доимий космик мониторинг қилиш тизимини жорий этиш, сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш юзасидан иморатларнинг мустаҳкамлигини таъминловчи конструкцияларни, материалларни даврий текшириб бориш вазифалари турибди.

Шунингдек, сейсмологик кузатувлар тармоғини янада такомиллаштириш, автоматлаштирилган комплекс-прогностик станцияларни кўпайтириш ҳисобига республика ҳудудини тўлиқ мониторинг қилиш имкониятини кенгайтириш, миллий сейсмик кузатувлар тармоғининг халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига киритилган станциялар билан доимий алоқаларини таъминлаш, сейсмик хавфни прогнозлаш жараёнини рақамлаштириш чораларини кўриш, республикада сейсмик хавф даражасини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш, аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш, республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган иншоотларнинг мониторинги натижаларига асосланиб, мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўналиши доирасида сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги масъул органлар ва ташкилотлар фаолиятини доимий мувофиқлаштириб бориш, сейсмология соҳасида илм-фан ва таълимни ривожлантириш ҳамда аҳоли ва давлат органларини зилзилада ҳаракат қилишга тайёрлаш фаолиятини тартибга солиш, республика ҳудудида қурилаётган бино ва иншоотлар, сув омборлари ва гидротехника иншоотлари зилзилабардошлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, фойдаланишда бўлган бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш юзасидан тегишли вазирлик билан биргаликда чоралар кўриш, бино ва иншоотларнинг сейсмология соҳасида техник ҳолати текшириш бўйича аккредитацияланган лабораториялар ишини мувофиқлаштириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш керак.

Бундан ташқари, қурилиш объектларининг сейсмик мустаҳкамлиги таъминлаш борасида, муҳандислик геология изланишлар ва ҳисоб-китоблар натижалари асосида, ишлаб чиқилган конструктив лойиҳавий ечимларга, қурилиш босқичида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини тақиқлаш (масалан қаватлар сони оширилишини), қурилиш ташкилотларини лицензиялаш амалиётини жорий этиш ва унинг штат бирлигида муайян иш стажига эга бўлган (5 йил) техник назоратни амалга оширувчи шахс ва иш бошқарувчи бўлишини мажбурий белгилаш, бино ва иншоотларни техник ҳолатини текшириш ваколатига эга хусусий секторга тегишли лабораторияларни тўлиқ хатловдан ўтказиш ва уларнинг масъулиятини ошириш бўйича чораларни кўриш бўйича муҳим таклифлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида" 13.09.2021 йилдаги ЎРҚ-713 Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 30 майдаги ПФ-144-сон Фармони;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон Қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида" 2020 йил 5 февралдаги ПҚ-4586-сон Қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Био ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш тўғрисида" 2021 йил 30 июндаги 405-сон Қарори.



УДК 699.8:550.34

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ МАНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ МАСАЛАЛАР

Т.ф.ф.д. (PhD) М.Р.Досчанов, А.Т.Очилов
(Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги),

Аннотация. Ушбу мақолада Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат қўйи тизими хизматларида мониторинг ва башиоратлаш тадбирларини кучайтириш ҳамда фавқулодда вазиятларда ягона ахборот бошқаруви тизимини яратиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини тадбиқ этиш орқали ҳудудларни фавқулодда ходисалардан муҳофазалаш борасида асосланган таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: мониторинг, порогнизлаш (башиоратлаш), Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат қўйи тизими (ФВДҚТ), ягона ахборот бошқаруви тизими.

Аннотация. В данной статье обоснованы предложения по усилению контрольно-прогнозной деятельности в государственной подсистеме служб по их предупреждению и действиям в чрезвычайных ситуациях, а также по защите регионов от чрезвычайных ситуаций путем применения опыта развитых стран в создании единого информационного управления. системы в аварийных ситуациях.

Ключевые слова: мониторинг, распознавание (прогнозирование), государственная подсистема их предотвращения и действий в чрезвычайных ситуациях, единая информационная система управления.

Abstract. This article substantiates proposals for strengthening control and forecasting activities in the state subsystem of services for their prevention and actions

in emergency situations, as well as for protecting regions from emergencies by applying the experience of developed countries in creating a unified information management systems in emergency situations.

Keywords: *monitoring, porognizing (forecasting), state Subsystem for their prevention and action in emergency situations, unified information management system.*

Фавкулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат қуйи тизими (ФВДқТ) хизматларида мониторинг ва башоратлаш тадбирларини кучайтириш ҳамда фавкулодда вазиятларда ягона ахборот бошқаруви тизимини яратиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини тадбиқ этиш муаммоси долзарблиги сақланмоқда. Сўнги вақтларда дунёда ва юртимизда кузатилаётган табиий ва техноген турдаги фавкулодда вазиятлар (*Туркияда содир бўлган zilзила, Тошкент шаҳрида кучли ёмғир ёғиши оқибатида содир бўлган сел-тошқин*) таҳлили шуни кўрсатадики, Республика ФВДқТ таркибига кирувчи барча хизматларда мониторинг, таҳлил ва башоратлаш тадбирларини йўлга қўйиш ҳамда ҳудудий фавкулодда вазиятларда бошқарув маркази фаолиятини ташкил қилиш соҳада самарадорликни оширишга хизмат қилади. Инсоният тарихида турли фавкулодда вазиятларда инсонларнинг ҳалок бўлиши, ҳаёт фаолиятининг бузилишига, халқ хўжалигига жуда катта миқдорда моддий зарар етишига сабабчи бўлганлиги учун уларни кузатиб бориш ва олдини олишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида Юртимизда табиий ва техноген хусусиятли фавкулодда вазиятларни олдини олиш ва содир бўлганларини кам талофатлар билан бартараф этишни таъминлаш тизимни монитиринги ва прогнозлаш эҳтиёжини пайдо қилмоқда.

Мониторинг мавжуд ахборотлардан фойдаланиб атроф-муҳитда бўладиган антропоген эффектларни ажратиб олиш имкониятини берувчи тизимлар гуруҳига киради. Фавкулодда вазиятлар мониторинги атроф-муҳитни, халқ хўжалиги объектларини кузатувчи ва назорат қилувчи мавжуд тизимларнинг бир қисми бўлиб, уларнинг тажрибаларидан ахборот узатиш тизимларида ва ахборотларни қайта ишлаш марказларидан фойдаланган ҳолда улар асосида олиб борилади.

Республика ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 515-сон² қарорига асосан ФВДқТ таркибига кирувчи 24 та хизмат ҳамкорлигида вазирлик ва идоралар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида олиб борилади. Ўз навбатида мазкур муассасаларда ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви мониторинг ва башоратлаш тадбирлари талаб


² *lex.uz сайти / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 515-сон қарори/ сайтдан олинган вақт 25.04.2023 йил.*

даражасида ташкил қилинмаган соҳаларда фавқулодда ҳодисаларнинг такроран содир бўлишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, юқори тайёргарликдаги хизматлар (*электр, газ, ичимлик суви таъминоти, шошилиш тиббий ёрдам, автойўл, темир йўл, ҳаво йўллари, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги*)да навбатчи-диспетчерлик хизматлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, соҳавий йўналишларда фавқулодда ҳодисалар рўй берганда бошқарув ушбу хизматлар томонидан олиб борилади. Фавқулодда ҳодисалар рўй берадиган аксарият ҳолатларда хизматлар ўртасида тезкор ахборот алмашинувининг йўлга қўйилмаганлиги уларнинг оқибатларини қисқа муддатларда бартараф этишда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Масалан, Тошкент вилояти мисолида, 2010-2022 йиллар давомида рўй берган йўл-транспорт ҳодисалари, ёнғинлар, бино-иншоотлар кулаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг 40-60% воқеа рўй берган жойга соҳага тааллуқли хизматларнинг тўлиқ жалб қилинмаганлиги, аҳоли жабрланиши ва ўлими билан боғлиқ ҳолатларнинг ўсиши ва зарар миқдорининг кўпайишига сабаб бўлган. Охириги вақтларда оммавий ахборот воситаларида бот-бот “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм”, “Ақлли шаҳар” деган ибораларни эшитиш пмиз, буларнинг ортида замонавий Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш турганлиги барчамизга кундек равшан. Бугунги ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган замонда ҳар қандай тизимда улардан иложи бориши самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш доирасида Тошкент шаҳрида содир бўлган барча жиноятлар, ёнғинлар, фавқулодда вазиятлар ва шошилиш воқеалар тўғрисидаги хабарларни олиш ва қайд этиш учун автоматлаштирилган ахборот тизимига бирлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу орқали халқимизга шошилиш хизматларни чақириш учун 101, 102, 103, 104, 1050 ва бошқа хизматлар телефон рақамлари ўрнига, ягона 112 рақами жорий этилиши режалаштирилган (1-расм).



1-расм. Тезкор хизматларни ягона рақамга бириктириш схемаси

2019 йилдан 2023 йилгача лойиҳа, вилоят марказлари ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларни қамраб олгунча давом этади. Шундан сўнг республикада

барча мониторинг ва огоҳлантириш тизимлари ягона комплексга бирлашган якуний босқич бошланади. 112 қисқа рақами дунёнинг аксарият ривожланган мамлакатларида фавқулодда вазиятларда қўнғироқ қилиш керак бўлган ягона телефон рақамидир. Тарихга назар ташласак ушбу рақамлар биринчи бўлиб Швеция ташаббуси билан ва Европа Кенгашининг 1991 йил 29 июлдаги қарори туфайли пайдо бўлган.

112 рақамининг асосий вазифаси – ёнғин, табиий офат ва ёрдамга муҳтож бўлганларга ўз вақтида ёрдам кўрсатишдан иборат.

Бунда ҳар қандай фавқулодда вазият содир бўлган ҳолатларда 112 қисқа рақамга қўнғироқ қилинади. Бу барча операторларнинг мобил алоқа тизимлари учун ягона рақам ҳисобланади. Уяли алоқа воситаларидан қўнғироқ бепул, хатто уяли алоқа воситаси ҳисобида маблағ бўлмаган тақдирда ҳам қўнғироқни амалга ошириш имкони мавжуд яратилади.

Бу борада ривожланган мамлакатлар, хусусан Россия Федерациясида мамлакат тизимида фавқулодда вазиятлар мониторинги ва башоратлаш тадбирларини мувофиқлаштириш “Антистихия” мониторинг ва башоратлаш маркази томонидан олиб борилади. Марказ вазирлик, идораларда ва миллий фавқулодда вазиятларда бошқарув марказида мониторинг, таҳлил ва башоратлаш бўйича олиб бориладиган ишлар юзасидан тақдим этилган маълумотларни тўплаб, таҳлил қилади ҳамда қисқа ва ўрта муддатли башоратномалар тайёрлайди. Башоратномалар асосида профилактик чора-тадбирлар белгиланиб, амалий тадбирлар олиб борилади.

Шунингдек, Россия Федерацияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таркибида миллий фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази ташкил қилинган бўлиб, марказ жойлардаги ҳудудий марказлар орқали муайян ҳудудда содир бўлган барча турдаги фавқулодда ҳодисалар бўйича маълумотларни 112-рақамли ягона навбатчилик хизматига қабул қилади. Ушбу маълумотлар тури ва таснифига кўра тааллуқли хизматларга етказилиб, бу орқали ҳар бир ҳодиса оқибатларини қисқа муддатда бартараф этилишига эришилади. Бу турдаги ягона навбатчилик хизматлари АҚШ (911) ва Корея Республикаси(119)да ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Америка Қўшма Штатларида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича федерал агентлик (FEMA) зиммасига юклатилган. Ички хавфсизлик вазирлиги таркибидаги мазкур агентликга фавқулодда вазиятлар бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган бўлиб, маҳаллий ҳокимиятлар (штат) кучи билан ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш имкони бўлмаганда мамлакат раҳбарининг топшириғига асосан FEMA муҳофаза тадбирларига жалб қилинади. АҚШда фавқулодда ҳодисалар мониторингини юритиш, таҳлил қилиш ва башоратлаш тадбирларини олиб боришда замонавий ахборот технологиялари кенг жалб қилинган. Хусусан, фавқулодда ҳодисалар (йўл-транспорт ҳодисалари, террорчилик хуружлари ва б.) рўй бериш эҳтимоли юқори бўлган автомобиль йўлари, аҳоли кўп тўпланадиган жойлар, сел ва кўчки рўй бериш хавфи мавжуд

худудларда ўрнатилган кузатув камералари ёрдамида реал вақтда назорат олиб бориш имконияти йўлга қўйилган. Бу борадаги тадбирлар Жанубий Корея ва Японияда ҳам жорий қилинган. Хулоса қилиб айтганда, аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини самарали олиб боришда вилоят ФВДқТнинг мониторинг ва башоратлаш тадбирларини кучайтириш ҳамда фавқулодда вазиятларда ягона ахборот бошқаруви тизимини яратиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини тадбиқ этиш муаммоси долзарблиги сақланмоқда. Шу муносабат билан, Ўзбекистонда аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидагилар тавсия қилинади:

- юртимизда ФВДқТ таркибидаги хизматлар раҳбарлар таркиби ва масъул ходимларининг мониторинг, таҳлил ва башоратлаш тадбирларини олиб бориш бўйича малакасини оширишга қаратилган ўқув курсларини ташкил қилиш;
- республика ФВДқТ таркибидаги барча хизматларда мониторинг, таҳлил ва башоратлаш тадбирларини тизимли равишда олиб борилишини йўлга қўйиш;
- ҳозирги вақтда кўп миқдорда фавқулодда ҳодисалар қайд этиладиган соҳаларда замонавий ахборот технологияларини тадбиқ этиш (кузатув камералари ва GPS мосламаларини ўрнатиш, ягона ахборот марказини ташкил қилиб, марказга хизматлар навбатчилик қисмларини улаш) чораларини кўриш;
- худудий марказлар орқали муайян худудда содир бўлган барча турдаги фавқулодда ҳодисалар бўйича маълумотларни 112-рақамли ягона навбатчилик хизматига қабул қилиш тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki/911>.
2. <https://50.mchs.gov.ru/deyatelnost/poleznaya-informaciya/rekomendacii-naseleniyu/sistema-112>.
3. Борзенкова Е.Н., Калач А.В., Облиенко А.В. Особенности функционирования «Системы-112» на территории Российской Федерации, странах Евросоюза и США.



ТОҒ-КОН САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ХАВФ-ХАТАРЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Т.ф.д. (DSc), профессор Б.Т.Ибрагимов (ФВВ Академияси),

Т.ф.д.(DSc), доцент Р.Р.Нурмаматова

*(Камбагалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
ходимларининг малакасини ошириш маркази),*

Т.ф.ф.д. (PhD) А.А.Бобоев

(Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети)

Аннотация. Ҳозирги замонда технологик ўзгаришларнинг глобал динамикаси тоғ-кон саноатида хавфни баҳолаш ва таҳлил қилишда замонавий ёндашувларга эҳтиёж туздиради. Тоғ-кон саноатида техник тизимларни таҳлил қилиш ва бошқариш уларнинг ишлаш сифатининг асосий омили бўлса, хавфларни таҳлил қилиш асосида ишончлик, хавфсизлик ва техник хизмат кўрсатишни бошқариш тизимнинг самарадорлигини оширади. Тоғ-кон саноати корхоналарининг хавф-хатарларини баҳолаш методологияси ва хавфларни таҳлил қилишда оптимал ечимларни танлаш, хавф-хатарларнинг олдини олади, мавжуд хавфларни камайтиради.

Калим сўзлар: хавф, хатар, мониторинг, тоғ-кон саноати, детерминант, эҳтимоллик модели, хатарларни идентификациялаш.

Аннотация. Сегодня глобальная динамика технологических изменений требует современных подходов к оценке и анализу рисков в горнодобывающей отрасли. В горнодобывающей промышленности анализ и управление техническими системами является основным фактором качества их работы, а управление надежностью, безопасностью и техническим обслуживанием на основе анализа рисков повышает эффективность системы. Методика оценки рисков горнодобывающих предприятий и выбор оптимальных решений при анализе рисков предотвращают риски, снижают существующие риски.

Ключевые слова: риск, опасность, мониторинг, горнодобывающая промышленность, определитель, вероятностная модель, идентификация опасности.


Abstract. Today, the global dynamics of technological changes require modern approaches to assessing and analyzing risks in the mining industry. In the mining industry, the analysis and control of technical systems is a major factor in the quality of their operation, and risk-based management of reliability, safety and maintenance improves system efficiency. The methodology for assessing the risks of mining enterprises and choosing optimal solutions when analyzing risks prevent risks and reduce existing risks.

Key words: risk, danger, monitoring, mining industry, determinant, probabilistic model, hazard identification.

Хозирги кунда тоғ-кон саноатида хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолашни тезкор амалга ошириш зарурияти пайдо бўлган. Тадқиқотда тоғ-кон саноатидаги баъзи асосий жараёнларда техник жиҳат хавфини таҳлил қилиш бўйича замонавий, стандартлаштирилган жаҳон тенденцияларини (моделлари ва усулларини) кузатиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ёндашувлар ва такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилади. Хавф-хатарни баҳолаш - бу инсон саломатлиги, мулки ёки атроф-муҳит учун таҳлил қилинадиган хавф даражасини аниқлаш учун ишлатиладиган жараёндир. Хатарларни баҳолаш частота таҳлилини ўз ичига олади.

Техноген хатарларни баҳолаш усуллари статистик маълумотларга ва эҳтимоллик назарияси усулларини қўллашга асосланган. Хавфли ҳодисаларни башоратлаш учун детермининалланган ва эҳтимоллик моделлар қўлланилади. Детерминилланган моделда зарар етказувчи омилнинг салбий таъсирининг маълум миқдори одамларга ва моддий ресурсларга зарар етказишнинг ўзига хос даражасига тўғри келади. Хатарларнинг таҳлилини ўтказиш жараёнини блок-схема кўринишида тақдим этилади (1-расм). Ушбу диаграммадан кўриниб турибдики, баҳолаш жараёни уч босқичдан иборат: масаланинг қўйилиши, хатарларни таҳлил қилиш ва тавсифлаш ҳамда хатарларни бошқариш.


Хавф-хатарларни эмпирик тавсифлаш жараёнида модданинг максимал эҳтимолий оқими схемасини ўрганиш, у ёки бошқа ифлослантирувчи моддаларнинг эҳтимолий таъсирининг географик чегараларини аниқлашни ўз ичига олади. Хавф-хатарни тавсифлаш жараёни токсик таъсирларнинг интенсивлиги ва аҳамиятини, уларнинг ўзгарувчанлигини ёки ўзгармаслигини таҳлил қилади.



1-расм. Хавф-хатарларни таҳлил қилиш блок-схемаси.

Хавф-хатарни бошқариш жараёни хавфни камайтириш чораларини танлаш ва қўллашни ўз ичига олади. Агар олдинги даврларда олинган таъсирлар қониқарсиз ёки ишончсиз бўлиб чиқса, унда эмпирик хатарни баҳолаш босқичидан итерация жараёнидан фойдаланиш керак бўлади, яъни, экологик хавфларни баҳолаш мониторингини такрорлаш зарурдир (2-расм). Ҳозирги вақтда дунёда профессионал хатарлар ва атроф-муҳит учун хатарларни баҳолаш тартиб-қоидаларини тартибга солувчи кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва ҳаёт айланиш жараёнининг турли босқичларида, саноат объектларининг ишлаши шароитида одамлар ва ҳаётнинг таркибий қисмларига таъсир кўрсатадиган хавфлар мониторинги технологиялари яратилди.

2018 йилда ISO 45001:2018 “Соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлиги менежмент тизими” халқаро стандарти ишлаб чиқилди. Ушбу стандарт ISO 9001: 2015 “Сифат менежменти тизими” ва ISO 14001: 2015 “Атроф-муҳитни бошқариш тизими” стандартларига ўхшаш тарзда тузилган. Бу саноат корхоналарига концепцияси ва жараён ёндашуви асосида интеграциялашган бошқарув тизимини яратиш имконини беради (режалаштириш-текшириш-ҳаракат қилиш - РТХҚ). Стандартга мувофиқ ҳар бир корхонада қуйидаги асосий қоидалар амалга оширилиши керак: хатарларни идентификация қилиш, хатарларни баҳолаш ва хатарларни камайтириш ҳамда имкониятларни амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш; ишчилар ва фуқароларнинг эҳтиёжлари талабларини тушуниш ва ҳисобга олиш; тизимнинг самарадорлиги ва натижасини доимий мониторинг қилиш; тузатиш чораларини ишлаб чиқиш ва жараёнларни такомиллаштириш. OHSAS 18001 стандарти бўйича сертификатланган ташкилотлар 3 йил ичида янги стандарт бўйича сертификатлаштиришга ўтишлари мумкин.



2-расм. Хавфларни бошқариш жараёни модели.

Хатарлар – фаолиятда кутилаётган муаммолар даражаси, инсон ҳаёти ва соғлигининг нормал ҳолатига таъсир қилиши мумкин бўлган хатарлар, қоида тариқасида, моддий йўқотишларга олиб келадиган ҳодисалар.

Хатарларнинг ўзи хавфли, тўсатдан ва кенг қўламли бўлиб, бу дарҳол хатарларни йўқ қилиш ёки оқибатларини минималлаштириш нуқтаи назаридан жавоб беришни талаб қилади. Хатарлар – инсон фаолиятида хавфларни амалга ошириш натижаларининг тасдиқланган миқдорий статистик кўрсаткичи.

Техносферага хавф-хатарга асосланган ёндашув пайдо бўлиши билан "хатар" сўзи салбий ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини баҳолаш контекстида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Хатар хавфларни амалга оширишнинг миқдорий тавсифи билан аниқланади. Ходимларнинг меҳнатга лаёқатсизлигидан ёки бахтсиз ҳодисалар натижасида иқтисодий йўқотишлардан қўрилган зарарнинг частотаси ва даражасидан келиб чиқиб, меҳнат шароитларининг мослигини, иқтисодий зарарни аниқлаш учун хатар тушунчасидан фойдаланиш жуда қулайдир. Техник тизимларни назорат қилиш ва диагностика илмий-тадқиқот институти мутахассислари ГОСТ 51901-2002 да қайд этилган “Ишончилиликни бошқариш. Хавф таҳлили технологик тизимлари” хавфни баҳолаш усулини ишлаб чиқдилар. Ушбу усул хатарни таҳлил қилиш алгоритми бўлиб, бу алгоритм амалга оширишнинг якуний натижаси маълум бир хатарни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни ва уларнинг эҳтимолини аниқлайди. Бу усулда нохуш оқибатлар, яъни, одамларнинг ҳаёти ва соғлигига, мулкига ва атроф-муҳитга етказилган зарарлар кўриб ўтилади.

Хатарларни баҳолашда хилма-хил усуллар мавжуд, аммо ҳар қандай усулларда ҳаракатлар алгоритмини яратиш модели тахминан бир хил:

- бевосита тадқиқот объектини аниқлаш;
- объект учун ҳужжатларни ўрганиш орқали унинг хавфлилиги нуқтаи назаридан тадқиқот объектининг хусусиятлари;
- текширилаётган объектнинг бир хил тури бўйича бахтсиз ҳодисалар, ёнгин хавфи ва бошқалар бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилиш;
- тўпланган маълумотларни бирламчи таҳлил қилиш;
- тадқиқот объектида амалга ошириш имконияти билан потенциал хавфларнинг барча турларини аниқлаш;
- тадқиқот объекти учун потенциал хавфлар рўйхатини яратиш.

Муайян объект учун танланган тадқиқот усули қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак: усул ва объектнинг илмий асослилиги ва мантикий нисбати; тўлиқ самарадорлик, яъни тадқиқот объекти учун энг мос ва тушунарли шаклда натижаларни олиш қобилияти; ҳар қандай усул текшириш орқали тасдиқланиши керак.

Қуйидаги усуллар мавжуд:

1. Текшириш варақаси усуллари, бузилишлар турлари ва оқибатларини таҳлил қилиш.
2. Хавфларни тартиблаш ва саноат объектининг хатарлар даражасини аниқлаш.
3. Иш қобилияти ва хатарларни мониторинг қилиш.
4. Бузилишлар ва ҳодисалар структурасини таҳлил қилиш.
5. Ҳодисаларнинг эҳтимоллик усули.

Хатарларни баҳолаш усуллари таҳлил қилиш учун алоҳида восита сифатида ҳам, бир тадқиқот усулларнинг мажмуаси шаклида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Шунинг учун усуллар миқдорий хатар мезонларини ва хатарни тўлиқ миқдорий таҳлил қилиш барча кўрсатилган усулларни ўз ичига олади.

Хатарни баҳолаш натижасида хавфларнинг маълум бир ҳолатда ривожланиш лойиҳалари рўйхати шакллантирилади, оқибатлар эса, ўз навбатида намоён бўлиш частотаси ва оғирлик даражаси каби хусусиятларга эга бўлади.

Тоғ-кон саноатида ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хатарни баҳолаш ва бошқаришнинг энг мақбул ва оқилона усулларини қўллашга алоҳида этибор берилади. Бундан ташқари тоғ-кон саноатида қазиб олиш ва қайта ишлашда экологик хавфларнинг атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш, аҳоли саломатлиги учун муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. СанПин № 0196-064. Перечень утвержденных санитарных норм, правил и гигиенических нормативов (СанПиН) Республики Узбекистан.
2. Музафаров А.М., Бобоев А.А. "Радиоэкологические факторы и методы их определения в урановых техногенных объектах" XXI век. Техносферная безопасность, vol. 5, no. 3 (19), 2020, pp. 330-336.
3. Музафаров А.М., Саттаров Г.С., Кист А.А. Исследование поведения радия в технологическом процессе добычи урана // Инновационные технологии горно-металлургической отрасли. Тез. док. Рес. кон. Навои. 21 октябрь. 2011. С.227-229.
4. Тимофеева С.С, Мусаев М.Н, Ботиров Т.В Бобоев А.А Математическая модель и мониторинга загрязнения приземного слоя атмосферы горнопромышленного региона //Journal of advances in engineering technology, 2021, Vol.2(4), pp.3-9.
5. Тимко Р.Дж. и Дерик Р.Л. Методы определения состояния атмосфер шахт — обзор. J шахтное отверстие Soc S Afr 2006 г., стр. 1–9, <http://www.cdc.gov/NIOSH/Mining/UserFiles/works/pdfs/mtdtso.pdf>.
6. Тимофеева С.С. Дроздова И.В., Бобоев А.А Идентификация опасностей при добыче рудного золота в Узбекистане БЕЗОПАСНОСТЬ – 2020, Проблемы техносферной безопасности современного мира Материалы докладов XXV Всероссийской студенческой научно-практической // ISBN 978-5-8038-1494-8, ФГБОУ ВО «ИРНИТУ», 2020 конференции с международным участием, г. Иркутск, 14 – 17 апреля 2020 г., с.97-101.
7. Тимофеева С.С. Методы и технологии оценки производственных рисков: Практические работы для магистрантов по поверхности 280700 «Техносферная безопасность» Иркутск: Изд-во Иркутского государственного технического университета, 2013.177 с.
8. Тимофеева С.С. Методы и технологии оценки производственных рисков: практикум. – Иркутск : Изд-во ИрГТУ, 2014. – 178 с.



МАТЕМАТИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ ОПТИМИЗАЦИИ РАСЧЕТА ЦИЛИНДРИЧЕСКОЕ ПОКРЫТИЕ ПОДЗЕМНЫХ СООРУЖЕНИЙ

Д.т.н. С.Х. Якубов

(Институт военной авиации Республики Узбекистан),

У.Ш. Расулов, И.У.Хушбоков

(Денауский институт предпринимательства и педагогики)

Аннотация. Предложена математическая модель покрытия типа некруговой цилиндрической оболочки, подверженной давлению грунта. Показано, давление грунта зависит от формы очертания покрытия и имеет горизонтальную и вертикальную составляющие. Решен численный пример расчет покрытия, очерченного по цепной линии. Дано обоснование выгодности очертания покрытия в виде цепной по сравнению с круговой, а также сравнение результатов численного примера с результатами расчета как бесшарнирная арка в плоской постановке. Приведен численный пример применения математической модели и алгоритмы оптимизации расчета подземных сооружений.

Ключевые слова: математическая модель, грунт, цилиндрическая оболочка, подземное сооружения, Автоматизация, проектирования, оптимизация, алгоритм, строительная механика.

Аннотация. Ушбу мақолада грунт босими таъсиридаги доиравий бўлмаган цилиндрсимон қобиқ типдаги қопламанинг математик модели келтирилган. Грунт босим кучи вертикал ва горизонтал таъкил этувчиларидан таъкил топган бўлиб, унинг катталиги қобиқли қопламанинг шаклига боғлиқлиги аниқланган. Занжирсимон чизиқ бўйича қобиқли қопламанинг ҳисоби сонли усулда ечилган. Сонли усулда олинган натижалар билан текисликдаги шарнирсиз арка типдаги қопламалар ҳисоби билан таққосланган, шу йўл билан доиравий шаклга нисбатан занжирсимон чизиқ кўринишидаги қобиқли қопламанинг афзаллиги асосланган. Ер ости иншоотларини ҳисоблашда математик моделлар ва оптималлаштириш алгоритмларини қўллашга доир сонли мисол келтирилган.

Калим сўзлар: математик модель, грунт цилиндрик қобиқ, ер ости иншоотлари, Автоматизация, лойиҳалаш, оптималлаштириш, алгоритм, қурилиш механикаси.

Abstract: Is offered mathematical model of the covering the type cylindrical shell, subject to pressure of the soil. It is shown, pressure of the soil depends on the forms of the outline of the covering and has horizontal and vertical forming is solved numerical example calculation covering outlined on chain line. Motivation outlines of the covering is given in the number of chain line in contrast with circular, as well as comparison result numerical example with result of the calculation of the covering as

arch in flat production. It is brought numerical example of the using to mathematical model and algorithms to optimization of the calculation of the underground buildings.

Keywords: *mathematical model, soil, cylindrical shell, underground buildings, automation, designing, optimization, algorithm, building mechanincs.*

Общеизвестно ролы и место автоматизации в проектном деле. Автоматизация процесса проектирования позволяет повысить производительности инженерного труда, освобождает его от рутинного и однообразного вычислительного процесса. Достижения современных информационных технологий позволяют полностью автоматизировать весь цикл проектных работ, начиная с проектного задания кончая полностью готовых проектно-технического документаций. К настоящему времени накоплен большой опыт по созданию систем автоматизированного проектирования в различных отраслях народного хозяйства, инженерных конструкций и сооружений в частности, опубликованы огромное число статей, монографий, учебников и учебных пособий. Создано большое число ППП, которые в той или иной степеней решают отдельные и совокупности задач проектирования. Но, несмотря на это САПР в области проектирования с оптимизаций до конца еще не решена [1-3,5-7].

Математическая модель и алгоритмы оптимизация расчета. При постановке оптимизационных задач в области проектирования инженерных конструкций и сооружений можно встретить двоякое истолкование (понимание) системного анализа (подхода): с одной стороны – это анализ любой реально существующей системы; с другой – формирование параметров системы для достижения поставленных целей. В реальных условиях эти две стороны неразрывны, поскольку нельзя создать систему, обеспечивающую поставленные цели, без анализа содержания и определения реальных процессов, которые приведут к желаемому результату[1-3,5-7].

Как известно, цилиндрическое покрытие подземных сооружений типа оболочки может быть очерчено по дуге окружности, параболы, синусоиды, цепной линии и др. Круговая форма покрытия имеет преимущество в смысле простоты расчета и возведения, но по несущей способности эта форма очертания является нерациональной.

Рациональность очертания цилиндрической оболочки связана с переменностью кривизны. Сравнительно выгодным очертанием является цепная линия, уравнение которой в безразмерных координатах (рис. 1) $\xi = \frac{x}{l}$; $\eta = \frac{y}{l}$; $(-0,5 \leq \xi \leq 0,5; 0 \leq \eta \leq \eta_1)$ имеет вид

$$\eta = k \left(ch \frac{1}{2k} - 1 \right) \quad (1)$$

Где, k – параметр цепной линии, определяется из уравнения

$$\eta_1 = k(ch \frac{1}{2k} - 1) \quad (2)$$




Рис. 1. Связь между рациональностью контура цилиндрической оболочки и изменчивостью кривизны.

Преимущество цепной в качестве очертания покрытия подземных сооружений по сравнению с другой окружности установлено по следующим соображениям: при одинаковых пролетах и стреле подъёма длина дуги цепной линии меньше, чем дуги окружности. Длина дуги определена в безразмерных координатах ξ , η по известным формулам: $S_1 = ksh \frac{1}{2k}$, $S_2 = \rho \arcsin \frac{1}{2\rho}$, при этом уравнение дуги окружности взято в виде $\eta = \rho - \sqrt{\rho^2 - \xi^2}$, где S_1 – длина одной половины дуги $\rho = \frac{\eta_1}{2} + \frac{1}{8\eta_1}$.

Вертикальное давление грунта на покрытие с очертанием по цепной линии меньше, чем по дуге окружности. Давление грунта на одну половину покрытия подсчитывали по формуле [4]:

$$\frac{P}{2j} = \int_0^{s_1} (\eta_0 + \eta) ds; \quad \eta_0 = 0,2, \quad (3)$$

где $ds = ch \frac{\xi}{k} d\xi$; $ds = \frac{\rho d\xi}{\sqrt{\rho^2 + \xi^2}}$.

Результаты по обоим показателям сведены в таблицу 1. Покрытия подземных сооружений подвергается давлению насыпного грунта, причем в запас прочности грунт рассматривается несвязным.

Таблица 1

Результаты расчета						
	η	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5
S_l	Дуги окружности	0,515	0,556	0,605	0,686	0,785
	Цепная линия	0,5	0,506	0,565	0,584	0,61
$\frac{P}{2j}$	Дуги окружности	0,13	0,166	0,192	0,244	0,300
	Цепная линия	0,12	0,145	0,178	0,214	0,246

Основная сложность расчета состоит в том. Что давление грунта зависит от формы очертания покрытия и имеет горизонтальную и вертикальную составляющие (рис. 1.) [4]:

$$P_B = \bar{y}(\eta_0 + \eta); \quad P_r = P_B \cdot m, \quad m = \operatorname{tg}^2\left(45^\circ - \frac{\varphi}{2}\right). \quad (4)$$

Здесь j – вес единицы объема; φ – угол внутреннего трения грунта.

Цилиндрическая оболочка, отнесенная к криволинейным $\alpha = \frac{t}{l}$, $\beta = \frac{S}{l}$,

подвергается нормальной и касательной нагрузке по направлениям (n , v) (рис. 1) [2]:

$$q_n = P_B \cos^2 Q + P_r \sin^2 Q; \quad q_v = \frac{1}{2}(P_B - P_r) \sin 2Q. \quad (5)$$

Обозначая $\frac{d\eta}{d\xi} = u = \operatorname{tg} \theta$, для q_n , q_v получим

$$q_n = \frac{P_B}{1+u^2}(1-mu^2); \quad q_v = P_B(1-m)\frac{u}{1+u^2}. \quad (6)$$

Теперь найдем зависимости η , u и $\frac{1}{\rho}$ от координаты β для цепной линии:

очевидно, $u = \operatorname{sh} \frac{\xi}{k}$, а имея введу, что $\beta = \frac{S}{l} = k \operatorname{sh} \frac{\xi}{k}$, имеем $u = \frac{\beta}{k}$, $\eta = k(\sqrt{1+u^2} - 1)$

или $\eta = \sqrt{k^2 + \beta^2} - k$, $\rho = k(1+u^2)$. Тогда

$$\frac{1}{j} q_n = \left(\eta_0 - k + \sqrt{k^2 + \beta^2}\right) \frac{k^2 + m\beta^2}{k^2 + \beta^2}; \quad q_v = \left(\eta_0 - k + \sqrt{k^2 + \beta^2}\right) \frac{(1-m)k\beta}{k^2 + \beta^2}. \quad (7)$$

Следует констатировать тот факт, что в уравнения равновесия

цилиндрической оболочки входит не q_v , $\frac{\partial q_v}{\partial \beta}$, поэтому имеем

$$\frac{1}{j} \frac{\partial q_v}{\partial \beta} = \frac{k(1-m)}{(k^2 + \beta^2)^2} \left[(\eta_0 - k)(k^2 - \beta^2) + k\sqrt{k^2 + \beta^2} \right] \quad (8)$$

За основу расчета приняты уравнения равновесия в усилиях и моментах и условия неразрывности в безразмерных координатах:

$$\alpha = \frac{t}{l}; \beta = \frac{S}{l}; \quad l - \text{пролет } (-a \leq \alpha \leq a; -b \leq \beta \leq b) \quad [3];$$

$$\frac{\partial T_1}{\partial \alpha} + \frac{\partial S}{\partial \beta} + l q_n = 0; \quad \frac{\partial T_2}{\partial \beta} + \frac{\partial S}{\partial \alpha} + l q_v = 0;$$

$$\frac{T_2}{\rho} + \frac{\partial N_1}{\partial \alpha} + \frac{\partial N_2}{\partial \beta} + l q_n = 0; \quad (9)$$

$$\frac{\partial^2 \varepsilon_1}{\partial \beta^2} + \frac{\partial^2 \varepsilon_2}{\partial \alpha^2} - \frac{\partial^2 w}{\partial \alpha \partial \beta} + \frac{1}{l \rho} \frac{\partial^2 w}{\partial \alpha^2} = 0 \quad (10)$$

Вводим функцию напряжения φ в виде

Аннотация. Темир-бетон конструкцияларининг оловбардошлигини оширишнинг физик хоссасининг механизмини ўрганиш учун рақамли моделлаштириш усуларини такомиллаштириш баён этилган. Темир-бетон конструкцияларининг ёнганга бардошлилигини синаш вақтида қавариқланувчи химоя қатлами қалинлиги ўзгаришининг соддалаштирилган ва тахминий визуал назорат усули етарли ҳисобланади. Бугунги кунда акрил сополимерлари асосидаги полимер қопламаларнинг кимёвий қўшимчалар ҳамда фосфор, азот, бор ва металл сақлаган антипиренлардан фойдаланиш истиқболли бўлиб, ушбу турдаги бирикмалар ёнишни секинлаштирувчи синергетик таъсирни таъминлайди ва ёнганбардош материалларни ишлаб чиқаришнинг экологик хавфини камайтириш ва маҳаллийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: қоплама, полимер, газлар, фосфор, азот, бор ва металл сақлаган антипиренлар

Аннотация. Подробно описаны методы численного моделирования для исследования механизма физического свойства повышения огнестойкости железобетонных конструкций. При испытаниях железобетонных конструкций на огнестойкость достаточно упрощенного и приближенного визуального метода контроля толщины выпуклого защитного слоя. Сегодня перспективно использование полимерных покрытий на основе акриловых сополимеров с химическими добавками и антипиренами, содержащими фосфор, азот, бор и металл.

Ключевые слова: покрытие, полимер, газы, фосфор, азот, бор и металлсодержащие антипирены

Annotation. Numerical modeling methods for studying the mechanism of the physical property of increasing the fire resistance of reinforced concrete structures are described in detail. When testing reinforced concrete structures for fire resistance, a simplified and approximate visual method of monitoring the thickness of the convex protective layer is sufficient. Today, the use of polymer coatings based on acrylic copolymers with chemical additives and fire retardants containing phosphorus, nitrogen, boron and metal is promising.

Keywords: coating, polymer, gases, phosphorus, nitrogen, boron and metal-containing flame retardants

Полимер композитлар асосида олинган ёнғиндан ҳимояловчи полимер қопламалар таркиби, тузилиши инсон саломатлиги салбий таъсир кўрсатадиган турли газли заҳарли бирикмаларнинг чиқиши ҳамда ушбу полимер қопламаларнинг самарадорлиги бўйича маълумотлар таҳлил қилинди. Ўрганилаётган темир-бетон конструкцияларини ёнғин натижасида содир бўладиган иссиқликдан ҳимояловчи полимер композитли қопламалар билан ҳимоялаш механизми ва физик-кимёвий хоссалари, ёнғиндан ҳимояловчи полимер қопламаларнинг таъсир этиши ва қўллашнинг замонавий усуллари ва бу борадаги муаммолар борлиги аниқланди. Бугунги кунда акрил сополимерлари асосидаги полимер қопламаларнинг кимёвий қўшимчалар ҳамда фосфор, азот, бор ва металл сақлаган антипиренлардан фойдаланиш истиқболли бўлиб, ушбу турдаги бирикмалар ёнишни секинлаштирувчи синергетик таъсирни таъминлайди ва ёнғинбардош материалларни ишлаб чиқаришнинг экологик хавфини камайтириш ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масалаларида ҳам долзарб саналади.

Рақамли моделлаштиришга тайёргарлик босқичида масалалар ечиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотлар берилган. Координата системалари ва чекланган элементлар турлари, термофизик характеристикалар, доимий эластик ва материалларнинг физик-механик хоссалари танланди, қаттиқ ҳолатли модел ва чекланган элемент тўрлари қурилди, тенглама ва чеклашлар ўрнатилди. Ҳисоблашларни бажариш учун намуна геометрик объектларнинг гуруҳларини ифодаловчи оловга бардошли қоплама, темир-бетон плитаси, юк кўтарувчи арматура каби қатламларга бўлинди. Тадқиқотнинг ҳисоблаш маълумотларини тайёрлаш босқичида геометрик ўлчамлар, зичлик, иссиқлик ўтказувчанлик каби тузилмалар, бетон ва резбанинг иссиқлик сиғими, шунингдек, иссиқликнинг таъсир режими (“оддий” ёнғин режими) компьютерга киритилди.

Мустаҳкам моделни яратишдан сўнг ва чегара шартларини белгилашдан кейин дастур фойдаланувчининг кўрсатмасига асосан бир чекли элементлардан иборат панжарани юзага келтиради, таҳлилни амалга оширади, панжарали таниб олиш ҳисоби асосида қарор-қарор панжаранинг катталиқ ўлчамини ўзгартиради – етарли бўлган кўп маротабали текширув ҳаракатларнинг сони бажарилмагунга қадар. Геометрик модель якуний элементлар панжараси билан қоплангандан сўнг дастур автоматик равишда панжара моделининг модификациялари тўғри бажарилишини таъминлаш учун уларнинг ўзаро кесишган текширилишини таъминлайди – панжарали моделининг ташқи кўриниши ўзгаришининг тўғрилигини кафолатлаш учун.

Ёнғиннинг темир-бетон конструкциясига таъсири турғун бўлмаган жараёндир. Ностационар иссиқлик таҳлили дастур пакети томонидан тузилмадаги ҳарорат тақсмотини вақт функциясига доир кўрсаткичларни олиш ва синов намунасида иссиқлик узатиш ва тўплаш вақтида унинг оқимларини аниқлаш учун ишлатилади. Иссиқлик таъсирини ҳисоблаш материалнинг хоссаси сифатида киритиладиган солиштирма иссиқлик сиғими қай даражада қўлланаётганини билишда фойдаланилади ва у материалнинг хусусияти сифатида бу ҳисоб-китобларга киритилади.

Ечимни олгандан сўнг процессор жараёнидан кейинги босқичдан фойдаланиш мумкин бўлади ва унда ҳароратнинг тақсимланиш харитасини ва бу кўрсаткичларни ҳар қандай маълумотлар жадвали ёки график кўринишида чиқариш имкониятини юзага келтиради, масалан, ностационар жараёнлардаги ҳарорат градиентлари бўйича ҳар қандай вақт мезони учун иссиқлик оқими зичлигини аниқлаш учун маълумотларни олиш мумкин.

Бундан ташқари, моделдаги танланган нуқталари учун ҳароратнинг вақтга нисбатан тобелик даражасига оид графикларни олиш мумкин.

Шундай қилиб, рақамли моделлаштириш методи темир-бетон конструкцияларининг шиширувчи-ҳимояловчи қатламининг шаклланиш механизмини ўрганишга қаратилган бўлиб, темир-бетон плиталарининг арматурасидаги ҳароратни уларга стандарт ёнғиннинг таъсир қилиш шароитларида аниқлашга ёрдам беради, хоҳ бу плиталар оловбардош қопламага эга бўлсин ёхуд бундай қопламага эга бўлмасин.

Оловга бардошли шишувчи қопламанинг бетон юзасига ўрнашишини аниқлаш усули (пўлат дискларни нормал ҳолда ажратиш усули) муайян вақт давомида оловга чидамли қопламанинг ёпишқоқлик қийматларини кузатиш имконини беради. Адгезия – иккита ҳар хил турдаги суюқлик ёки қаттиқ жисмларнинг бир-бирига ёпишиб олишини билдиради ва бу алоқа молекуляр боғланиш асосида юзага келиб, бу икки жисм бир-бирига туташганда юзага келади. Берилган жисм ичидаги зарралар (атомлар, ионлар ва молекулалар) нинг тортилиши битишув дейилади. Ёпишқоқ қатламнинг мустаҳкамлиги битишув кучлари билан аниқланади. Боғланадиган материалларга уланиши ёпишиш (адгезия) кучларига боғлиқдир. Боғланиш натижаларига боғланган юзанинг рельефи сезиларли таъсир кўрсатади. Кўриниб турибдики, қопланадиган қопламалар нотекикликларининг тобора ўсиб бориши билан боғланиш нуқталарининг сони тобора ошиб боради, бу эса ёпишиш даражасини янада мустаҳкам бўлишига олиб келади. Шу муносабат билан адгезиянинг иккита тури тўғрисида гапирилади: ўзига хос ва асл адгезия ҳамда у молекуляр даражада адгезивлаштирувчи ва адгезия таъсирига тушувчи кучларнинг бир-бирига уланиш кучи сифатида намоён бўлади ҳамда гап механик адгезия тўғрисида боради ва унинг мазмуни шундан иборатки, адгезив ёпишадиган материалнинг ковакчаларига кириб ва уларда қотиб механик понасимон боғланишни юзага келтиради. Биринчи тури субстрат юзаларини зич ва умуман силлиқ бўлган юзаларини ёпиштирганда намоён бўлади, бу эса бизнинг мавзуимизга нисбатан долзарблик аҳамиятига эга эмас, чунки бу бетон юзасининг ғадир-будурлиги билан изоҳланади. Иккинчи тури эса серковак юзаларда намоён бўлади. Бу назарияга кўра, елимлашда елим билан боғланадиган материал юзаси орасида тикан ёки парчинсимон бирикма каби механик боғланиш ҳосил бўлади. Ғовак материалларни боғлашда адгезиянинг бу тури устунлик қилади ва бетонни боғлашда кенг тарқалган. Елимлаш мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи кўпгина омиллар борлигини инобатга олиб ҳозирча ягона адгезия назарияси яратилмаган. Шунинг учун елим кучи пайвандланадиган намуналарни синдириш, бураш ёки кесиш орқали экспериментал аниқланади.

Қоплама ва бетон юзалари ўртасидаги ёпишиш кучларининг уланиши ҳар хил омиллар билан белгиланади: бир-бирига таъсир этувчи жисмларнинг табиати билан; юзаликнинг бирламчи майдонида жойлашган контакт нуқталарининг сони билан; контакт нуқталарининг ўртасидаги масофаси билан; контакт майдони билан; контактга тушган юзаларнинг диэлектрик ўтказувчанлигини таърифловчи муҳитнинг таърифи билан; ташқи таъсир этиш омиллари билан; ҳарорат, босим билан белгиланади. Адгезиянинг моҳиятларини аниқлашнинг бир нечта методлари фан томонидан қўлланмоқда, яъни сиқиш натижасида юзага келган силжиш, чўзиш натижасидаги силжиш, арқон эшиш оқибатидаги силжиш, бир маромдаги узилиш, бурилиш ва ҳоказо. Шуни ҳам қўшимча сифатида таъкидлаш зарурки, юқоридаги методлар синовдаги материалнинг иккита бир-бирига ёпиштирилган жисмлари учун қўлланади, бизнинг тадқиқотимизда эса қоплама қўлланади, унинг бир юзаси бетон билан алоқа қилса, бошқа юзаси эса атмосфера билан контаклашади.

Соф кўринишдаги асл адгезияни фақатгина нормал ҳолда этни узувчи куч ёрдамида тасаввур қилиш мумкин ва у нормал тарангликни юзага келтиради. Адгезиянинг кесими энг юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, унинг кучи нормал ва тангенталь тарангликларга боғланган, шу билан бирга, охиргилари устувор аҳамиятга эга бўладилар. Юпқа қатламлар учун адгезияни аниқлаш методи мавжуд бўлиб, уларни панжарали кесимлар асосида қўллашади, аммо бу метод бизнинг ҳолатимизда ишончли маълумотларни танлаш имкониятига эга эмас, негаки бетон конструкциясининг юзаси, чунончи, унинг металл юзасига қараганда бир хил бўлмайди, чунки тўлдирувчининг ўзида чиғаноқлар, нотекисликлар, туртиб чиққан ёки бўртиқ жойлар ва қопламанинг қалинлик сатҳларининг фарқлари билан таърифланади.

Шунинг учун ГОСТ 28089, 28574, 27325, 17460 асосида акрил сополимерлари асосида ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларнинг маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан янги таркибли полимер композитларининг бетон намуналари сиртига ёпишқоқлигини ўлчаш учун диаметри 25 мм бўлган пўлат цилиндрларни нормал ажратиш усули танланган эди. Б 60 синфига мансуб бетон намуналарига қалинлиги 0,5 мм бўлган оловга бардошли қоплама ётқизилди ва бу жараён қатламларни қатламларга ётқизиш асосида амалга оширилди ва нормал шароитларда уларнинг тўлиқ қотишига эришилди.

Қотган ва ётқизилган қопламанинг қалинлиги ўлчов натижалари бўйича 2+0,05 мм га тенг бўлди. Ўлчовларни амалга оширишдан аввал металл цилиндрлар пойдеворининг идеал ҳолда туташishi ва контакт нуқталарининг максимал ҳолда кўп бўлишини таъминлаш учун қопламанинг юзаси тайёрланди ва унга кумқоғоз билан ишлов берилди.

Кейинчалик металл цилиндрларнинг пойдеворига ёпишқоқ таркиб ётқизилди ва уни қўллаш бўйича мавжуд йўриқнома асосида кубнинг ҳар бир қиррасида жойлашган оловга бардошли қатлам билан ёпиштирилди. Оловбардош қопламага эга бўлган намуналарни кўргазмага қўйишди ва бу жараён бир йил давомида амалга оширилди, дарвоқе, ҳар чоракда улар ичидан адгезияни аниқлаш учун бир куб олинди. Металл цилиндрларни оловбардош

юзаликка ёпиштиргандан сўнг елим таркибининг куриш вақти 2 суткага тенг бўлиб, бу жараён 20+5 °C да амалга оширилди. Мазкур вақт ўтганидан сўнг ПСО–1 МГ4 мосламаси ёрдамида диаметри 25 мм бўлган пўлат дискларни нормал узиш учун қандай куч сарфлаш лозимлиги ўлчанди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ГОСТ 9070–75 Вискозиметры для определения условной вязкости лакокрасочных материалов технические условия издание официальное е издательство стандартов москва.;
2. Жуков, В.В. Основы стойкости бетона при действии повышенных и высоких температур [Текст]: дис. ... д-р. техн. наук 05.23.05/Жуков Владимир Васильевич; Научноисследовательский институт бетона и железобетона – Москва, 1981. – 437 с.
3. Алексеев, С.Н. Долговечность железобетона в агрессивных средах [Текст] / Алексеев С.Н., Иванов Ф.М., С. Модры, П. Шисль. М.: Стройиздат 1990. – 144 с.
4. Линченко, Ю. П. Совместная работа арматуры с бетоном после пожара [Текст] : дис. ... канд. техн. наук: 05.23.01/ Линченко Юрий Петрович; Научно–исследовательский институт бетона и железобетона – Москва, 1989. – 164 с.
5. Жуков, В.В. Основы стойкости бетона при действии повышенных и высоких температур [Текст]: дис. ... д-р. техн. наук 05.23.05/Жуков Владимир Васильевич; Научноисследовательский институт бетона и железобетона – Москва, 1981. – 437 с.
6. Рекомендации по защите бетонных и железобетонных конструкций от хрупкого разрушения при пожаре [Текст]. – Введ. 01.01.1979. М.: Стройиздат 1979г.



ISHLAB CHIQARISHDAGI BAXTSIZ HODISALARNING STATISTIK TAHLILI, SABABLARI VA BARTARAF ETISH USULLARI

*P.f.d., professor M.M.Xolmuxamedov (Mehnat bozori tadqiqotlari instituti),
B.A.Begmatov (Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi)*

Annotatsiya. Mamlakatimizda mehnat sharoitlarini yaratish, mehnatning huquqiy asoslarini takomillashtirish borasida ko‘rilayotgan chora-tadbirlar fuqarolarning huquq hamda manfaatlarini muhofaza etishda muhim omil bo‘lmoqda. Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni sabablarini tahlil qilish va ularni bartaraf etish bo‘yicha tegishli chora tadbirlarni belgilash xodimlarni hayoti va sog‘lig‘ini saqlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Kalit so‘zlar: Baxtsiz xodisa, mehnatni muhofaza qilish, chora-tadbir, tahlil.

Abstract. The measures taken in our country to create working conditions and improve the legal basis of labor are an important factor in protecting the rights and interests of citizens. Analyzing the causes of accidents in production and determining appropriate measures to eliminate them is of great importance in protecting the life and health of employees.


Key words: Accident, labor protection, measures, analysis.

Аннотация. Принимаемые в нашей стране меры по созданию условий труда и совершенствованию правовой базы труда являются важным фактором защиты прав и интересов граждан. Анализ причин несчастных случаев на производстве и определение соответствующих мер по их устранению имеет большое значение в защите жизни и здоровья работников.

Ключевые слова: Несчастный случай, охрана труда, меры, анализ.

Bugungi kunda qaysi sohada bo‘lmasin inson hayoti va uning qadr-qimmati har narsadan ustun ekanligiga aloxida e‘tibor qaratib kelinmoqda. Bu esa, avvalo, ish joylarida yaratilayotgan munosib mehnat sharoitlari bilan ham bog‘liqdir. Ayniqsa, ishlab chiqarish tarmoqlari, sanoat korxonalari va qurilish-montaj ishlari olib borilayotgan hududlarda mehnatni muhofaza qilish va xavfsizlik texnikasi qoidalariga hamda sanitariya-gigienik talablarga rioya etish o‘ta muhim hisoblanadi. Afsuski, o‘tkazilgan ilmiy-tadqiqotlar va tahlillar natijalari shuni ko‘rsatmoqdaki korxona va tashkilotlarda, shuningdek hududlarda bu borada jiddiy kamchiliklar mavjudligini ko‘rsatmoqda. O‘tkazilgan tahlillar va tadqiqotlar natijalari shuni ko‘rsatmoqdaki, ayrim korxona va tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish talablariga e‘tiborsizlik va xodimlarga xavfsiz mehnat sharoitlari yaratilmaganligi natijasida ishlab chiqarish bilan bog‘liq holdagi baxtsiz hodisalar soni ko‘payib borayotganligi kuzatilmoqda. Xususan, 2021-yilda Respublika bo‘yicha hisobga olingan baxtsiz hodisalar soni 810 tani tashkil etgan bo‘lsa, 2022-yilda 2021-yilga nisbatan baxtsiz hodisalar soni 45 taga ko‘payib 855 tani tashkil etgan. 2023-yilga kelib ishlab chiqarish bilan bog‘liq holda yuz bergan baxtsiz hodisalar soni

2022-yilga nisbatan 15 taga kamayib 840 tani tashkil etgan. Guruhiiy baxtsiz hodisalar soni 2021-yilda 54 tani tashkil etgan bo'lsa, 2022-yilda 9 taga kamayib 45 tani tashkil etgan, shuningdek 2023-yilga kelib guruhiiy baxtsiz hodisalar soni 2022-yilga nisbatan 8 taga ortib 53 tani tashkil etgan. Shuningdek, oqibati o'lim bilan tugagan baxtsiz hodisalarni tahlil qiladigan bo'lsak 2021-yilda 198 ta, 2022-yilda 214 tani tashkil etib 16 taga ko'paygan, 2023-yilga kelib 2022-yilga nisbatan o'lim bilan tugagan baxtsiz hodisalar soni 1 taga kamaygan va 183 tani tashkil etgan. Bundan tashqari oqibati og'ir oqibatlar bilan tugagan baxtsiz hodisalar soni yildan-yilga ortib borayotganligi tahlillar natigasida ma'lum bo'lmoqda. Xususan, 2021-yilda 558 ta, 2022-yilda 596 ta va 2023-yilga kelib 608 ta oqibati og'ir baxtsiz hodisalar sodir bolgan. Raqamlardan ko'rish mumkinki 2023-yilda 2021-yilga nisbatan 50 taga oqibati og'ir baxtsiz hodisalar soni ortgan. Tahlillar shuni ko'rsatmoqdaki, sodir bo'layotgan baxtsiz hodisalarning sabablari xilma-xil bo'lishiga qaramay, ularni sodir bo'lishining asosiy omillari bo'lib, ish beruvchilar va xodimlar tomonidan mehnatni muhofaza qilish xavfsizlik qoidalariga amal qilinmasligi, belgilangan tartibda ish beruvchilar tomonidan nazorat o'rnatilmaganligi, xodimlar xavfsiz mehnat usullariga o'qitilmaganligi, shuningdek, ish joylari mehnat xavfsizligi va gigienasi talablariga javob bermasligi hisoblanadi (1-rasm).



1-rasm. Baxtsiz hodisalar tahlili.

Sodir bo'lgan ishlab chiqarish bilan bog'liq holda yuz bergan baxtsiz hodisalar oqibatida jabrlanganlarni tahlillariga e'tibor qaratadigan bo'lsak, 2021-yilda baxtsiz hodisalar oqibatida 238 nafar xodim vafot etgan bo'lsa, 2022-yilda 18 nafarga ortib 256 nafar xodim vafot etgan, shuningdek 2023-yilga kelib halok bo'lganlar soni 35 nafarga kamayib 221 nafarni tashkil etgan.

Bundan tashqari, ishlab chiqarish bilan bog'liq holda yuz bergan baxtsiz hodisalar oqibatida 2021-yilda 632 nafar xodim ogir tan jarohatlari olgan bo'lsa, 2022-yilga kelib ogir tan jarohatlari olganlar soni 16 nafarga ortib 648 nafarni tashkil etgan,

shuningdek 2023-yilda ogir tan jarohatlari olganlar soni 2022-yilga nisbatan 30 nafarga ortib 678 nafarni tashkil etgan.

Ishlab chiqarish bilan bog'liq holda yuz bergan baxtsiz hodisalar oqibatida engil tan jarohatlari olganlar soni 2021-yilda 37 nafarni tashkil etgan bo'lsa, 2022-yilda 19 nafar va 2023-yilga kelib 2022-yilga nisbatan 8 nafarga ortib 27 nafarni tashkil etgan (2-rasm).

Ishlab chiqarish bilan bog'liq holda yuz bergan baxtsiz hodisalarni hududlar kesimida tahlil qiladigan bo'lsak, Andijon, Jizzax, Namangan, Sirdaryo, Surxondaryo viloyatlari hamda Toshkent shahrida 2022-yilga nisbatan 2023-yilda ortganligini ko'rishimiz mumkin (2-rasm). Xususan,

➤ Andijon viloyatida 2022-yilda 37 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'lgan bo'lsa 2023-yilga kelib 27 taga ortib 64 tani tashkil etgan.

➤ Jizzax viloyatida 2022-yilda 23 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'lgan bo'lsa 2023-yilga kelib 5 taga ko'paygan va 28 tani tashkil etgan.

➤ Namangan viloyatida 2022-yilda 29 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'lgan bo'lsa 2023-yilga kelib 18 taga ko'paygan va 47 tani tashkil etgan.


➤ Sirdaryo viloyatida 2022-yilda 39 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'lgan bo'lsa 2023-yilga kelib 1 taga ko'paygan va 40 tani tashkil etgan.

➤ Surxondaryo viloyatida 2022-yilda 17 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'lgan bo'lsa 2023-yilga kelib 1 taga ko'paygan va 18 tani tashkil etgan.


➤ Toshkent shahrida 2022-yilda 216 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'lgan bo'lsa 2023-yilga kelib 16 taga ko'paygan va 232 tani tashkil etgani quyida diogrammada ko'rsatilgan.

➤ 2021-2022-yillarda sohalar kesimida ishlab chiqarish bilan bog'liq holda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalarni tahlillari shuni ko'rsatmoqdaki, transport, engil sanoat, qishloq xo'jaligi, kimyo sanoati va Navoiy kon-metallurgiya kombinatlarida baxtsiz hodisalar soni ko'paygan (3-rasm). Jumladan,

Baxtsiz hodisalar oqibatida jabrlanganlar




2-rasm. Baxtsiz hodisalar oqibatida jabrlanganlar



3-rasm. Baxtsiz hodisalar sohalari kesimida tasvirlangan.

Transport sohasida 2021-yilda jami 46 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'lgan bo'lsa 2023-yilga kelib 8 taga ortgan va 54 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'lgan. Engil sanoat sohasida baxtsiz hodisalar soni keskin ko'payganini ko'rish mumkin. Xususan ushbu sohada 2021-yilda jami 39 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'lgan bo'lsa 2023-yilda baxtsiz hodisalar soni birdaniga 34 taga ko'paygan va 73 tani tashkil etgan (4-rasm.).



4-rasm. Baxtsiz hodisalar hududlari kesimida tasvirlangan.

Shuningdek qishloq xo'jaligi sohasida 2021-yilda 18 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'lgan bo'lsa 2023-yilga kelib 10 taga ortgan va 28 tani tashkil etgan. Kimyo sanoatida 2021-yilda jami 15 ta baxtsiz hodisalar sodir bolgan bo'lsa 2023-yilda 3 taga ortib 18 tani tashkil etgan. Mamlakatimizda eng yirik sanoat korxonalaridan biri hisoblangan Navoiy kon-metallurgiya kombinatida ham baxtsiz hodisalar soni ortib borayotgani kuzatilmoqda, Jumladan ushbu kombinatda 2021-yilda jami 29 ta baxtsiz

hodisalar sodir bo'lgan bolsa 2023-yilga kelib bu ko'rsatkich 32 tani tashkil etgan va 4 taga ko'paygan. Baxtsiz hodisalar oqibatida jabrlanganlarni sohalar kesimida tahlillariga e'tibor qaratadigan bo'lsak, 2022-yilda transport sohasida 11 nafar xodim vafot etgan (2021-yilga nisbatan 5 nafarga ko'p), qishloq xo'jaligi sohasida 15 nafar xodim vafot etgan (2021-yilga nisbatan 11 taga ko'p), Olmaliq kon-metallurgiya kombinatida 2 nafar xodim vafot etgan (2021-yilga nisbatan 1 nafarga ko'paygan), Navoiy kon-metallurgiya kombinatida 9 nafar xodim vafot etgan (2021-yilga nisbatan 6 nafarga ko'p), kimyo sanoatida 8 nafar xodim vafot etgan)2021-yilga nisbatan 6 nafar ko'p), boshqa sohalarida 120 nafar xodimlar vafot etgan (2021-yilga nisbatan 16 nafarga ko'p). Shuningdek, baxtsiz hodisalar oqibatida 2022-yilda transport sohasida 46 nafar xodim og'ir tan-jarohati olga (2021-yilga nisbatan 2 nafarga ko'p), engil sanoat sohasida 44 nafar xodim og'ir tan-jaroxati olgan (2021-yilga nisbatan 7 nafarga ko'p), qishloq xo'jaligi sohasida 15 nafar xodim og'ir tan jaroxati olgan (2021-yilga nisbatan 1 nafarga ko'p), kimyo sanoatida 18 nafar xodim og'ir tan-jaroxati olgan (2021-yilga nisbatan 4 nafarga ko'p), boshqa sohalarida 518 nafar xodim og'ir tan-jaroxati olgan (2021-yilga nisbatan 260 nafarga ko'p)(1-jadval).

1-jadval.

Baxtsiz hodisalar oqibatida jabrlanganlarning 2021-2022 yillardagi umumiy soni

Baxtsiz hodisalar oqibatida jabrlanganlarning sohalar kesimida						
Tarmoq nomi	Vafot etganlar		Og'ir jaroxat olganlar		Engil jaroxat olganlar	
	2021 y	2022 y	2021 y	2022 y	2021 y	2022 y
Sog'liqni saqlash	4	0	32	16	6	5
Xalq ta'limi	4	4	16	6	1	0
Qurilish	89	73	160	141	6	2
Transport	6	11	44	46	1	1
Engil sanoat	2	4	37	44	0	0
Qishloq xo'jaligi	4	15	14	15	0	0
AGMK	1	2	5	4	0	0
NGMK	3	9	31	25	1	0
Maktabgacha ta'lim	2	0	3	4	0	0
Energetika	17	10	18	14	4	2
Kimyo sanoati	2	8	14	18	1	0
Boshqa sohalar	104	120	258	518	17	9
Jami:	238	256	632	851	37	19

Statistik ma'lumotga ko'ra bugungi kunda mamlakatimizda mehnat munosabatlari asosida 4 mln. 622 mihdan ziyod xodimlar mehnat faoliyatini olib bormoqdalar. Shundan kelib chiqib ishlab chiqarish bilan bog'liq holda yuz berayotgan baxtsiz hodisalarni xodimlar soniga taqqoslaydigan bo'lsak yiliga har 5 ming 406 nafar xodimga 1 ta baxtsiz hodisa to'g'ri kelmoqda. Bundan tashqari har kuni o'rta hisobda 2 ta baxtsiz hodisalar sodir bo'layotgan bo'lsa, buning oqibatida kuniga 2 nafar xodimlar og'ir tan-jaroxatlari olmoqda va eng achinarlisi har ikki kunda 1 nafar

xodimlar ushbu baxtsiz hodisalar oqibatida vafot etmoqda (5-rasm). Har bir baxtsiz hodisa oqibatida xodimlar turli daragadagi og'ir tan jaroxatlari olib nogiron bo'lib qolishlari yoki vafot etishlari nafaqat ma'lum bir oilaning balki, butun bir jamiyatning bugungi kundagi asosiy muammolaridan biri sifatida qaralishi lozimligi, mehnatni muhofaza qilish sohasini ilm-fan bilan uyg'unlashtirish va innovatsion texnologiyalarni joriy etish zarurati mavjudligini ko'rsatib o'tilayotgan raqamlardan anglash mumkin.



5-rasm. Ishlab chiqarish bilan bog'liq holda yuz berayotgan baxtsiz hodisalaridagi xodimlar soni.

O'tkazilgan tadqiqot va tahlillar so'ngi yillarda ishlab chiqarish bilan bog'liq holda yuz bergan baxtsiz hodisalarning ortganligining asosiy sabablari quyidagi omillar ta'siri natijasida yuz berganligini ko'rsatmoqda:

- xavfsiz mehnat usullariga o'qitilib, yo'l-yo'riqdan o'tkazilmagan shaxslarni ishga qo'yish, yo'riqnomalarga rioya etilmaslik, nazorat yo'qligi, xodimlarni majburiy tibbiy ko'rikdan o'tkazmaslik va sanitariya-maishiy sharoitlar yaratilmaganlik holatlari mavjudligi;

- qurilish sohasida ish hajmining oshishi bilan bir vaqtda texnologik jarayonning murakkablashishi, saqllovchi moslamalar va to'siqlar mavjud emasligi, shuningdek xodimlar shaxsiy himoya vositalari bilan ta'minlanmaganligi yoki ularning talab darajasida emasligi;

- loyiha hujjatlariga va ishlab chiqarish texnologik talablariga amal qilmaslik, xodimlarning mehnati noto'g'ri tashkil qilinganligi;

- ish beruvchi tomonidan mehnat muhofazasi talablari bajarilmasligi, xodimlarning mehnat muhofazasi qonunchiligidan etarlicha xabardor emasligi va shunga muvofiq o'z haq-huquqlarini talab etmasligi;

- mehnatni muhofaza qilish tadbirlariga mablag' ajratilmasligi;

- ish o'rinlarining mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiyadan o'tkazilmasligi;

- ish beruvchilar tomonidan xodimlarga xavfsiz va sog'lom mehnat sharoitlari yaratib berilmasligi, xodimlarning mehnat muhofazasiga rioya qilishi bo'yicha etarlicha nazorat o'rnatilmaganligi;

- ish beruvchilarga nisbatan javobgarlik choralarini past ekanligi va boshqa sabablar.

Mamlakarimizda bugungi kunda boshqa sohalarda bo'lgani kabi mehnatni muhofaza qilish sohasida ham etarlicha islohatlar amalga oshirilib, me'yoriy xujjatlar qabul qilinayotganiga qaramay, mehnat muhofazasiga rioya etmaslik ortidan kelib chiqayotgan baxtsiz hodisalar sonini keskin kamaytirish, ularning oldini olish, bartaraf qilish va fuqarolar uchun to'liq xavfsiz va munosib mehnat sharoitlarini yaratish masalasi bugungi kunda dolzarbligicha qolmoqda.

Shu sababli sanoat va ishlab chiqarish, qurilish va boshqa sohalar shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir davrda mehnatni muhofaza qilish sohasiga oid xalqaro tajribani doimiy ravishda o'rganib boorish, ilm-fanga asoslangan innovatsion texnologiyalarni mamlakatimizda tadbiq etish orqali ishlab chiqarishlardagi baxtsiz hodisalar va kasb kasalliklarni oldini olish, ishchi-xodimlarga sog'lom va xavfsiz mehnat sharoitlarini yaratilishida juda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mehnatni muhofaza qilish sohasidagi xorijiy tajriba

Aksariyat rivojlangan davlatlarning mehnatni muhofaza qilish sohasidagi tajribasini o'rganadigan bo'lsak, ushbu sohaga hukumat darajasida aloxida e'tibor qaratilishi, mehnatni muhofaza qilish va xavfsizlik texnikasi qoidalarini buzgan shaxslarga javobgarlik darajasi juda yuqori ekanligi, shuningdek ushbu sohani davlat tomonidan nazorati bo'yicha bir qancha samarali usullar amalga oshirilishini ko'rishimiz mumkin. Misol uchun, Buyuk Britaniyada xodimlarni mehnati va sog'lig'ini himoya qilish bo'yicha uzoq yilga mo'ljallangan strategiya qabul qilingan bo'lib, strategiyaning maqsadi, mehnatni muhofaza qilish jamiyatning asosi ekanligiga asoslanadi va ishlab chiqarishlarda baxtsiz hodisalar va kasb kasalliklarini 30% gacha kamaytirishga qaratilgan tizimli vazifalar belgilangan.

Shuningdek, Strategiyada xususiy sektor uchun sog'lom va xavfsiz ish o'rinlarining na'munasi bo'lishi kerak bo'lgan byudjet sektoriga aloxida e'tibor qaratilgan. Strategiyada belgilangan vazifalarni amalga oshirish Mehnat va pensiyalar bo'yicha departamentga bo'y sinuvchi aloxida tashkil etilgan komissiyaga yuklatilgan. Strategiyada ijtimoiy muloqot va sheriklikni rivojlantirishga (Kasaba uyushmalari, biznes uyushmalari, nodavlat tashkilotlar bilan) shuningdek, mahalliy hokimiyatlar bilan yaqin hamkorlik va sheriklik aloqalarini o'rnatishga katta e'tibor qaratilgan. Shu bilan bir qatorda, Strategiyada xodimlarga sog'lom va xavfsiz mehnat sharoitlari yaratishga qaratilgan profilaktik tadbirlarni amalga oshirishga aloxida e'tibor qaratilgan. Shuningdek, komissiyaning aloxida sayti yaratilgan bo'lib, mehnatni muhofaza qilish sohasiga oid barcha normativ huquqiy xujjatlar, tavsiyalar, sohaga oid ilg'or tajribalar, maqola va risolalar doimiy ravishda kiritib boriladi. Mehnatni muhofaza qilish sohasidagi shunga o'xshash Strategiyalar Amerika Qo'shma Shtatlari, Finlandiya va Yevropaning bir qator rivojlangan davlatlarida amaliyotga tatbiq etilib, o'z samarasini berib kelmoqda. Xususan, AQShda Strategiyada belgilangan vazifalarni amalga oshirish natijasida 5 yil ichida ishlab chiqarishlardagi baxtsiz hodisalar soni 23%ga kamayishiga erishilgan. Amerika Qo'shma Shtatlarida mehnatni muhofaza qilish sohasidagi huquqbuzarliklar to'g'risida shikoyatlarni qabul qiladigan doimiy ravishda ishlaydigan ishonch telefonlari tashkil etilgan bo'lib, shikoyat kimga va qaerdan kelib tushganligidan qat'iy nazar mehnatni muhofaza qilish bo'yicha

inspektorlar tomonidan holat yuzasidan darhol tekshiruv o'tkazish uchun (Hech qanday yozma ravishdagi buyruqlar va qo'shimcha kelishuvlarsiz) asos bo'ladi.

Shuningdek, AQShda mehnatni muhofaza qilish bo'yicha qonunchilikni buzganlik uchun keskin moliyaviy sanksiyalar qo'llaniladi. Ya'ni birinchi marta mehnatni muhofaza qilish bo'yicha qonunchilikni buzganlik uchun 250 ming dollargacha, takroriy qoida buzarlik uchun 500 ming dollargacha jarimalar qo'llaniladi. Finlandiyada mehnatni muhofaza qilish sohasida ko'p yillik muvaffaqiyatli tajribaga ega bo'lib, bugungi kunda ko'plab mamlakatlar uchun na'muna bo'lib kelmoqda. Xususan Finlandiyada mehnatni muhofaza qilish sohasida boshqaruvni tashkil etish va kasaba uyushmalari ko'magida kasbiy tavakkalchilikni boshqarish tizimini joriy etish mexanizmlari- "Nol jaroxatlar dasturi" maxsus ishlab chiqilgan. Dasturga muvofiq xodimlarning sog'lig'i uchun xavfli bo'lishi mumkin bo'lgan barcha omillar hisobga olinadi. Kasbiy xavflarni hisobga olishning rasmiylashtirilgan va standartlashtirilgan tizimi ularning extimollik darajasi va xodimning sog'lig'iga ta'siri o'rganiladi. Rossiya Federatsiyasida mehnatni muhofaza qilish sohasida aloxida tizim va tajribaga ega bo'lib, ularni samarali tajribalarini o'rganish va mamlakatimizda tadbqiq etish orqali baxtsiz hodisalar va kasb kasalliklarini oldini olshi mumkin. Xususan:

Rossiya Federatsiyasi Hukumatining 2015 yil 11 dekabrda 1346-sonli qaroriga muvofiq har yili "Butunjahon mehnatni muhofaza qilish kuni" arafasida "Butunrossiya mehnatni muhofaza qilish xaftaligi" o'tkaziladi.

Butunrossiya mehnatni muhofaza qilish xaftaligi doirasida quyidagi vazifalarni amalga oshirish belgilangan.

➤ Rossiyada doimiy ravishda ishlaydigan xalqaro munozaralar va tadqiqot maydonchalarini yaratish, ularda professional muxokamalar o'tkazish va mehnatni muhofaza qilish sohasidagi dolzarb vazifalarni hal qilish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish;

➤ barcha mintaqalarda davlat boshqaruvi organlari va ish beruvchilar hamkorlikda ish joyidagi baxtsiz hodisalar va kasb kasalliklarini oldini olishga qaratilgan tadbirlarni o'tkazish;

➤ turli tashkilotlar mutaxassislar, xorijiy ekspertlarga idoralararo hamkorlik qilish maqsadida tajriba almashish uchun sharoitlar yaratish;

➤ mehnatni muhofaza qilish sohasida ijtimoiy sheriklikni rivojlantirishning keng ko'lamli masalalari bo'yicha davlat raxbarlari, ishbilarmon doiralar va professional xamjamiyat vakillarini sheriklik bo'yicha muloqatga jalb qilish, davlat organlari vakillari, ish beruvchilar, kasaba uyushmalari vakillarining muxokamalarini o'tkazish;

➤ mehnatni muhofaza qilishni boshqarish tizimini takomillashtirish, sohaga oid qonunchilikni takomillashtirish bo'yicha takliflarni muxokama qilish, tahlil qilish va umumlashtirish. Rossiya Federatsiyasida ish joylarini mehnat sharoitlari bo'yicha maxsus baholashdan (attestatsiyadan) o'tkazishda samarali usuldan foydalaniladi, ya'ni attestatsiya natijalarini rasmiylashtirish va hisobini yuritish uchun alohida elektron dastur ishlab chiqilgan va barcha attestatsiyadan o'tkazuvchi tashkilotlar

ushbu dastur orqali attestatsiya natijalarini rasmiylashtiradi. Bu tajriba attestatsiya o'tkazuvchi tashkilotlarni vaqtini tejashga, ma'lumotlarni haqqoniyliги va shaffofligini ta'minlashga va ortiqcha xarajatlarni tejashga yordam beradi. Shuningdek, Rossiya Federatsiyasida mehnatni muhofaza qilish qonunchiligini buzgan shaxslarga bir necha turdagi ma'muriy jarimalar qo'llash tizimi mavjud. Jumladan;

- ➡ mehnat sharoitlarini maxsus baholashdan o'tkazish tartibini buzganlik uchun;
- ➡ xodimni mehnatni muhofaza qilish talablari bo'yicha o'qitish va bilimlarini sinovdan o'tkazmasdan, shuningdek dastlabki va davriy tibbiy ko'rikdan o'tkazmasdan xodimni mehnat vazifalarini bajarishga qabul qilganlik uchun;
- ➡ ishchilarni maxsus himoya vositalari bilan ta'minlamaganlik uchun;
- ➡ ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalar va kasb kasalliklaridan majburiy ijtimoiy sug'urta qilish munosabati bilan sug'urta hodisasini yashirganlik uchun.

Quyidagi vazifalarni amalga oshirish orqali ishlab chiqarish bilan bog'liq holda yu berayotgan baxtsiz hodisalar sonini kamaytirishga erishish mumkin.

Mehnatni muhofaza qilish sohasida xalqaro tajriba, ilmiy tadqiqotlar hamda o'tkazilgan tahlillar natijasida, ishlab chiqarishlardagi turli xil baxtsiz hodisalar va kasb kasalliklarini oldini olish hamda ishchilarga sog'lom va xavfsiz mehnat sharoitlarini yaratilishida, mehnat muhofazasi bo'yicha samarali natijaga erishish va bu boradagi sa'y-harakatlarni yanada maqsadli tashkil etishda quyidagi takliflarni amalga oshirish lozim bo'ladi:

birinchidan – mehnatni muhofaza qilish sohasida uzoq yilga mo'ljallangan strategiyani ishlab chiqish, strategiyada belgilangan vazifalarni amalga oshirish maqsadida maxsus ishchi guruh tuzish;

ikkinchidan - xalqaro ijtimoiy xavfsizlik Asosatsiyasi tavsiyasi asosida sohalarda bo'yicha "Nol jaroxatlar" kontseptsiyasini ishlab chiqish va amalga oshirish;

uchinchidan – korxonalarda xalqaro standartlarni (ISO 45001, ISO 90001) joriy etish mexanizmini ishlab chiqish va tadbiq etish;

to'rtinchidan – mehnatni muhofaza qilish sohasidagi huquqbuzarliklar to'g'risida shikoyatlarni qabul qiladigan doimiy ravishda ishlaydigan ishonch telefonlari tashkil etish, shikoyat kimga va qайдan kelib tushganligidan qat'iy nazar mehnatni muhofaza qilish bo'yicha inspektorlar tomonidan holat yuzasidan darhol tekshiruv o'tkazish (Hech qanday yozma ravishdagi buyruqlar va qo'shimcha kelishuvlarsiz) amaliyotini joriy etish;

beshinchidan – mehnatni muhofaza qilish sohasini ilm-fan bilan uyg'unlashtirish, baxtsiz hodisalar soni ortib borayotgan sohalarda mehnatni muhofaza qilish yo'nalishida ilmiy tadqiqotlar o'tkazish va baxtsiz hodisalarni oldini olishga qaratilgan ilmiy asoslangan takliflar ishlab chiqish;

oltinchidan – mehnat xavfsizligi bo'yicha korxona va tashkilotlarda innovatsion texnologiyalarni joriy etishga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqish va innovatsiyalar joriy etgan korxonalarga imtiyozlar berilishini qo'llab-quvvatlash;

ettinchidan – kasbiy xatarlarni (risklarni) aniqlash, tavsiflash, baholash va ularni kamaytirish tizimini joriy etish;

sakkizinchidan – ish o‘rinlarida mehnat sharoitlari bo‘yicha attestatsiya o‘tkazish o‘rniga bosqichma-bosqich mehnat sharoitlarini maxsus baholash tizimiga o‘tish;

to‘qqizinchidan – mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha qonunchilikni buzganlik uchun jarima miqdorlarini qayta ko‘rib chiqish va oshirish, shuningdek mehnatni muhofaza qilish sohasida quyidagi qonunbuzilishlar uchun alohida ma‘muriy javobgarliklarni belgilash:

- mehnat sharoitlarini maxsus baholashdan o‘tkazish tartibini buzganlik uchun;
- xodimni mehnatni muhofaza qilish talablari bo‘yicha o‘qitish va bilimlarini sinovdan o‘tkazmasdan, shuningdek dastlabki va davriy tibbiy ko‘rikdan o‘tkazmasdan xodimni mehnat vazifalarini bajarishga qabul qilganlik uchun;
- ishchilarni maxsus himoya vositalari bilan ta‘minlamaganlik uchun;
- ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalar va kasb kasalliklari majburiy ijtimoiy sug‘urta qilish munosabati bilan sug‘urta hodisasini yashirganlik uchun;

o‘ninchidan – Vazirlar Maxkamasining har yili Butunjaxon mehnatni muhofaza qilish kuni arafasida mamlakatimizda mehnatni muhofaza qilish xaftaligini o‘tkazish yuzasidan tegishli qarorini qabul qilish va amalga oshirish.

Mehnatni muhofaza qilish haftaligi doirasida quyidagi vazifalarni amalga oshirishni belgilash:

-mamlakatimizda doimiy ravishda ishlaydigan xalqaro munozaralar va tadqiqot maydonchalarini yaratish, ularda professional muxokamalar o‘tkazish va mehnatni muhofaza qilish sohasidagi dolzarb vazifalarni hal qilish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqish;

-barcha viloyatlar va shaharlarda davlat boshqaruvi organlari va ish beruvchilar hamkorlikda ish joyidagi baxtsiz hodisalar va kasb kasalliklarini oldini olishga qaratilgan tadbirlarni o‘tkazish;

-turli tashkilotlar mutaxassislari, xorijiy ekspertlarga idoralararo hamkorlik qilish maqsadida tajriba almashish uchun sharoitlar yaratish;

-mehnatni muhofaza qilish sohasida ijtimoiy sheriklikni rivojlantirishning keng ko‘lamli masalalari bo‘yicha ishbilarmon doiralar va professional xamjamiyat vakillarini sheriklik bo‘yicha muloqatga jalb qilish, davlat organlari vakillari, ish beruvchilar, kasaba uyushmalari vakillarining muxokamalarini o‘tkazish;

-mehnatni muhofaza qilishni boshqarish tizimini takomillashtirish, sohaga oid qonunchilikni takomillashtirish bo‘yicha takliflarni muxokama qilish, tahlil qilish va umumlashtirish.


Barchamizga ma‘lumki yangi tahrirda qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 42-moddasida Har kim munosib mehnat qilish, kasb va faoliyat turini erkin tanlash, xavfsizlik va gigiyena talablariga javob beradigan qulay mehnat sharoitlarida ishlash, mehnati uchun hech qanday kamsitishlarsiz hamda mehnatga haq to‘lashning belgilangan eng kam miqdoridan kam bo‘lmagan tarzda adolatli haq olish, shuningdek ishsizlikdan qonunda belgilangan tartibda himoyalanih huquqiga ega ekanligi belgilab qo‘yildi.

Bugungi kunda rivojlangan mamlakatlar qatorida mamlakatimizda ham ishlab chiqarish jarayoni va boshqa sohalarda yangi texnologiyalar, innovatsion ishlanmalar joriy etilmoqda va albatta bu o'z navbatida ish orinlarida xavfsizlik va gigiyena talablariga javob beradigan qulay mehnat sharoitlarini yaratishda ish beruvchilarga zamonaviy yondoshuvni, ilm-fanga asoslangan takliflarni inobatga olgan holda mehnatni muhofaza qilish sohasini qayta ko'rib chiqishni tashkil etishni va yo'lga qo'yishni talab etadi. O'zbekiston Respublikasi Mehnat Kodeksining 25-moddasida ish beruvchilarga xodimlar uchun mehnatni muhofaza qilish normativ talablariga muvofiq bo'lgan mehnat xavfsizligini va shart-sharoitlarini ta'minlash majburiyati yuklangan bo'lib, ushbu talablarni mavjudligini bugungi kunda barcha ish beruvchilar tomonidan isbotlashlari talab etiladi va bu albatta ish o'rinlarida mehnat sharoitlari bo'yicha o'tkaziladigan attestatsiya natijalariga asosan aniqlanadi.

Mehnat sharoitlari va asbob-uskunaning jarohat etkazish xavfi yuzasidan attestatsiyadan o'tkazish asosida aniqlanadigan, mehnat sharoitlari xodimning mehnat qobiliyatiga va sog'lig'iga nomaqbul ta'sir ko'rsatadigan ish o'rinlarida band bo'lgan xodimlar mehnat faoliyatini noqulay mehnat sharoitlarida amalga oshiruvchi xodimlar hisoblanadi. Ish o'rinlarini mehnat sharoitlari va asbob-uskunaning jarohat etkazish xavfi yuzasidan attestatsiyadan o'tkazishning maqsadi - mehnat sharoitlarini, ish o'rinlaridagi mehnat jarayonining og'irligi va tig'izligini hamda asbob-uskunaning jarohat etkazish xavfini baholash, zararli va xavfli ishlab chiqarish omillarini aniqlash, shuningdek mehnat sharoitlarini, mehnat jarayonining og'irligi va tig'izligini qonunchilikda belgilangan talablarga muvofiqlashtirish maqsadida o'tkaziladigan tadbirlar majmuidir. Bugungi kunda korxona va tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish sohasida ish joylarini mehnat sharoitlari va asbob uskunalarini jaroxatlash xavfiligi yuzasidan attestatsiyadan o'tkazish asosiy o'rin tutadi. Ish joylarini attestatsiyadan o'tkazish natijalari bo'yicha mehnat sharoitlarini yaxshilash bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqiladi, kasbiy xavflarni baholash uchun axborot bazasi yaratiladi va ishchilarning zararli va noqulay mehnat sharoitlarida ishlaganlik uchun imtiyoz va kompensatsiya olish huquqlari belgilanadi. Ish joylarini attestatsiyadan o'tkazish natijalarini tahlil qiladigan bo'lsak, mamlakatimizda 2021-yilda 19 ta mehnatni muhofaza qilish sohasidagi xizmatlar bozorining professional ishtirokchilari ushbu yo'nalishda faoliyat yuritgan bo'lsa, bugungi kunga kelib 22 ta mehnatni muhofaza qilish sohasidagi xizmatlar bozorining professional ishtirokchilari ish joylarini mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiyadan o'tkasish faoliyati bilan shugullanib kelmoqda.


Ushbu professional ishtirokchilar tomonidan 2021-yilda xodimlar soni yuz kishidan ziyod bo'lgan 570 ta korxonalarda 20 118 ta ish o'rinlarida attestatsiya o'tkazgan bo'lsa, 2022 yilda 760 ta korxona va tashkilotlarda 28 135 ta ish orinlarida attestatsiya o'tkazilgan. Tahlillarga ko'ra 2023 yilda ko'rsatkichlar sezilarli darajada o'sganligini ko'rishimiz mumkin, jumladan 2023-yil davomida 824 ta korxona va tashkilotlarda 31 102 ta ish o'rinlarida mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiya o'tkazilgan. Statistik ma'lumotlarni tahlil qiladigan bo'lsak, bugungi kunda mamlakatimizda 524 mingdan ziyod korxona va tashkilotlar faoliyat yuritib kelmoqda va bu korxona va tashkilotlarda jami 4 mln. 600 mingdan ziyod ish o'rinlari mavjud.

Shundan kelib chiqib ish o'rinlarida mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiya o'tkazish ko'lamini tahlil qiladigan bo'lsak, 2019-2023-yillarda mamlakatimizda jami 48 ming 700 ta korxona va tashkilotlarda (jami korxona va tashkilotlarning 9.2 foizini tashkil etadi) 1 mln. 300 ming ish o'rinlarida (jami ish o'rinlarining 2 foizini tashkil etadi) mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiya o'tkazilgan (6-rasm).



6-rasm. Ish o'rinlarida mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiya o'tkazish tahlili.

Ish joylarini mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiyadan o'tkasish ishlarini hududlar kesimida tahlil qiladigan bo'lsak, 2022-2023-yillar davomida Andijon viloyatida 28 ta korxonada 1334 ta ish o'rinlarida, Buxoro viloyatida 41 ta korxonada 1817 ta ish o'rinlarida, Farg'ona viloyatida 55 ta korxonada 3381 ta ish o'rinlarida, Jizzax viloyatida 43 ta korxonada 1480 ta ish o'rinlarida, Namangan viloyatida 65 ta korxonada 3303 ta ish o'rinlarida, Navoiy viloyatida 102 ta korxonada 2934 ta ish o'rinlarida, Qashqadaryo viloyatida 47 ta korxonada 3324 ta ish o'rinlarida, Samarqand viloyatida 50 ta korxonada 1504 ta ish o'rinlarida, Sirdaryo viloyatida 22 ta korxonada 948 ta ish o'rinlarida, Surxondaryo viloyatida 26 ta korxonada 874 ta ish o'rinlarida, Xorazm viloyatida 51 ta korxonada 1757 ta ish o'rinlarida, Toshkent viloyatida 198 ta korxonada 7931 ta ish o'rinlarida, Toshkent shahrida 441 ta korxonada 16593 ta ish o'rinlarida va Qoraqalpog'iston Respublikasida 78 ta korxonada 3845 ta ish o'rinlarida mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiya o'tkazilgan (7-rasm). Tahlillarga e'tibor qaratadigan bo'lsak, mehnatni muhofaza qilish sohasidagi xizmatlar bozorining professional ishtirokchilari faoliyati tashkil etilmagan Andijon, Jizzax, Samarqand, Sirdaryo, Surxondaryo, Xorazm viloyatlarida ish o'rinlarida mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiya o'tkazish darajasi past ekanligini ko'rish mumkin. Ishchilarning mehnatni muhofaza qilish bo'yicha me'yoriy talablariga va jamoa shartnomasida nazarda tutilgan shartlarga javob beradigan ish joyiga bo'lgan huquqini ta'minlashda ish o'rinlarida mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiya o'tkazish muhim rol o'ynaydi. Bugungi zamonaviy davrda korxona va tashkilotlardagi barcha jarayonlarni, shuningdek, ish joyini tashkil etishni optimallashtirishga bo'lgan ehtiyoj ortib bormoqda. Xodimning mehnat vazifalarining samaradorligi uning ish joyi qanday tashkil etilganiga bog'liqdir.



7-rasm. Mehnat sharoitlari bo'yicha attestatsiyadan o'tkazilgan ish o'rinlari.

1. Ish o'rinlarida mehnat sharoitlari va asbob uskunalarni jaroxatlash xavfliligi yuzasidan attestatsiyadan o'tkazishdan bosqichma-bosqich mehnat sharoitlarini maxsus baholash jarayoniga o'tish. Bunda ish o'rinlarini identifikatsiyalash, yashil o'rinlarini reestrini yuritishni yo'lga qo'yishga alohida e'tibor qaratish.

2. Mehnatni muhofaza qilish sohasidagi xizmatlar bozorining professional ishtirokchilarini faoliyatini yanada takomillashtiri, ularning huquq va majburiyatlarini belgilashga qaratilgan Vazirlar Maxkamasini qarori loyihasini ishlab chiqish va tasdiqlashga kiritish.

3. Mehnatni muhofaza qilish sohasidagi xizmatlar bozorining professional ishtirokchilarini faoliyatini yo'lga qo'yishni rag'batlantirish maqsadida subsidiyalar va soliq imtiyozlarini berishni, shuningdek akkreditatsiyadan o'tish jarayonini soddalashtirish bo'yicha taklif kiritish.

4. Ish o'rinlarida mehnat sharoitlari va asbob uskunalarni jaroxatlash xavfliligi yuzasidan attestatsiyadan o'tkazish va davlat ekspertizasini o'tkazish jarayonini raqamlashtirish, ya'ni alohida platforma ishlab chiqish.

5. Hududiy Davlat mehnat nazorati inspeksiyasida mehnat sharoitlari bo'yicha davlat ekspertizasini o'tkazishga mas'ul bo'lgan xodimlarni hamda Mehnatni muhofaza qilish sohasidagi xizmatlar bozorining professional ishtirokchilari xodimlarini tizimli ravishda malakasini oshirish bo'yicha tegishli chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqish va amalga oshirish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Rossiya Federatsiyasida mehnat xavfsizligi asoslari to'g'risida" 1999 yil 17 iyuldagi N 181-FZ Federal qonuni (so'nggi tahriri)
2. Трудовой Кодекс Российской Федерации, N 197-FZ 30 декабря 2001 года N 197-ФЗ.
3. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34683.
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

ВОЗДЕЙСТВИЕ ЭЛЕКТРОМАГНИТНОГО ИЗЛУЧЕНИЯ НА ЖИВЫХ ОРГАНИЗМОВ И МЕРОПРИЯТИЯ ПО ЗАЩИТЕ ОТ ВОЗДЕЙСТВИЯ ЭЛЕКТРОМАГНИТНЫХ ПОЛЕЙ

Х.Х. Мамиров (Доцент кафедры общетехнических дисциплин Института военной авиации Республики Узбекистан),

Г.К. Усаров (Старший преподаватель кафедры гуманитарных дисциплин Института военной авиации Республики Узбекистан),

А.Н. Азизов (Старший преподаватель кафедры общетехнических дисциплин Института военной авиации Республики Узбекистан).

Аннотация. В данной статье рассматривается влияние электромагнитного излучения на организм человека и меры защиты от воздействия электромагнитных полей. Для защиты от воздействия электромагнитных полей предложены следующие организационные мероприятия: уменьшение составляющих сил электрического и магнитного поля в индукционной зоне, сокращение рабочего времени в зоне радиации; плотность потока энергии, ограничивающая время пребывания в зоне источника электромагнитного поля; защита экрана на расстоянии 60 – 80 мм; способ защиты рабочего места или источника излучения электромагнитного поля; разумное размещение рабочего места относительно фактического излучения электромагнитного поля; использование предупредительных сигналов; использование средств индивидуальной защиты.

Ключевые слова: электромагнитное поле, тело человека, напряжение, индукция, ток.

Аннотация. Ушбу мақолада электромагнит нурларнишларнинг инсон организмига таъсири ва электромагнит майдонлар таъсиридан ҳимоланиш чора-тадбирлари ҳақида фикр юритилади. Электромагнит майдонлар таъсиридан ҳимоя қилиш учун қуйидаги ташиқий чора-тадбирлар таклиф қилинган: индукция зонасида электр ва магнит майдон кучларининг таркибий қисмларини камайтириш, радиация зонасида иш вақтини камайтириш; энергия оқимининг зичлиги, электромагнит майдон манбаи ҳудудида ўтказиладиган вақтни чеклаш; 60 - 80 мм масофа бўйича экранли ҳимоя қилиш; иш жойини ёки электромагнит майдон нурланиш манбасини ҳимоя қилиш усули; электромагнит майдоннинг ҳақиқий нурланишига нисбатан иш жойини оқилона жойлаштириш; огоҳлантирувчи сигналлардан фойдаланиш; шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш.

Калим сўзлар: электромагнит майдон, инсон организми, кучланиш, индукция, ток кучи.

